



УДК 396  
ББК 66.74  
М 50

М 50 «Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим» / «ООН-женщины» тузилмасининг Қирғизистон Республикасидаги идораси.  
Тузатилган 2-нашр. – Б.: «Тех.плюс», 2016. – 136 б.

ISBN 978-9967-11-536-1



**ООН-женщины** – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гендер тенглиги ҳамда аёллар хуқук ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмасидир. Глобал миёсда аёллар ва қизлар манфаатларининг фаол химоячиси ва йўл кўрсатувчиси бўлган **ООН-женщины** бутун дунё бўйлаб хотин-қизларнинг ҳак-хуқукларига риоя килиниши ишида илгаришни тезлаштириш максадида тузилган.

**ООН-женщины** БМТга аъзо мамлакатларга гендер тенглигига эришиш учун ҳалкаро меъёрлар ва стандартларни ўрнатишида кўмак кўрсатади, мазкур стандартларни амалга ошириш учун зарур бўлган конунлар, сиёсий ёндашувлар, дастурлар ва хизматларни ишлаб чиқиши учун ҳукуматлар ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қиласди. ООН-женщины фаолиятнинг беш устувор йўналишшига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, турмушнинг барча соҳаларида аёлларнинг тенг ҳукукли иштирок этишига фаол кўмаклашади. Бу йўналишлар орасида аёлларнинг етакчилик ролини кучайтириш ва уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш; аёлларга нисбатан зўравонликни тугатиш; аёлларни тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга оид барча масалаларни ҳал қилишга жалб қилиш; аёлларнинг иқтисодиёт соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш; миллий тараккиётни режалаштириш ва молиялаштириш жараёнларида гендер тенглигининг марказий ролини таъминлаш кабилар бор. Шунингдек, **ООН-женщины** БМТнинг бутун тизими доирасида гендер тенглигини олға суриш бўйича ишларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади.



United Nations Peacebuilding Support Office

Тинчлик қурилишини кўллаб-куватлаш бўйича бошқарма (ТҚҚБ) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муассасаларининг тинчликни барпо қилиш ҳаракатларини мувофиқлаштириш орқали Тинчлик қурилиши бўйича комиссияга кўмак ва кўллов кўрсатиш, Тинчлик жамғармасини бошқариш ва Бош котибга хизмат кўрсатиш учун таъсис этилганди.

Ушбу кўлланма ООН-женщины тузилмаси томонидан БМТ Тинчлик жамғармасининг молиявий кўмагида амалга оширилаётган “Гендерга оид адолатни олға суриш ҳамда қизларнинг ҳуқук ва имкониятларини кенгайтириш” лойихаси доирасида тайёрланган ва нашр этилган.

“Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” кўлланмаси ўрта мактабларнинг 9-, 10- ва 11-синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, улар Қирғизистон Республикаси Конституцияси моддаларига асосланган ҳолда, ёш аёл ва эркаклар, инсон ҳукукларидан, гендер тенглигидан хабардор бўладилар ҳамда ўз синфдошлари орасида турли этник гурух ва турли катламларнинг инсон ҳукуклари қай тарика бузилаётганига дохил зиддиятли вазияти тахлил қилиш йўлларини ўрганадилар. Кўлланма методикаси ва мундарижаси бўйича ҳаракатларни амалга ошириш билан тенгдошлар муҳим ҳаётий малакани ишлаб чиқишига муваффак бўладилар. Бу малака уларга келажакда касбий фаолият бўйича ориентир олиш ва шахсий муносабатларни муваффакиятироқ шакллантиришда ёрдам беради.

#### Муаллифлар:

Гюнтер Геральд, Жээнбекова Марал, Кулишманова Амина, Хаславнантер Катя, Аманова Назик

#### Хаммуалифлар:

Айткурманова Анара, ООН-женщины; Аманбаева Дарика, Y-Peer Бишкек; Қабилбек кизи Зина, Y-Peer Бишкек;

Каравашкина Александра, Y-Peer Ўш; Курманбекова Айчурек, “ООН-женщины” тузилмаси кўнгиллиси;

Мурзаканова Махабат, «ООН-женщины»; Нўрузаева Мунира, «Маана» кризис маркази; Эркинбаева Айзада, Y-Peer Бишкек

#### Мухаррирлар:

Монтгомери Жеймс ва Браун Элистейр (инглиз тили)

Абдиқаликова Гулбара (киргиз тили)

Айткурманова Анара ва Кулишманова Амина (рус тили)

Элмурод Жусупалиев (ўзбек тили)

#### Фотосуратлар:

© ООН-женщины

«Тех.плюс» МЧЖ босмахонасида чоп этилди

Ушбу нашрда ифодаланган мулоҳазалар муаллифга тегишли ва улар ООН-женщины, БМТ ёки унга алоқадор ташкилотлар расмий нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин.

М 0803010200-16

УДК 396  
ББК 66.74

ISBN 978-9967-11-536-1

Copyright © ООН-женщины, 2016

«ООН-женщины» тузилмасининг Қирғизистондаги ваколатхонаси

720040, Қирғизистон, Бишкек ш., Кўёнкўзов кўчаси, 144-уй

Тел: +996 312 325226

Факс: +996 312 325226 (105)

<http://eca.unwomen.org/en/where-we-are/kyrgyzstan>

2017 йилда ұтказиш мұддати	Бұлым	Сессия номи	Вазифа	Бет
26-30 январь	1-бұлым. Мак-табимиздаги конфликтлар таҳлили	1-сессия: Конфликт асослари	Воситаларни құллаш	10
2-6 февраль		2-сессия: Конфликт таҳлили		14
9-13 февраль		3-сессия: "Конфликт дарахти" воситаси		19
16-20 февраль		4-сессия: "Конфликт картографияси" воситаси		23
23-27 февраль		5-сессия: Конфликтлар билан ишлашда маълумот түплаш үслублари		28
2-6 март	2-бұлым. Медиация	1-сессия: Медиация ва конфликтология асослари	Воситаларни құллаш натижалари нозасидан хисобот	41
9-13 март		2-сессия: Медиация жараёни. Медиациянинг 5 босқичи.		45
16-20 март	3-бұлым. Қишлоқни умумий баҳолаш (ҚУБ)	1-сессия: ҚУБ обзори ва умумий принциплари: ҚУБга тайёргарлик; кундалик баҳолаш ва ташкилий үйғилишлар	Хамжамиятда медиацияни құллаш	56
20-29 март	<b>Таътил</b>			Медиацияни құллаш юзасидан әссе
30 март - 3 апрель	4-бұлым. Ижтимоий үзгаришлар театри	2-сессия: Воситалар ва үслублар: ресурс харитаси: ресурс карточкалари: Венн диаграммаси	ҚУБ системасини құллаш орқали тадқиқот ұтказыш	65
6-10 апрель		3-сессия: Ижтимоий харита: даромадлар ва ҳаражалар матрицаси: фаровонлик бүйіча баҳолаш: күн тартиби		79
3-17 апрель		4 А-сессия: Дала машғулотлари 4 Б-сессия: Дала машғулотлари <small>хатасы 2 марта</small>		87
20-24 апрель		5-сессия: Восита – ҳамжамиятда семинар: шундан сүнг гурухга олинган тажриба намойиш этилади		102
27 апрель - 1 май	4-бұлым. Ижтимоий үзгаришлар театри	1-сессия: Кириш ва оёқ-құл чигилини ёзиш	Спектаклни намойиш этишга тайёргарлик	111
4-8 май		2-сессия: Образлар яратиш		116
11-15 май		3-сессия: Спектаклни сақналаштириш		119
18-22 май		4-сессия: Спектаклни сақналаштириш ва мукаммаллаштириш		122
25-29 май		5-сессия: Спектаклни намойиш этиш		124

**БМТ куни ва Халқаро Тинчлик кунини нишонлаш доирасида  
БМТ Қирғизистон ўқувчиларига тинчлик қурилиши масалаларини  
муҳокама қилиш учун платформани тақдим этди**

2014 йилнинг 24 октябрида Бишкеқдаги 24-ўрта мактаб ва Т. Сатилганов номидаги ўқув-тарбия гимназия комплексида БМТ куни ва Халқаро Тинчлик куни нишонланди. Мазкур тадбирнинг ўзига ҳослиги шундаки, 200 ўқувчи тинчлик ва хавфсизлик масалаларини Қирғиз Республикаси Президенти маъмурияти, Маориф ва фан вазирлиги вакиллари, БМТнинг Марказий Осиёдаги Первентив Дипломатия Ҳудудий маркази раҳбари – элчи Мирослав Енча, Бирлаш-



ган Миллатлар Ташкилоти вакиллари билан бевосита муҳокама қилиш имкониятига эга бўлди. ООН-женщины тузилмаси волонтёри Марал Джееенбекова ва 24-мактабнинг икки нафар тенгдош устози Алтинай Юсупова ҳамда Султан Мансури лойиҳа юзасидан маъруза қилди. Тақдимот маросимидан сўнг давлат ва БМТ тузилмалари вакилларига Қирғизистондаги конфликтларни тинч йўл билан бартараф этиш жараёнида ёшларнинг роли, Қирғизистон ҳукумати томонидан мактабда таълим беришнинг янги интерактив усусларини жорий этилиши, БМТнинг Қирғизистондаги лойиҳалари натижалари ва бошқа муаммолар тўғрисида қизиқарли саволлар берилди. ООН-женщины волонтёри Назик Аманова ва 69-сонли мактаб ўқувчилари Маҳабат Айдаралиева, Аэлита Айбек қизи ва Даёна Таалайбек қизи қўллаб-қуватловида “Ўсмирлар ўртасидаги тушунмовчилик” форум-театри намойиш этилди.



Мактаб ўқувчилари ўқувчилар орасида камситиш ва зиддиятларга сабаб бўлувчи ижтимоий бўлинишини ифодаловчи кичик саҳна кўринишини намойиш этди. Шундан сўнг 8 ва 11-синфларнинг иқтидорли ўқувчилари “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” ҳамда “Ўсмирлар ўртасидаги тушуммовчилик” мавзусида ёзилган иншолари, шеърлари ва суратлари учун тақдирланди.



ООН-женщины тузилмаси Тинчлик қурилиши Жамғармаси ва Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар доирасида Қирғизистон ахолисининг асосий қатламини ташкил этувчи ёшлар билан ишлади, Қирғизистоннинг 80дан ортиқ мактабларида гендер тенглиги ва инсон ҳуқуқлари асоси масалалари юзасидан ўқувчи ва муаллимлар учун тренинглар ўтказади. Ўқувчилар ўз тенгдошлигини тенг тенги билан принципига ўргатиш бўйича кўникмага эга бўлади ҳамда осойишталик ва тенгликни мустаҳкамлашда ўзгаришлар агенти сифатида намоён бўлади. Улар, шунингдек, мактабларида содир этилаётган конкрет воқеалар мисолида адолатлилик нима эканини тушинишга ёрдам берувчи ҳаракатларнинг босқичма-босқич режасини туза бошлади. Ўқувчилар қаллиқ ўғирлаш, оилавий зўравонлик, эрта тўрмуш қуриш, мактаб рэкети ва бошқа долзарб муаммоларни муҳокама қилишибди. Умуман айтганда, мактабни хавфсиз ва осойишта масканга айлантириш ҳақида ўйланишибди.

Лойиҳа доирасида ишлаган мониторинг гурӯҳи ўқувчилар тақдимот ўтказиш кўникмаларини такомиллаштиришга ва босқичма-босқич режа асосида мактабларидаги муаммоларни мустақил равишда ҳал этишга муваффақ бўлганини таъкидлади. Тенгдош устозлар ўтказадиган кейинги тадбирларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ООН-женщины тузилмаси “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” қўлланмасини нашр этди. Мазкур қўлланма Қирғизистондаги кўпчилик мактаблар учун ўта зарур китобга айланди.





## Конфликтлар таҳлили

01

Конфликт асослари  
Конфликт таҳлили  
«Конфликт дарахти» воситаси  
«Конфликт картографияси» воситаси  
Конфликтлар билан ишлашда маълумот түплаш услублари

10  
14  
19  
23  
28

# КИРИШ

## Кириш

Мазкур бўлим ёшларнинг мактаб ёки ҳамжамиятда содир этилаётган конфликтларни тушуниш потенциалини оширишга, конфликтларни таҳлил қилиш маҳоратига эга бўлишига, шунингдек, зўравонликка сабаб бўлувчи ҳар қандай конфликтларнинг олдини олишга ва зўравонлик жабрдийдаларини ҳимоя қилишга қаратилган ўқув курси сифатида ишлаб чиқилди.

Бўлим конфликтларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш жараёнига қизлар ҳамда ўғил болаларни тенг равишда жалб қилишни дастаклаган ёшларни ўқитишга бағишлиданади.

Бу бўлимда конфликт асослари, унинг типлари, сабаблари, конфликтли вазиятларда ўзини тутиш типлари, шунингдек, конфликтта сезгирилик ҳақида умумий маълумот берилган. Конфликтни таҳлил қилиш воситалари, уларни амалиётда қўллаш юзасидан тавсиялар ҳамда маълумот тўплаш услублари тақдим этилган. Қўлланмада берилган материаллар яхши ўзлаштирилиши учун мисоллар ва ҳаётдан олинган реал воқеалар (кейслар) келтирилган.

### Режа:

#### I. Пре-тест

#### II. Сессиялар:

- 1-сессия. Конфликт асослари
- 2-сессия. Конфликт таҳлили
- 3-сессия. “Конфликт дарахти” воситаси
- 4-сессия. “Конфликт картографияси» воситаси
- 5-сессия. Конфликтлар билан ишлашда маълумот тўплаш услублари

#### III. Орттирилган билим, таклиф ва натижалар

#### IV. Тадбирлар формати

#### V. Пост-тест

## Пре-тест

**Билимни ва конфликтларни таҳлил қилиш қобилятини баҳолаш формаси.**

**Қўйидаги мавзулар бўйича ўз билимингизни қандай баҳолайсиз?**

<i>Мавзу: "Конфликт" иборасининг умумий тушунчаси</i>	<i>Мен маълумот билан яхши танишман</i>	<i>Мен тасаввурга эгаман</i>	<i>Мен бу маълумотни унча яхши билмайман</i>
Конфликт нима?			
Конфликтнинг қандай типлари мавжуд?			
Конфликтнинг қандай сабаблари бўлиши мумкин?			
Конфликтли вазиятларда ўзини тута билиш услуби:  - рақобат (назорат, ҳукумронлик) - қочиш - мослашиш - муроса - мұаммони ҳал қилиш			

# КИРИШ

<b>Мавзу: Конфликтни анализ қилиш воситалари</b>	<b>Мен бу маълумотни яхши биланман</b>	<b>Мен тасаввурга эгаман</b>	<b>Мен бу маълумотни унча яхши билмайман</b>
Конфликтни таҳлил қилиш нима? Биз конфликтларни нега таҳлил қиласиз?			
“Конфликт буқриси”. Конфликт босқичлари қандай баҳоланади?			
“Конфликт дараҳти” Конфликт оқибатлари, сабаблари ва узвийлигининг таҳлили			
<b>Мавзу: Маълумот тўплаш услублари</b>	<b>Мен бу маълумотни яхши биламан</b>	<b>Мен тасаввурга эгаман</b>	<b>Мен бу маълумотни унча яхши билмайман</b>
<b>Маълумотни тўплаш услублари:</b> Интервью			
Контент таҳлил			
Фокус-группа ёки гуруҳий интервью			
Анкеталаш тириш			

«Агар рақиб билан тўқнашсанг, уни муҳаббат билан забт қил».  
Махатма Ганди

«Бутун дунёни кўр қиласиган нарса “қонга қон” деган принципдир».  
Махатма Ганди

01

## КОНФЛИКТНИ ЎРГАНИШГА КИРИШ

**Сессия мақсади:** иштирокчиларнинг конфликт асослари тўғрисидаги билимларини яхшилаш.

Сессия якунида иштирокчилар қўйидаги маълумотларни билади ва қўллай олади.

- Конфликтнинг қандай элементлари мавжуд?
- Конфликт типлари ва сабаблари.
- Конфликт сезирлиги нима дегани?

Ўзбек тилида “Конфликт” маъносида қўлланиши мумкин бўлган бир қатор сўзлар бор. Масалан, “зиддият”, “тўқнашув”, “жанжал” ва бошقا сўзларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бироқ бу сўзлар “конфликт” сўзини тўла маънода ифодалай олмайди. Шунинг учун мазкур бўлимда биз “конфликт” сўзини “турли фикр ва манфаатларга эга бўлган икки ёки ундан кўп одамлар ёхуд томонлар орасида пайдо бўлган кескинлик” деган маънода ифода этамиз.

**Сессия режаси:**

**Давомийлиги:** 2 соат

№	Номланиши	Ўтказиш услуби	Вақт, мин.	Материал
1	Конфликт асослари ҳақида умумий маълумот (Конфликт нима?)	Позицион социометрия бўйича машқлар; фикрий ҳужум; Муҳокама	30	
2	Конфликт типлари	“Тенгга тенг” принципи	20	Конфликт типлари тавсиф этилган карточкалар
3	Конфликт сабаблари	Тақдимот, муҳокама	15	
4	Конфликт сезирлиги	Мини-лекция, муҳокама	10	
5	Конфликтли вазиятларда ўзини тутиш ва стиль	Мини-лекция, ролларга бўлинган ўйин	35	Стиллар тавсифланган карточкалар
6	Мавзуни мустаҳкамлаш	Савол-жавоб	10	

# 1-СЕССИЯ КОНФЛИКТНИ ЎРГАНИШГА КИРИШ

## 1. Конфликт нима?

Конфликт конфликтлашытган ҳар бир томоннинг хоҳишиларини қондириш учун ресурлар етишмай қолған пайтда томонларнинг ўзаро мос келмайдиган манфаатлари ёки қарама-қарши хоҳиш-истаклари оқибатида юзага келади. Конфликт юзага келиши таҳди迪 пайдо бўлган пайтда иштирокчи томонлар турлича ҳаракат усулларини танлаб олиши мумкин. Улар ёки ўз деструктив ҳаракатлари билан конфликтни кучайтириши ва ёки вазиятни кескинлаштиришдан тийилиши, бироқ конфликтни ҳал қилмаслиги ёхуд конструктив тарзда конфликтни бартараф этишга ҳаракат қилиши мумкин.

Конфликт юзага келганда биз уни бартараф этишнинг уч услубидан бирини қўллашимиз мумкин:

- **Музокаралар** – конфликтни манфаатдор томонлар ўзаро бир-бирлари билан учрашиб ёки учинчи томоннинг ёрдами билан бартараф этиш жараёни.
- **Медиация** – конфликтни медиатор деб аталадиган бетараф учинчи томон иштирокида бартараф этиш жараёни. Медиатор конфликтлашытган томонларга конфликтга асос бўлган ўзларининг хусусий манфаатларини аниқлашга ва ошкор этишга, ундан кейин эса ўзаро низолашытган ҳар икки томоннинг манфаатларини чекламайдиган ва қондира оладиган йўлни топишга ёрдам беради.
- **Консенсус асосида қарор қабул қилиш** – барча томонлар конфликтни бартараф этиш учун амал қиладиган ҳаракат режасини ишлаб чиқиш мақсадида тўпланадиган жараён.

Ҳар уч стратегияда барча томонлар муросага келиши назарда тутилади!

**Конфликт** лотинчадан таржима қилинганида “конфронтация” (“қарама-қаршилик”) деган маънони англатади. Бу қарама-қарши мақсадларга эга бўлган ёки жуда бўлмагандан ўзларини шундай деб ҳисоблайдиган икки ва ундан ортиқ томонлар ўртасидаги муносабатdir.

**Конфликт** – бир неча томонларнинг манфаатлари, мақсадлари ва нуқтаи назарлари ўртасидаги зиддиятdir.

**Конфликт** адолат талаб қилаётган ва бунинг ортидан қатъий тарзда мувофиқлаштириши шарт бўлган қарама-қарши манфаатларни тамсил этади. Бундай мувофиқлаштирувга (қарор-га) эришиш учун биз конфликтлашытган ҳар бир томоннинг манфаатларини ҳамда уларнинг мақсадини тушунишимиз керак. Шунингдек, уларнинг манфаатлари асосида қандай “талаблар” борлигини аниқлашимиз ва кўриб чиқишимиз лозим.

- Фасилитатор тенгдошларига қўйидаги савонни беради: “Конфликт ҳар доим ҳам ёмонми ёки унинг ижобий жиҳатлари ҳам борми?”
- Шундан сўнг фасилитатор тенгдошларидан ўз фикрларини реал ҳаётдан мисоллар келтириш орқали асослаб беришни илтимос қиласди.

**Хулоса:** Конфликтни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш ижобий натижаларга олиб келади. Салбий натижа билан якунланган, мақсад ҳамда манфаатлар тўқнашуви давом этайдан конфликтлар конфронтацияга сабаб бўлади, бундан эса томонларнинг ҳеч бирига наф бўлмайди. Конфликтнинг негатив оқибатларидан барча томонлар учун манфаатли бўлган вазиятни пайдо қилиш устида ишлаш орқалигина сақланиш мумкин.

## 2. Конфликт типлари

Фасилитатор иштирокчиларга конфликт типлари тавсифланган карточкаларни тарқатади. Шундан сўнг кичик гуруҳларга бўлинган иштирокчилар мазкур маълумотни ўқиб, уни шеригига тушунтириб бериши керак. Кичик гуруҳлардаги машғулотдан сўнг ҳар бир иштирокчи ўзи ёдида сақлаб қолган маълумот билан ўртоқлашади. Кейин иштирокчилардан бири аудиторияга ўзи эслаб қолган маълумотни мини-лекция тарзида айтиб беради.

- **Шахснинг ички конфликти:** шахснинг ички конфликти инсоннинг ички мақсадлари, манфаатлари, талаблари ва аҳлоқий жиҳатлари орасидаги зиддиятни ифодалайди.
- **Шахслар ўртасидаги конфликт:** бу икки ёки ундан кўп одамлар ўртасидаги конфликтдир. Бунинг турли сабаблари бўлиши мумкин, масалан, битта вазиятни турлича тушуниш. Ҳар ҳолда одамлар турлича фикрлайди.
- **Шахс ва гуруҳ ўртасидаги конфликт.** Бу типдаги конфликтнинг хавфли томони шундаки, гуруҳ алоҳида бир шахсдан кўра кучлироқ бўлиши мумкин ва ўз ҳукумронлигидан қўпол тарзда фойдаланиб, муаммонинг моҳиятига эътибор қаратмаслиги эҳтимол. Шахс ва гуруҳ ўртасидаги конфликт шахснинг ички конфликтига ёки гурухнинг ичидағи конфликтга сабаб бўлиши мумкин.
- **Гурухнинг ичидағи конфликт:** бир гуруҳ аъзолари орасидаги конфликт.
- **Гуруҳлараро конфликт:** гуруҳлар орасидаги конфликт. Бу икки ёки ундан кўп гуруҳлар ўртасидаги зиддият, уларнинг қарама-қарши позицияларининг, муаммо ва масалаларга турлича ёндашувишининг тўқнашувидир. Конфликтнинг бу типи жуда узоқча чўзилади ва бунинг оқибатида бошқа конфликтларга қараганда оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

### 3. Конфликт сабаблари

Фасилитатор аввалдан доскага конфликт сабабларини ёзиб қўйиши керак. Шундан сўнг у иштирокчилардан конфликтнинг ҳар бир сабабларига ҳаётий мисоллар келтиришни илтимос қиласди.

- **Ресурслар етишмаслиги:** яъни, ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат, сув, уй-жой, ҳаво, ахборот ва ҳаказоларнинг етишмаслиги. Одамлар ҳар доим кўпроқ ресурсларга эга бўлишни истайди, айни пайтда ресурсларнинг аксарият қисми чекланган. Шунинг учун конфликтлар ва чекловларнинг олдини олиш мақсадида уларни адолатли бўлиштириш ҳамда мувофиқлаштириш эҳтиёжи мавжуд.
- **Қадриятлардаги фарқлар:** бундай фарқ турли эътиқодга эга бўлган одамлар орасида бўлади. Маданият ва анъаналар, дин, жинс, ижтимоий ҳолат ёш одам учун қадрият ҳисобланадиган нарсаларга аввал олинган тажриба каби таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, адолатсизлик деб ҳисобланадиган бирон нарса учун жавобгарликка тортиш; ёки жазодан ёки жавобгарликдан бош тортиш –нотўғри ҳатти-ҳаракат сифатида.
- **Идрок қилишдаги фарқлар:** одамлар робот эмас ва бир ҳил нарса ҳақида турли тасаввурга эга бўлиши мумкин.
- **Манфаатлардаги фарқлар:** томонлар фақат ўз манфаатларини амалга оширади, бу эса манфаатлар фарқланганда конфликтга сабаб бўлади.

### 4. Конфликт сезирлиги нима дегани?

Фасилитатор конфликтологияда «конфликт сезирлиги» деган тушунча мавжудлигини тушуниради ва иштирокчилардан мазкур иборани қандай тушунишлари ҳақида сўрайди.

Тенгдошлари фикрлари билан танишгач, фасилитатор жонли мұхокама қилиш ва атамани яхшироқ тушуниш учун доскага иштирокчиларнинг фикрларини ёзади.

**Конфликт сезирлиги** – бу одамлар, ташкилотлар ва давлатлар ўртасида конфликт келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни эътиборга олиш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнида конфликтни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган тадбирларни амалга оширишdir.

**Асосий принцип:** «Зарар етказма».

Хуноса: Қирғиз Республикаси ҳукумати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш учун турли халқаро ширкатларга конларни ўзлаштириш учун қонунда белгиланган тар-


# 1-СЕССИЯ КОНФЛИКТНИ ЎРГАНИШТА КИРИШ

тибда лицензиялар берди. Айни пайтда давлат органлари ўз вазифаларини қонун доирасида экологик зиённи чеклашни кафолатлаш даражасида бажара олмади, айрим амалдорлар эса маҳаллий аҳоли билан маслаҳатлашмади. Бу амалдорлар конфликтга сезгир бўлмаган. Натижада бир қатор туманларда ижтимоий норозиликлар кузатилди. Атроф мұхитнинг ёмонлашуви эса аҳолига қийинчиликлар туғдирибина қолмай, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини йўқотди. Агар қонун талабларига керакли даражада риоя қилинганида эди, атроф мұхитга катта зиён етказилмаган бўлар эди. Бу ҳолатда маҳаллий бюджет ширкат даромадидан тўланадиган фоиз ҳисобидан тўлдирилган бўларди; маҳаллий аҳоли ширкатдан ойлик тўланадиган иш топарди, мамлакат эса ҳаммадан кўпроқ фойда кўрар эди. Айнан давлат органлари халқнинг ишончини қайтариш, зўравонликка айланиб кетувчи конфликтнинг ва беқарорликнинг олдини олиш учун қонун талабларига амал қилиши зарур.

## 5. Конфликтда ўзини тутиш услублари.

Иштирокчилар бир нечта гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳга конфликт пайтида ўзини тутиш услубларидан бири ёзилган карточка берилади. Масалан, қочиш, мослашиш ёки муроса деб ёзилган карточка. Беш дақиқа давомида иштирокчилар ўзларига берилган карточкада ёзилган ўзини тутиш услубига оид ролларга бўлинган ўйинни кўрсатиши керак. Шундан сўнг бошқа иштирокчилар ўзини тутишнинг қандай услуби намойиш этилганини топиши лозим.

Юқори



02

## КОНФЛИКТ ТАҲЛИЛИГА КИРИШ

**Сессия мақсади:** иштирокчиларга конфликт таҳлили ва мазкур таҳлилнинг зарурлиги ҳақида маълумот бериш; конфликтни таҳлил қилиш воситаларидан бирига ўргатиш: “Конфликт бўкриси”.

Сессия якунида иштирокчилар қўйидаги маълумотларни билиб олади.

- Конфликт таҳлили нима?
- Нега конфликтни таҳлил қилиш зарур?
- “Конфликт бўкриси” услуги билан таништириш.
- “Конфликт бўкриси” воситасини қўллаган ҳолда конфликтни амалий таҳлил қилишга ўргатиш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Номланиши	Ўтказиш услуги	Вақт, мин.	Материал
1	Конфликт асослари тўғрисда умумий маълумот (Конфликт нима?)	Позициявий социометрия бўйича машқ; фикрий ҳужум; муҳокама	30	
2	Конфликт типи	“Тенгга тенг” принципи	20	Конфликт типлари ёзилган карточкалар
3	Конфликт сабаблари	Тақдимот, муҳокама	15	
4	Конфликт сезгирилги	Мини- лекция, муҳокама	10	
5	Конфликтли вазиятларда ўзини тутиш	Мини- лекция, ролларга бўлинган ўйин	35	Стиллар ёзилган карточкалар
6	Мавзуни мустаҳкамлаш	Савол-жавоб	10	

## 2-СЕССИЯ: КОНФЛИКТ ТАХЛИЛИГА КИРИШ

### 1. Аввалги сессияни тақрорлаш

Иштирокчилар айлана шаклида туради ва бир- бирларига қоғоз түп узатиб, ўтган сессияда эсда қолган маълумотларни айтадилар. Ҳар бир иштирокчи ўзининг эсида қолган янги маълумотни айтиши керак. Фасилитатор айтилганларни ёдида сақлаб қолиши ва аввалги сессияда ўтилган, аммо айлана ичида айтилмай қолинган маълумотни қўшиши керак.

### 2. Конфликт таҳлили нима?

Фасилитатор тенгдошларидан: “Конфликт таҳлили нима дегани ва нима учун конфликтни таҳлил қилиш зарур?” деб сўрайди. Барча фикрлар доскага ёзилиши керак.

**Конфликт таҳлили** – конфликтнинг моҳиятини унинг турли аспектларини ҳар томонлама таҳлил қилиш воситасида тушуниш жараёни.

### Конфликтларни нега таҳлил қилиш зарур?

- конфликтни тушуниш учун биз уни ҳар томонлама таҳлил қилиб кўришимиз зарур;
- зўравонлик қўлланиладиган конфликтларини ёки унинг пайдо бўлишини олдини олиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни қабул қилиш заруратини тушуниш учун;
- конфликтни минимал йўқотишлар билан бартараф этишнинг йўлини топиш учун;
- қандай қилиб конфликтни минимал йўқотишлар билан ижобий ҳал қилиш мумкин;
- агар конфликт фазаси аниқланса ва уни ҳал этиш юзасидан чоралар кўрилса, трансформация қилиш йўли орқали конфликтни позитив бартараф этиш ечимини топиш мумкин.

### 3. Конфликт таҳлили воситалари

Конфликтни таҳлил қилишнинг кўплаб воситалари мавжуд, фақат керакли воситани турлича конфликтли вазиятларда тўғри қўллай олиш мухимдир. Мазкур бўлимда қўйидаги воситалар кўриб чиқилади.

- “Конфликт бўкриси” – унинг босқичларини таҳлил қилиш учун.
- “Конфликт дарахти” – конфликт сабаблари ва оқибатларини таҳлил қилиш учун.
- “Конфликт картографияси” – манфаатдор томонларнинг позициялари ва манфаатларини таҳлил қилиш учун.

### 4. Аҳолиси ортиқча кўп мамлакат

Иштирокчилар орасидан бир кўнгилли машғулот пайтида хонадан чиқиб кетиши ва уни чақирмагунларича ташқарида кутиб туриши керак. Қолган иштирокчилар хонада қолади ва айлана шаклида туради. Улар бир – бирларининг қўлларидан ушлаб, турган жойларини ўзгартириб, чалкаш вазиятни ҳосил қиласди. Кейин ташқарида турган кўнгиллини чақириб, унга “аҳолиси ўта кўп мамлакат” деб аталувчи бу чалкашликни ҳал қилиш учун З дақиқа вақт берилади (одатда иштирокчига бунинг учун уч дақиқа вақт этишмайди). Кўнгилли яна хонадан чиқади. Ўқувчилар “аҳолиси кўп мамлакат”да янада мураккаброқ чалкаш вазиятни ташкил этади. Шундан сўнг кўнгилли ташқаридан ичкарига таклиф қилинади ва у чалкаш вазиятдаги иштирокчиларнинг бундан аввалги турган жойларини аниқлашга ҳаракат қиласди. Бу гал унга барча иштирокчилар кўмак кўрсатиши керак. Бу иш учун бир дақиқа вақт берилади. Одатда, иштирокчиларнинг барчаси биргалиқда бу вазифани бир дақиқа ичида бажариб бўлади.

Машқдан сўнг иштирокчиларга қўйидаги савол берилади:

- Нега биринчи марта “аҳолиси ортиқча кўп” давлатда ечим топиш қийин бўлди?
- Нега иккинчи марта “аҳолиси ортиқча кўп мамлакат”да ечим топиш осон бўлди?
- Мазкур машқнинг моҳияти нимада?

Конфликтга ечим топиш учун энг аввало уни таҳлил қилиш керак. Конфликтни ижобий ҳал этиш учун чоралар кўриш жараёнида конфликтнинг барча томонлари иштирок этиши керак.


### 5. «Конфликт бўкриси»

“Конфликт бўкриси” – бу муайян бир вақт ичида конфликтнинг бошланишини, унинг кейинги ривожланишини ва сусайишини кўрсатувчи схема.

## 2-СЕССИЯ: КОНФЛИКТ ТАҲЛИЛИГА КИРИШ

Бундай таҳлил қуидагиларни аниқлашга ёрдам беради:

- конфликт эскалациясини тушуниш;
- конфликтнинг айни пайтдаги босқичини аниқлаш;
- конфликтнинг ривожланиш йўналишини кўриш ва унинг кейинги эскалациясининг олдини олиш үсулларини топиш.



Мазкур восита конфликтни беш босқичга бўлади:

### **1. Конфликтгача бўлган босқич**

Мазкур босқич қуидагича ўзгачаликларга эга:

- томонлар ўртасида конфронтациянинг пайдо бўлиши ва ошкора қилинмаган норозиликнинг кучайиб бориши;
- мазкур босқичда томонлар ўзаро душманликни ошкора намойиш этишдан тийиладилар;
- бир – бирлари билан мулоқот қилишдан қочада.

### **2. Конфликтнинг бошланиши**

Мазкур босқич қуидагича ўзгачаликларга эга:

- Томонларнинг манфаатлари бир-биридан кескин фарқланади;
- Томонлар ўз мақсадларига эришиш учун ошкора ҳаракатлар қилишни бошлайди (кучларни бирлаштириш, ҳаракатлар ва ҳаказо);
- Томонлар ўртасида жанжаллар чиқиши мумкин;
- Томонлар ресурсларни тўплайди, иттифоқчиларни топади, янги воситаларни қўлга критиш ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантириш учун чоралар кўради.

### **3. Энг оғир босқич (кризис)**

Мазкур босқич қуидагича ўзгачаликларга эга:

- Томонларнинг бир-бирларига нафрати кучли тарзда намоён бўлади.
- Зўравонликларнинг юқори даражага етиши ва бунинг оқибатида одамлар ўртасида жабрланганлар ёки ўлганлар бўлиши эҳтимоли;
- Бу даврда одамлар назоратдан чиқиши ҳамда ўзларида мавжуд бўлган қуролларнинг барча турларидан фойдаланиши мумкин;

## 2-СЕССИЯ: КОНФЛИКТ ТАХЛИЛИГА КИРИШ

- Мазкур босқичда конфликт әскәлациясини назорат қилиш имконияти мавжұд әмас, томонлар үртасида зўравонликларни тұхтатиши ва осойишталиктан тиклашга йўналтирилген чора-тадбирларини амалға ошириш жуда қийнлашади.

### 4. Конфликтнинг якунланиши (натижаси)

Мазкур босқич қуийдагича ўзгачаликларга эга:

- конфликтлашаётган томонлар үртасида кескинликнинг, зўравонликларнинг ва конфронтациянинг сусайиши;
- томонлар, балки кучли томоннинг хоҳишилариға асосланған ҳолда, муросага келди. Бу ҳолатда реал осойишталиктан үрнатилиши ёки конфликтлашаётган ҳар бир томондаги кўпчилик адолатли деб ҳисобладиган қарор қабул қилиниши эҳтимолдан узоқ. Бироқ мана шу йўл билангина мустаҳкам тинчлик үрнатилиши учун шароит яратиш мумкин эди;
- музокарачи ёки медиатор сифатида қатнашаётган учинчи томон конфликтни бартараф этиш ёки ҳеч бўлмагандан сулҳ битимиға келиш жараёнига жалб қилиниши мумкин.

### 5. Конфликтдан кейинги босқич

Мазкур босқич қуийдагича ўзгачаликларга эга:

- Томонларнинг очиқдан-очиқ қарама-қаршилиги ниҳоясига етмоқда, лекин одатда бу конфликт келиб чишига асос бўлган мұаммо ҳал этилганини англатмайди;
- Кўп ҳолатларда конфликтдан кейинги давр конфликтнинг яширин шаклга ўтиш фазаси бўлиши мумкин;
- Конфликтдан кейинги босқичда асосий хавф ошкора конфронтациянинг тақрорланиши эҳтимоли мавжудлигидадир;
- Конфликтдан кейинги натижаси барча томонларнинг манфаатларига жавоб бермаса, у яна тақрорланиши ва юқорида айтиб ўтилган барча босқичларни қайта тақрорлаши мумкин.

#### Амалий иш:

Иштирокчилар бир нечта гурухга бўлинади; ҳар бир гурух мазкур воситани қўллаган ҳолда конкрет бир конфликтни, унинг ҳар бир босқичини ҳар томонлама ўрганган ҳолда, таҳлил қилиши лозим.

**Кичик гурухларда “Конфликт буқриси”ни қўллаган ҳолда кейс устида ишлаш.**

**Кейс:** Турли этник гурухларга мансуб ёшлар үртасидаги конфликт

Турли этник гурухлар вакиллари (уйғурлар, руслар, қирғизлар ва бошқалар) Бишкекдаги иккى (қирғиз ва рус) тилда таълим берилувчи мактабда ўқишиади. Кўп ўйлар мобайнида бу мактабдаги миллатлараро мұносабатлар ёмонлашди. Ҳар ойда бу ерда қирғиз ва уйғур миллатига мансуб ўқувчилар орасида кичик конфликтлар содир бўлар эди. Улар жанжаллашар, бир-бируни ҳақорат қиласар, атайлаб бир-бирларини туртиб, таҳдид қилишар эди. Бундай конфликтлар тез-тез тақрорланиб туришига қарамай, мактаб маъмурологияни ва ота-оналар ҳеч қандай конкрет чоралар кўрмаган. Мактаб обрўсига путур етиб қолишидан чўчиган мактаб маъмурологияни балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторларга мурожсаат қилмаган, ҳолбуки маъмурият бу ишини қилиши керак эди.

Бунинг оқибатида 2010 йилда мазкур иккى этник гурухга мансуб ўқувчилар орасида катта муштлашув содир этилди. Аввал улар мактаб фойесида бир-бирларини туртишиди, кейин мактабнинг орқа ховлисига ўтиб, “мұносабатларни аниқлаштиришига” киришишиди. Ҳовлида муштлашув бўлаётганини кўрган бошқа ўқувчилар ҳам жанжалга аралашди. Муштлашув оқибатида ўқувчилардан бири бир умрга ногирон бўлиб қолди бир неча ўқувчи жароҳатланди, мактаб ойналари синдирилди, мактаб обрўсизлантирилди.

Фақат мана шу воқеадан сўнг мактаб маъмурологияни ва ўқитувчилар мұаммо борлигини тан олди, балоғатта етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор эса мактаб ўқувчилари ва ёшларни дўстлашишга чақириб, тушунтириш ишларини ўтказди. Бироқ мактаб маъмурологияни ва агрессив ёшларнинг ота-оналари билан ишлаш зарур эди. Бундай конфликтлар катталар ўз масъулиятли вазифаларини мактабда ҳам, уйда ҳам бажара олмаётгани оқибатида содир бўлмоқда.

## 2-СЕССИЯ: КОНФЛИКТ ТАХЛИЛИГА КИРИШ

Таҳлил натижасида бундай конфликтлар содир бўлаётганининг асосий сабаблари қўйидагилар эканини айтиш мумкин:

- Ўқувчиларга уйда тўғри тарбия берилмаётгани ва мактаб маъмуритининг уларни толерантликка ҳамда одамларни миллати ёки бошқа ўзгачаликларидан қатъий назар ҳурмат қилишга ўргатишга ожизлиги;
- Мактаб маъмурити, ота-оналар ва ёшлар тарбиясига масъул бўлган бошқа шахсларнинг бефарқлиги, кўп йиллардан бери мавжуд бўлган миллатлараро конфликтларга эътибор берилмагани, бу каби конфликтларни аниқлаш ҳамда уларни ижобий ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг йўқлиги;
- Айрим шахсларнинг мамлакатда яшаётган бошқа миллатга мансуб одамларни қирғизистонлик деб ҳисоблашни истамаслиги, улар битта мамлакат фуқаролари эканини, бир ҳил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалигини ҳамда қонунга амал қилиш кераклигини ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беришлари кераклигини тан олмаслиги;
- Кўп ҳолатларда ёшлар ватанпарварликни миллатчилик билан алмаштиради;
- бу жуда “зўр” эканига ишониш, тафаккур юритишни истамаслик ва бошқаларга нисбатан стереотипларни қабул қилиш;
- 2010 йилдаги июнь воқеалари таъсири ва келажақда пайдо бўлиши мумкин бўлган саволларнинг жавобсиз қолаётгани.

Бу каби конфликтларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар:

- Ешларни бошқа этник групкалар вакилларини ва маданиятини ҳурмат қилишга ва бағрикенглика ўргатиш шарт;
- Мактаб маъмурити бу каби конфликтларнинг олдини олиш учун ота-оналар ва ота-оналар қўмитаси билан тифиз ҳамкорлик қилиши лозим; агар улар бу муаммоларни ҳал этишга ожиз бўлсалар, давлат ижтимоий органлари ва адолатли судлов органларига ўз вақтида мурожаат қилиш керак;
- ўқув дастурини этник озчиликлар вакилларининг камситилиши оқибатида жамият нақадар катта йўқотишларга учрашига ва қонун устиворлигига асосланган барқарор жамият мамлакат фаровонлиги учун қандай натижаларга эришиши мумкинлигига гувоҳлик беरувчи керакли материаллар билан тўлдириш;
- мактаб маъмурияти ва маҳаллий маъмурият ёшлар, ўқувчилар тил ўрганиши, маданият билан танишиши, касб-хунар курсларида ўқиши учун зарур бўлган тадбирларни ўtkазиш учун шароит яратиб бериши лозим; ўз ўrnада ота-оналар, ота-оналар қўмиталари ва балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторлар нафақат миллатлараро низоларнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориши, балки ёшларни турли ҳалқлар маданияти, тарихи, анъаналари билан танишириши, миллати, дини ва бошқа ўзгачаликларидан қатъий назар одамларга ҳурмат кўрсатиш зарурлигини эслатиши; бу каби конфликтларда иштирок этгани учун уят ҳисси пайдо бўлишини айтишлари керак.

### Муҳокама учун саволлар:

- Сиз нима деб ўйлайсиз, бу воситани биз қайси кўринишдаги конфликтлар учун қўллашимиз мумкин?
- Конфликтни таҳлил қилишда мазкур воситанинг қандай үстунликлари бор?

**Хулоса:** мазкур кейсни муҳокама қилиш ортидан тенгдошлар конфликтнинг ривожланиш босқичлари ҳақидаги маълумотларни билиб олди. Юқорида келтирилган мисолда конфликтни мувофиқлаштириш чоралари ўз вақтида кўрилмади. Агар бу каби конфликтлар таҳлил қилинmasa ва ўз вақтида чоралар кўрилmasa, зиддият давом этаверади ҳамда охир оқибат салбий оқибатларга олиб келади.

### 6. Кейинги сессия учун уй вазифаси

Иштирокчилар икки групга бўлинади ҳамда ўтилган сессия юзасидан қисқа презентацияни тайёрлайди. Презентация 5 дақиқадан кўп вақтни олмаслиги керак ва кейинги сессиянинг бошланишида тақдим этилиши лозим. Тақдимотда мактабдаги конфликтларнинг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан олинган билимни намойиш этиш керак.

03

## «КОНФЛИКТ ДАРАХТИ» ВОСИТАСИ

**Сессия мақсади:** Иштирокчиларни “Конфликт дарахти” воситасини құллаш орқали конфликтнинг сабаблари ва оқибаттарини аниқлашга ўргатиш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Номланиши	Үтказиш услуги	Вақт, мин.
1	Аввалги сессияни тақрорлаш	Репортаж	15
2	“Жұмбоқ” машқи	Машқ, мұхокама	10
3	“Конфликт дарахти” нима? Кейс устида ишлаш	Мини-лекция, мұхокама	40
4	Энерджайзер “Жойни әгалланг”		10
5	Амалий иш	Кичик гурұхларда ишлаш, тақдимот, мұхокама	45

### 1. Репортаж:

Аввал үтилған сессияни “Репортаж” машқи ёрдамида тақрорлаш. Ўқувчилар иккі гурұхға бўлинади ва “Конфликт буқриси” воситаси ёрдамида ўрганилган кейсини тақдим этади.

### 2. “Жұмбоқ” машғулоти

Тасаввур қилинг, қуйидаги вазиятга тушиб қолдингиз: сиз қиша күчада сайр қилаяпсиз. Йўллар яҳ қотган. Бирдан олдингизда кетаётган бир одам сирғаниб, йиқилиб тушди. Сиз бу вазиятда ўзингизни қандай тутасиз?

Жавоблар варианти:

- Мен танимаган одамнинг олдига бориб, унга ўрнидан туришга күмаклашаман.
- Агар у жароҳатланган бўлса, ёрдамга чақираман.

Мазкур машғулот муаммонинг оқибатларинигина эмас, сабабларини билиш ҳам мұхим эканини яққол намойиш этади. Агар асл сабаблар аниқланган бўлса, у ҳолда келажақда кўплаб одамларни қутқариб қолиш мумкин.

### 3. “Конфликт дарахти” воситаси

“Конфликт дарахти” - бу конфликтни таҳлил қилиш воситаларидан биридир. Мазкур воситаси құллашдан асосий мақсад – конфликт сабаблари ва оқибаттарини аниқлашдир.

Фасилитатор иштирокчиларга “Конфликт дарахти” нима эканини тушунтиради ва унинг учта қисмдан иборат эканини алоҳида таъкидлаган ҳолда доскага чизади.

## 3-СЕССИЯ: «КОНФЛИКТ ДАРАХТИ» ВОСИТАСИ

- Асосий сабаблар (дараҳтнинг томирлари);
- Асосий муаммолар (дараҳтнинг ўзаги);
- Оқибатлар (дараҳтнинг шохлари).

Мазкур восита учун қуйироқда келтирилган кейсни қўллаш мумкин. Конфликтни иштирокчилар билан бирга таҳлил қилиб, конфликт сабаблари ва оқибатларини аниқлаш лозим.

**4. Кейс. Бир томондан Бўзадир ва Қоратўқай, иккинчи томондан Шарҳобод қишлоқлари ўртасида сув заҳиралари масаласида пайдо бўлган конфликт.**

*Бўзадир ва Қоратўқай қишлоқларини суғориладиган ва ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Сўх дарёсига сув билан таъминлаш тизими ўрнатилган эди. Мазкур сув тизимининг бир қисми замонавий Қирғизистон ҳудудида, иккинчи қисми эса замонавий Ўзбекистон ҳудудида жойлашган.*

*Сув билан таъминлаш тизими қурилаётган пайтда, томонлар оғзаки равишда Шарҳобод қишлоғи (Ўзбекистон СССР, ҳозирда Ўзбекистон) аҳолиси каналнинг икки жойидан сув олиш ҳуқуқига эга бўлишига келишган.*

*Бугунги кунда Бўзадир ва Қоратўқай қишлоқларида сув йўқлиги сабабли улар Шарҳобод қишлоғи аҳолиси билан тез-тез конфликтга киришишмоқда. Сув муаммоси ошкора конфликтга айланиб кетган вазиятлар ҳам бўлган, масалан, 1989 йилда, ҳали совет даврида, қишлоқлар ўртасида тўқнашув содир бўлган ва бу тўқнашув совет қўшинлари томонидан бостирилган.*

*Яқинда маҳаллий ҳукумат тез-тез тақрорланаётган конфликтнинг асосида ётган сабабларни таҳлил қилди ва қуийдаги хulosага келди:*

**1. Шарҳобод қишлоғи аҳолиси оғзаки келишув шартларини бажармаяпти.** Сув билан таъминлаш тизимининг бир қисми Шарҳободда жойлашгани учун, мазкур қишлоқ аҳолиси ўз ҳудудида сув олинувчи 8 пунктни ташкил қилиб, сувни белгиланган лимитдан кўпроқ ишлатмоқда.

**2. Шарҳободда сув истеъмоли аҳоли сони кўпайгани туфайли ошиб кетган.** Маҳаллий инфоматорларнинг билдиришича, сув тизими қурилган вақтдан бери то шу кунгача қишлоқ аҳолиси сони икки баробарга кўпайган.

**3. Сув тизими одамларни истеъмол учун керакли даражада сув билан таъминлай олмайди,** чунки маблағ етишимаслиги сабабли канал таъмирланмайди, айрим насослар мутлақо ишламай қолган.


Сув етишимаслиги оқибатида 400 га экин ери ишлатилмай қолган, одамлар у ерларда бошоқли экинлар экишини тўхтатган, қашшоқлик даражаси ошган, ёшларнинг Россияга миграцияси кўпайган.

*Маҳаллий ҳокимият органлари бу муаммони ўzlари мустақил равишда ҳал қила олмаслигини айтишишмоқда, чунки сув тизимини реконструкция қилиш учун катта миқдорда маблағ керак.*

*Лекин ҳеч ким 400 га ерни ишлатишдан топилган даромаднинг бир қисмини сарфлаш орқали сув тизимини таъмирлаш мумкинми, деган масалада ҳисоб-китоб қилмаган. Бошқа мамлакатларда банклар ер эгаларига сув тизимини таъмирлаш учун кредит берган бўлар эди ва кредит келажакда олинадиган фойда ҳисобидан тўланар эди. Қирғизистондаги банклар эса фермерлар кредитни тўлашига ишонмайди ва шунинг учун кредит бермайди, бунинг ортидан эса жамоа катта пулни йўқотмоқда. Балки вазиятдан чиқишининг бошқа йўли бордир? Агар барча уй хўжаликлари бирлашиб, сув тизимини таъмирлаш учун жамғар-*

# 3-СЕССИЯ: «КОНФЛИКТ ДАРАХТИ» ВОСИТАСИ

ма ташкил қиласа, улар 400 га ердан олинган ҳосилдан тушган даромад эвазига сарфлаган маблағларини қайтара оладиларми?



Хулоса: Мазкур машқ конфликт сабаблари ёки муаммолар ва уларнинг оқибатларини аниқлашга ҳамда конфликтни ҳал қилишнинг эҳтимолий йўлларини топшига ёрдам беради. Энди сессия иштирокчилари умумий фаровонлик учун биргаликда ҳаракат қилиш кераклигини тушунди.

## 5. “Жойни эгалла” машқи

Ўйин аввалида бошловчини танлаб олиш керак. Ўйинда иштирок этувчилар сонига қаранганды стуллар сони биттага кам бўлади. Бошловчи қарс уриши билан ўйин иштирокчилари стуллар атрофида айлана бошлайди. Бошловчи иккинчи марта қарс урганида иштирокчилар стулларга ўтириши керак. Стулга ўтиришга улгурмаган ва жойсиз қолган иштирокчи ўйиндан чиқади. Ўйин беш иштирокчи қолгунича давом этади.

Саволлар:

1. Сиз стулга ўтирганингизда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?
2. Сиз стулсиз қолганда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?
3. Нега сиз ўзингизни ёмон ҳис қилдингиз?
4. Сиз бу машғулотни ўтилган мавзу билан қандай солиштирган бўлардингиз?
5. Нега ҳеч ким стулсиз қолган одамга ўз жойини бўшатиб беришни истамади?

## 3-СЕССИЯ: «КОНФЛИКТ ДАРАХТИ» ВОСИТАСИ

Мазкур машқ иштирокчиларга улар ўз ўринларини бошқаларга бўшатиб бера олиши мумкин эканини яққол намойиш қилди. Агар ўйин иштирокчиларидан кимдир ўз ўрнини стулсиз қолган одамга берганида эди, бунга ҳеч ким қаршилик кўрсатмаган бўларди. Стулсиз қолган иштирокчиларнинг хафагарчилиги келажақда конфликтга сабаб бўлиши мумкин.

### 6. “Конфликт дарахти” гуруҳларида ишлаш

“Конфликт дарахти” воситаси тушунтирилганидан сўнг иштирокчилар амалий ишга ўтади.

Иштирокчилар иккита кичик гуруҳга бўлинади ва конфликтли вазиятга оид кейсларни ташлади. Шундан сўнг улар “Конфликт дарахти” воситасини қўллаган ҳолда муаммони ва унинг сабабларини аниқлайди. Гуруҳлардаги иш якунлангач, иштирокчилар презентация ўтказади ва таҳлил қиласди.

Муҳокама учун саволлар:

- Конфликтни таҳлил қилиш воситаси қандай саволларга жавоб топишга ёрдам беради?
- Мазкур воситани кундалик ҳаётда қай тарзда самарали қўллаш мумкин?

Якуний хуносалар: Мазкур восита турли тузилмалар ва жамиятнинг турли қатламлари вакилларини жалб қилган ҳолда муаммони ҳар тарафлама ўрганиш имкониятини беради. Бундан ташқари мазкур восита жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб гуруҳларнинг бир-биридан фарқли нуқтаи назарларини эътиборга олиш имкониятини яратади. Шунинг учун барча манфаатдор томонлар (аёллар, эркаклар, ёшлар, турли тузилмалар, этник гуруҳлар вакиллари, конфликтлашаётган томонлар, жамиятнинг заиф қатламлари ва бошқалар)га эътибор қаратиш ўта муҳимдир.

## 4-СЕССИЯ: КОНФЛИКТ КАРТОГРАФИЯСЫ

04

### КОНФЛИКТ КАРТОГРАФИЯСЫ

**Сессия мақсади:** Сессияни ўрганиш давомида, иштирокчилар турли томонларнинг муносабатларини конфликтни таҳлил қилишнинг навбатдаги воситаси – “Картография” кўмагида, таҳлил қилишни ўрганади.

**Давомийлиги:** 1 соат 20 дақиқа.

**Сессия режаси:**

№	Сессия номи	Қўлланиладиган услугуб	Вақт, мин.	Материаллар
1	Ўтилган сессияни тақрорлаш, “Ўргимчак тўри” машқи	Савол-жавоб, муҳокама	15	Ип
2	“Конфликт картографияси”- ни тушунириш. Кейс устида ишлаш	1) мини-лекция 2) Кейс устида ишлаш	15 35	
3	“Лидерни аниқлаш” машқи	Машқ, машғулот	15	

#### 1. Ўргимчак тўри

Иштирокчилар айлана шаклида турари ва фасилитатор қўлига ип олиб, ўйин қоидасини тушунириди.

Фасилитатор ипнинг бир учини ушлаб, ғалтакни исталган иштирокчига ирғитади ва унга аввалги сессиялардан бирига оид савол беради.

Ғалтакни илиб олган иштирокчи саволга жавоб бериб, ғалтакни бошқа бир иштирокчига ирғитади ва савол беради. Ўйин шу тарзда давом этади. Иштирокчилар қўлидаги ип ўргимчак тўрини ҳоисил қилиши керак. Фасилитатор ўргимчак тўрига ўхшаб қолган ипни үзилиб кетмаслигини текшириш учун ўзига тортади. Бу пайтда иштирокчилар бир қадам олға силжишлари керак.

Мазкур машқ қўйидагиларнинг ёрқин акси бўлади:

а) агар кимдир конфликтга жалб қилинган бўлса, бу унинг яқин одамларига ҳам таъсир қиласади ёки улар ҳам конфликтга жалб қилинган томонлардан бирига айланади;

б) агар конфликтлашаётган томонлар юмшоқ бўлмасалар, уларнинг муносабатлари ип каби үзилиб кетиши мумкин.

Мазкур сессияда иштирокчилар конфликт томонлари ва уларнинг ўзаро муносабати ҳақида гаплашадилар.

## 2. “Конфликт картографияси” воситаси


Сиз конфликт – бу икки ёки ундан ортиқ томонлар үртасида уларнинг қарама-қарши мақсадлари (уларнинг фикрлашдаги фарқлари) контекстида юзага келадиган муносабат эканини билиб олдингиз. Аслида, ўз мақсадаларини амалга ошириш учун конфликтлашаётган томонлар талабга мувофиқ манбаатлари, позициялари ва ресурлар билан ўзаро бўлишади. Конфликтлашаётган томонларнинг ҳар бири конфликтнинг кескинлашуви ёки мувофиқлаштирилишида ўз ролига ва масъулиятга эга.

Конфликт картографияси методи - бу унинг график тасвиридир. Конфликтни анализ қилиш жараёнида мазкур воситани тўғри қўллай билиш орқали конфликтлашаётган томонларнинг ўзаро муносабатларини яққол тасаввур қилиш мумкин: масалан, қандай босим ўтказилаяпти, ҳокимият кимнинг қўлида ва кимлар бир ҳил нуқтаи назарга эга.

Муҳими, қўлида ипни ушлаб турган одам ўзининг ўрнини ва ўйин иштирокчиларининг ўрнини аниқ белгилаб олиши керак. Бу ҳолатда позицияни, событикни ва ҳаракатларни аниқ кўриш мумкин.

Агар мухолиф томонлардан бири бошқа томонларга қараганда кўпроқ ҳокимиятга эга бўлса ёки бошқа шахсларга босим кўрсатса, бу томоннинг фигураси кўпроқ бўлиши керак. Картографияда томонлар муаммо ва бир-бирларига мунсобатига қараб рамзий белгилар билан белгиланади.

Бундай таҳлилни ўтказиш учун қўйидаги рамзий белгиларни қўллаш мумкин.



## 4-СЕССИЯ: КОНФЛИКТ КАРТОГРАФИЯСЫ

Айлана иштирокчи томонларнинг нисбатан таъсир даражасини белгилайди.	Пунктри – ёмон муносабатлар.	Тўғри тўртбурчак қандайдир объект ёки жонсиз нарсани англатади.
Тўғри чизиқ – яхши муносабатлар.	Қинғир чизиқ қарама – қарши манфаатлар ва конфликт белгиси.	Бу фигура конфликтда иштирок этмаётган, лекин катта таъсир ўтказиш салоҳиятига эгаликни белгилайди
Икки чизиқ – ҳамкорлик.	Ёй – босим.	Икки ён чизиқ – узилган муносабатларни англатади.

Муҳокама учун саволлар: “Конфликт иштирокчиларини аниқлаш мумкин бўлган мезонлар қандай?”

Иштирокчиларнинг жавобларини эшитгач, фасилитатор доскага қўйидаги саволларни ёзади:

- Конфликтнинг асосий томонлари сифатида кимлар қатнашади?
- Улардан ташқари конфликтда кимлар иштирок этади? Бевосита ички жиҳатларни аниқлаш керак.
- Картада сизнинг ва гуруҳингизнинг ўрни қандай? Конфликтни мувофиқлаштиришда сизнинг иттифоқчингиз борми?
- Томонларнинг бир-бирларига муносабатлари қандай, уларнинг муносабатини картада қандай белгилаш мумкин? Уларнинг нуқтаи назари бир ҳилми? Улар бир-бирлари билан яхши муносабатдами? Улар ўртасида муносабат йўқми? Улар бир билари билан конфликт вазиятидами?

Иштирокчилар бир нечта гуруҳга бўлинади, биринчи гуруҳ кейсда тасвирланган конфликтни таҳлил қилиши, иккинчи гуруҳ эса ҳаётдан олинган конфликтли вазиятлардан бирини таҳлил қилиши керак.

**Кейс. Кўп миллатли Қизилқия шаҳридаги мактабда ўқувчи қизлар орасидаги рэкет.**

**Конфликт тарихи:** 2012 ўқув йилида Қизилқия шаҳридаги мактабларда ўқувчи қизларнинг кўпчилиги 10- ва 11-синф ўқувчи қизлари томонидан уюштирилган рэкетдан жабрланди. Қизлар мактабга янги келган ёки ўзларидан ёшроқ қизлардан пул, мобил телефон ва кийим-кечак талаб қилган, мактабда ўзларининг кучли эканини намойиш қилиш мақсадида қизларни калтаклаган, спиртли ичимлик ичишга ва сигарет чекишига мажбуrlаган. Бу ноқонуний ҳаракатларни бажаришдан бош тортганларни эса, улар уйларнинг томларига олиб чиқиб, тўнаган ва қўрқитган.

Мактаб маъмурияти, ота-оналар ва ҳуқуқ-тартибот тузилмаларининг ўз вақтида бунга муносабат билдиримагани оқибатида, мазкур мактабда рэкет мустаҳкам ўрнашиб олди, кейин эса шаҳарнинг бошқа мактабларига ҳам кўчди. Кўпчилик қизлар рэкетдан қўрқиб, мактабларга бормай қўйди. Шундан сўнггина ҳокимият бу масалани ҳал этишга ҳаракат қила бошлади.

## 4-СЕССИЯ: КОНФЛИКТ КАРТОГРАФИЯСЫ

Улар рәкетдан жабрланғанлар, ота-оналар ва башқа ўқувчилар билан учрашиб, уларнинг бошидан ўтган воқеаларни тинглашди. Шаҳар мәриясининг халқ таълими бўлими, мактаб маъмуриятлари, балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторлар ва ўқитувчилар қизлар ва ота-оналар билан музокаралар ўтказди, натижада рәкет ҳолатлари йўқ қилинди.

Мазкур тажрибадан тегишли хуносалар чиқарилди ва қўйидаги тавсиялар берилди:

*Мәрия ва шаҳар халқ таълими бўлими учун: мәрия шаҳар халқ таълими бўлими ва мактаблар билан мактабда рәкет пайдо бўлишининг олдини олиш масаласида тифиз ҳамкорлик қилиши керак.*

*Мактаб маъмурияти учун:*

- Агар қўрқитиш ва таъмагирлик ҳолатлари сезилса, ўқитувчилар нафақат ота-оналар қўмитаси, балки ҳар бир ўқувчининг ота-онаси билан ҳамкорлик қилиши лозим;
- Ижтимоий педагог мактабга келган ҳар бир янги ўқувчи билан шахсан ишлаши, унга мактабда таҳқирлаш ва рәкет тақиқланганини тушунтириши, агар мана шундай ҳолатларга тушиб қолса кимга мурожаат қилиши кераклиги тўғрисида маълумот бериши керак;
- Ҳар бир мактабда ўқувчилар ва мактаб ходимлари хавфсизлигини таъминловчи хавфсизлик хизмати ходими бўлиши керак;
- Рәкет билан шуғулланувчи шахслар аниқланган пайтда, дарҳол улар билан маърифий ишларни ўтказиш, зарур бўлса қонун асосида жазолаш керак. Фақат шундай йўл билан рәкетни тўхтатиш ва ўқувчиларнинг ўқитувчиларга ишончини тиклаш мумкин.

*Балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторларга:*

- балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторлар ўз туманларидаги мактабларда профилактик ва маърифий ишларни бир ойда камида икки марта ўтказиши керак;
- балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторлар ва ижтимоий педагоглар бевосита рәкетирлар ва уларнинг ота-оналари билан ишлаши керак.

*Қонунбузар ўқувчиларнинг ота-оналари учун:*

- Ота-оналар қўмиталари ва ҳар бир ўқувчининг ота – онаси ўқитувчилар билан тифиз ҳамкорлик қилиши керак.

Мазкур кейсдан қўйидаги якуний хуносаларни чиқариш мумкин:

- Четдан туриб биз конфликтнинг бирламчи ва иккиласми жиҳатларини яхши сеза оламиз;
- Томонларнинг муносабати яққол кўринади;
- Ким кимга босим кўрсатаётганини ёки ўзининг устунлигини намойиш этаётганини аниқлаш қиийин эмас;
- Ҳақиқий иттифоқчиларни топиш имконияти бор;
- Конфликтга аралашиш мумкин;
- Конфликтни мувофиқлаштиришда қатнашаётган ташкилотлар билан муносабатларни аниқ тасаввур қилиш мумкин;
- мазкур методни қўллагандан барча томонларнинг бир-бирларига муносабатларини аниқроқ кўриш мумкин.

### 3. “Лидерни аниқлаш” ўйини.

Иштирокчиларга ўрганилаган конфликтни таҳлил қилиш востаси бўйича билимини мустаҳкамлаш учун қийдаги машқ таклиф этилади. Иштирокчилар айлана шаклида туради, шундан сўнг лидер ва кузатувчини танлайди. Кузатувчи хонадан чиқади. Лидер эса хонада қолиб, ўқувчиларнинг айлана шаклидаги маршини бошқаради. Вақти-вақти билан у ритмни ўзгартиради. Тенгдошлари маршни бошлагандан, кузатувчи хонага қайтади ва лидерни аниқлашга ҳа-

## **4-СЕССИЯ: КОНФЛИКТ КАРТОГРАФИЯСЫ**

ракат қиласы. Бу осон иш әмас. Чунки айланада фақат битта лидер бор, қолган иштирокчилар эса, үзларини лидер сифатида күрсатып, кузатувчини адаштиришга ҳаракат қиласы.

## Якуний хүлосалар:

- а) томонларнинг конфликтдаги ролини аниқлашда ташқи таасуротларга берилмаслик, аксинча, қайта-қайта савол бериб, картографияда ҳар бир одамнинг ўрнини топиш лозим;

б) гурухни таҳлил қилишда одамларни эргаштираётган ёки гурухнинг бошқа аъзоларига таъсир кўрсатаётган лидерни топиш ўта муҳим.



05

## МАЪЛУМОТ ТЎПЛАШ УСЛУБЛАРИ

**Сессия мақсади:** конфликт контекстини ўрганиш ва үнинг таҳлилини қилиш учун маълумот тўплаш услублари билан таништириш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Номланиши	Ўтказиш услуги	Вақт, мин.
1	Ўтган сессияни тақрорлаш учун “Гирдоб” машқи	Презентация, кичик групчаларда ишлаш	15
2	Ролларга бўлинган ўйин	“Муаммолар-ечимлар”	15
3	Янги мавзуни тушунтириш Кейс устида ишлаш	Фикрий ҳужум, мини-лекция, Кичик групчаларда ишлаш	30
4	Мазкур бўлим юзасидан хуносалар чиқариш	Машқ, якуний хуносалар бўйича муҳокама	30
5	Пост-тест		10

### 1. Ўтилган сессияни тақрорлаш

Фасилитатор сессия бошланишидан олдин доскага чизиқ чизиб, уни иккига бўлиши керак. Досканинг бир қисмига фасилитатор “Конфликт” ва “Конфликт буқриси”, иккинчи қисмига эса “Конфликт дараҳти” ва “Конфликт картографияси” деб ёзади. Барча иштирокчилар икки групчага бўлинади.Ҳар бир груп тўрт дақиқа давомида ўтилган сессияларни эсга олиб, доскага мавзуга оид ғояларни ёзишлари керак. Шундан сўнг групчалар ўринлари билан алмашишади ва уларга икки дақиқа вақт берилади. Икки дақиқа ичida групчалар бир-бирларининг контекстларини тўлдириши керак. Кейин групчалар яна ўрин алмашишади ва ўз материалларига қайтишади, уни ўрганиб, презентация қилишади.

### 2. “Ойна” ролларга бўлинган ўйини

Иштирокчилар икки групчага бўлинади: биринчи груп поездда кетадиган йўловчилар, иккинчи групчага эса уларни кузатаётган одамлардир. Ўзингизни вокзалда деб тасаввур қилинг. Иккинчи групчага кетаётганларга маълумотни имо-ишоралар, турли ҳаракатлар воситасида сўзсиз етказишга ҳаракат қиласди. Икки групчага бўлинган иштирокчилар юзма-юз ўтиришади.Поезд йўловчилари қаршисида ўтирган кузатувчининг имо-ишоралари ва ҳаракатларини диққат билан томоша қилиб, үнинг нима демоқчи эканини тушунишга ҳаракат қиласди. Улар бир-бирларини эшитадиган даражада яқин масофада бўлсалар ҳам, савол бериш мумкин эмас. Вақт тугагач, поезд йўловчилари нималарни тушунганларини айтиб беришлари керак.

Имо ишоралар билан айтилиши лозим бўлган маълумот:

## 5-СЕССИЯ: МАЪЛУМОТ ТҮПЛАШ УСЛУБЛАРИ

“Сен етиб борганингдан кейин, синглим сенга телефон қиласи ва катта яшил энциклопедияни (китобни) беради. Қайтаётганингда ана шу китобни олиб кел. Мен энциклопедияни кутубхонага қайтаришим керак”.

Поезд йўловчилари нималарни тушунганларини айтиб бўлганларидан сўнг, кузатувчилардан бири мана шу матнни ўқиб беради.

Хуросаларни аниқ ифодалашга кўмаклашувчи саволлар:

- Нега маълумотни тўлиқ ва тўғри етказа олишмади?
- Сизга маълумотни тушуниш қийин бўлдими?
- Кузатувчилар ўз вазифасини бажара олдими ва улар нималардан фойдаланишди? Нега?
- Сизнинг фикрингизча, йииннинг моҳияти нимадан иборат?

Мазкур машқ қўйидагиларни тушунишга ёрдам беради:

- а) конфликтли вазиятни таҳлил қилишда тўғри ва аниқ маълумотни олиш жуда муҳим;
- б) маълумотга сұхбатлашув ва саволлар бериш орқали аниқлик киритиш мүмкин;
- в) информатордан, албатта, мазкур маълумот қандай шаклда ва қандай усуlda олинганини сўраш лозим.

### 3. Маълумот тўплаш услублари.

Фикрий ҳужум. Иштирокчиларга қўйидаги савол берилади: Сизнингча, биз конфликт ҳақидаги маълумотни қандай қилиб тўплаймиз? Жавоблар доскага ёзилади. Шундан сўнг, жавоблардан келиб чиқиб, хулоса қилинади.

Фасилитатор иштирокчилар маълумот йиғиши жараёнида тайёр материалларни излаши, гувоҳлардан интервью олиши, фокус группаларда муҳокамалар ўtkазиши ва эксперталар ёрдамида барча нарсаларга аниқлик киритиши лозимлигини тушуниради.

**Контент-таҳлил (текшириш)** – тайёр ҳужжатлардан иборат зарур маълумотни тўплаш: масалан, илмий-тадқиқот ҳисоботлари, презентациялар, таҳлилий ҳужжатлар, оммавий ахборот воситалари материаллари, меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар.

Интервью – бу таҳлил учун зарур бўлган аввалдан тайёрланган саволларни қўллаш орқали сұхбат ўtkазиш воситасида маълумот йиғиши усулидир. Интервьюни профессионал ёки шахсий (ҳаёт ҳақида, ҳаёт тарзи ҳақида, эътиқод ва бошқа) мавзуларда ўtkазиш мүмкин. Интервью олаётган одам “интервьюер”, саволларга жавоб бераётган одам “респондент” деб аталади. Маълумот олиш жараёни, одатда, интервьюер ва респондентнинг шахсий сұхбатлари шаклида ўtkазилади, айrim ҳолатларда улар турли алоқа воситалари (телефон, видео)дан фойдаланишлари мүмкин. Агар интервью жараёнида сұхбатдошлар орасида самимий мuloқot ўrnatilsa, интервьюер ишонч қозона олса, респондент ўзини максимал даражада эркин ҳис қиласи ва ўз фикрини аниқроқ билдириб, тадқиқот учун фойдали бўлган маълумотларни бера олади.

### Очиқ ва ёпиқ саволлар.

**Очиқ савол** – “ҳа” ёки “йўқ” деган жавоб билан чекланмайдиган жавоб олиш учун берилган савол. Жавоб жуда оз маълумот олиш мүмкин. Бундай саволлар кенг қамровли маълумот олиш имкониятини беради. Интервьюер саволни: “Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?” шаклида ифода этиши мүмкин.

**Ёпиқ савол** – “ҳа” ёки “йўқ”, деб қисқа жавоб олиш мүмкин бўлган савол. Бундай жавобдан жуда оз маълумот олиш мүмкин. Масалан: Сиз бу конфликтда иштирок этганимисиз? “Ҳа”, “Йўқ”. Конфликтни келтириб чиқарганлар сизнинг синфингизда ўқишадими? “Ҳа”, “Йўқ”.

**Фокус-группа ёки гуруҳдан интервью олиш.** Бундай интервьюдан мақсад муайян ҳамжамият, ташкилот ёки гуруҳдан маълумот олишdir.

Амалиёт тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мүмкини, бундай гуруҳларда одамлар сони 9-12 кишидан кўп бўлмаслиги керак. Гуруҳни тўғри ташкил қилиш жуда муҳимдир, чунки гуруҳ иштирокчиларидан бири бошқаларга босим кўrsatiши мүмкин.

Гуруҳларни ташкил этишнинг икки ҳил усули бор: ўxаш (гуруҳ аъзоларининг ёши тенг, бир жинсда ва бир ҳил фикрда бўлиши керак) ҳамда турлича (гуруҳ аъзолари тенгдош эмас, турли жингста мансуб ва фикрлари ҳам бир-биридан фарқланади). Биринчи ҳолатда гуруҳдан интервью олиш енгил кўчади ва таҳлил қилиш жараёнини бошқариш ҳам осон бўлади (иккинчи

## 5-СЕССИЯ: МАЪЛУМОТ ТҮПЛАШ УСЛУБЛАРИ

ҳолатга нисбатан). Фокус-группа бу ишда тажрибага эга модератор томонидан ўтказилиши лозим. Модератор барча иштирокчиларнинг фикрларини тинглайди, аввалдан тайёрлаб қўйилган саволларни белгиланган тартибда бериб боради ва муҳокамани керакли ўзанга буради. Мазкур жараённи аудио ёки видеога ёзиб олиш (фокус-группада иштирок этаётган шахсларнинг рухсати билан) мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки қўлёзма шаклида ёзилганида муҳока ма пайтида айтилган маълумотнинг бир қисми қоғозда акс этмай қолиши мумкин.

**Анкеталаштириш/саволнома** – маълумотни респондент томонидан тўлдириладиган (саволларга жавоблар) ёзма сўров варақаси орқали олиш услуби. Мазкур услубнинг интервьюдан фарқи шундаки, бу ҳолатда аввалдан ёзма равишда тайёрланган саволларга респондентнинг ўзи жавоб беради. Бир-бирига ўхшаш саволлар бўлмаслиги керак, саволлар тушунарли, қисқа ва жавоб вариантлари билан бўлиши лозим. Савол қанча аниқ бўлса, маълумот ҳам шунчалик аниқ бўлади.

Экспертлар муҳокамаси – эксперталар гуруҳларига муаммони чукурроқ тушуниш имкониятини берувчи сўров үсулби. Экспертлар муайян соҳа бўйича ўта юқори малакага эга бўлган мутахасислардир. Мазкур услугуб кўмагида олинган маълумот тадқиқотнинг якуний натижаларини бойитиши мумкин. Мутахасислар оммавий сўровлар ва янги ғояларни қўллаш орқали олинган маълумотларнинг ишончлилигини текшириш ортидан муаммо эскалациясини прогноз қилишга кўмаклашади.

**Кейс. Оқсой ва Оқтатир (Қирғизистон) ҳамда Воруҳ, Чорқу (Тожикистон) қишлоқлари ёшлиари ўртасидаги конфликтлар.**

**Сюжет:** Совет Иттифоқи давридан бери Қирғизистоннинг Оқсой ва Оқтатир, Тожикистонинг Хўжайло қишлоқлари Мачай-Самаркандек каналидан сув ичган. Бундан ташқари, Қирғизистоннинг Оқсой, Оқтатир, Кўктош, Ўртабўз, Тожикистоннинг Чорқу, Воруҳ, Хўжайло қишлоқлари бир-бирига яқин жойлашгани учун битта йўлдан фойдаланади. Лекин йиллар ўтган сайн бу қишлоқларнинг аҳолиси ҳам кўпайиб бормоқда, янги ерлар ўзлаштирилмоқда ва ер ҳамда сувга бўлган эҳтиёж кўпайиб бормоқда. Бунинг ортидан эса конфликтлар пайдо бўлаётур. 1989 йилда сувнинг ўйқлиги сабабли содир этилган қуролли тўқнашув оқибатида ўндан ортиқ одам яраланган, икки одам ҳалок бўлган.

Бу муаммолар узоқ йиллардан бери ҳал қилинмай қолаётгани муносабати билан қўшини қишлоқлар аҳолиси, жумладан, ёшларнинг муносабатлари сезиларли даражада ёмонлашди. Бундан ташқари, мазкур ҳудудда сув ва ер муаммоси ҳал қилинмаётгани оқибатида ёшлар ўртасида Россияга ва Қирғизистоннинг бошқа ҳудудларига миграция кучайди.

Мазкур ҳамжамиятлар ўртасида сўнгги конфликт 2013 йилнинг баҳорида содир этилди. Тожикистон қишлоғида яшовчилар Оқсой ва Ақтатир қишлоқлари учун Тожикистоннинг Воруҳ анклавини айланиб ўтувчи “Оқсой-Томдиқ” ўйли асфальтланишига қарши чиқиши конфликтга сабаб бўлди. Қарама-қаршилик натижасида ўйл қурувчилар жабрланди, ўйл қурилиши учун ишлатилаётган техника ва ускуналарга зиён етказилди. Тожикистон томони ўйл баҳсли ҳудудда қурилаётганини билдириб, ўйл қурилишига қарши чиқди.

Конфликт чоғида Тожикистоннинг Хўжайло ва Чорқу қишлоғидан бўлган ёшларнинг 500 нафари Қирғизистоннинг асосий ўйларидан ҳисобланган Ўш-Исфана ўйлини тўсиб қўйди. Бундан хабар топган Кўктош, Оқтатир ва Ўртабўз қишлоғидан бўлган қирғиз ёшларидан 500 нафари Тожикистоннинг Исфара-Воруҳ ўйлини тўсди. Шундан сўнг бу икки гуруҳ ўртасида ошкора тўқнашув содир этилди. Маҳаллий ҳукуматлар олиб борган музокаралар ва конфликтнинг олдини олиш бўйича ишлар самара бермади. Тўқнашувни тўхтатиши учун ҳар икки давлат кучишилатар тизимларига мурожаат қилишга тўғри келди.

Тўқнашув натижасида ҳар икки томон вакиллари жароҳатланди, бироқ улар ўйлни бир неча кун тўсишда давом этди. Йўллар фақат икки давлат расмийларининг регионал даражада ўтказган музокаралари ва маҳаллий аҳоли билан ўтказилган музокаралардан сўнг очилди.

Муаммо ҳали ҳам ҳал этилмаганини назарда тутадиган бўлсак, вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Агар баҳсли ерлар муаммоси мувофиқлаштирилмаса, икки давлат ўртасида ҳалқаро масштабдаги жиҳдий конфликт юзага келиши мумкин.

## 5-СЕССИЯ: МАЪЛУМОТ ТҮПЛАШ УСЛУБЛАРИ

Муаммони Қирғиз Республикасининг “Қирғиз Республикасидаги айрим чегара олди ҳудудларига алоҳида мақом бериш ва уларни ривожлантириш түғрисида”ги Қонунини амалга тадбик этиш орқали ҳал этиш мумкин. Бунинг учун Қирғизистон ҳудудидан ўтувчи йўл қурилиши учун маблағ ажратиш ва “Оқсой-Томдиқ” йўлига таалуқли масалани давлат даражасида мувофиқлаштириш лозим. Чегарани қаердан ўтказиш бўйича шартномага эришиш ва ерга эгалик ҳуқуқи бўлган жабрланганларга зарур бўлган ер компенсациясини тақдим этиш жараёнига маҳаллий аҳолини жалб қилиш зарур. Муамамо тинч йўл билан ҳал этилиши биланоқ, давлат қишлоқ аҳолисини ижтимоий пакет билан таъминлаши ва қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган давлат дастурларини амалга ошириши, пособиялар тўлаши ва чегар олди ҳудудларидан ёшлар миграциясини тўхтатиш учун ҳамжамиятларга сармоялар ётқизиши шарт.

### 4. “Муаммолар ва уларни ҳал қилиш” машқи

Ҳар бир иштирокчи биттадан қоғоз олади, унинг бир томонига ўз муаммосини, иккинчи томонига эса бу муаммони ҳал этиш йўлларини ёзади. Шундан сўнг ҳамма қоғозлар бир қутига ташланади. Фасилитатор иштирокчилардан айлана бўлиб туришни ва қутидаги қоғозлардан исталганини биттадан олишни илтимос қиласди. Ҳар бир иштирокчи олган қоғозидаги муаммони ва унинг ҳал қилиниши йўлларини ўқийди. Шундан сўнг уни таҳлил қиласди ва муаммони ҳал этишининг муқобил вариантлари мұхокама қилинади. Мұхокама давомида фасилитатор иштирокчилар билан биргаликда мазкур машқнинг моҳиятини аниқлашга ҳаракат қиласди.

Машқдан қўйидаги хуносаларни чиқариш мумкин:

- назарий жиҳатдан барча конфликтларни ҳал қилиш мумкинлигига қарамай, амалиётда ҳамма ечимлар ҳам адолатли ва барқарор бўлмаслиги мумкин. Конфликтларнинг асосий қисмини етарли даражадаги ресурслар бўлган тақдирда бартараф этиш мумкин, бироқ кўпинча бу ресурслар мавжуд бўлмайди. Айрим конфликтларни бартараф этишининг имкони йўқ, чунки конфликтда иштирок этаётган қарама-қарши томонларининг қадриятлари мутлақо бир-биридан тубдан фарқ қиласди;
- конфликтнинг ҳал этилиши конфликтлашаётган томонларга боғлиқ, бироқ модератор ёки музокарачи ечим топиш жараёнини фасилитация қилиши мумкин;
- агар конфликт ижобий, яъни адолатли тарзда ва узоқ муддатли келишув асосида ҳал этилса, барқарор ривожланиш учун шароит яратилади.

### Кейс. Чегара олди ҳудудларда мактаб ўқувчиларининг хавфсизлиги.

Кўктош қишлоғи Боткен вилоятининг Оқсой муниципалитетига қарашли. Қишлоқ Тоҷикистоннинг Исфара туманига мансуб бўлган Чорқу ва Сомониён қишлоқлари билан чегардош. Бу қишлоқлар ўртасида мунтазам равишда кўп йиллардан бери ҳал этилмай қолаётган сув, ер ва яйловлар масаласи конфликтларга сабаб бўлиб келмоқда. Кўктош қишлоғи мактабига элтивчу йўл тожик қишлоғи орқали ўтади. Қирғиз ўқувчилар бу йўлдан ўтаётганида психологияк ва бошқа турдаги босимларга дуч келмоқда, бу эса қишлоқлар аҳолиси ўртасида кўплаб конфликтларга сабаб бўлаётir.

Конфликтлар туфайли кўпчиллик ўқувчилар мактабга бормасликка ҳаракат қиласди, бунинг оқибатида улар билим олиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда. Айни пайтда Тоҷикистон фуқаролари ўз фарзандлари қирғиз болалари томонидан босимга учраётганидан шикоят қиласди. Таҳлил натижасида бунинг асосий сабаби бу икки чегара олди қишлоғининг муаммолари ҳал этилмагани икки халқнинг бир-бирига негатив муносабатда бўлишига асосий сабаб эканини аниқласди. Муниципалитет, маҳаллий ҳуқуқ-тартибот тузилмалари ва маҳаллий НДТлар жараёнга аралашиб, Қирғизистон ва чегаранинг нариги тарафидаги Тоҷикистон фуқаролари билан музокаралар ўтказди. Улар ёшлар учун форум-театр ташкил қилиб, спектаклда ҳар икки томон салбий муносабатдан нақадар қийналаётганини намойиш этишиди. Бу умумий вазиятнинг яхшиланишига ҳисса қўшди, бироқ тез ва тўлақонли натижаларга олиб келмади. Чунки чегара олди муносабатлари кескинлигича қолмоқда, ёшлар ўртасидаги зўравонликлар, жабрланганлар ва миграция кўпаймоқда.

Эскалациянинг олдини олиш, зўравонликни бостириш учун доимий равишда конфликт иштирокчилари ўртасида мулоқот ва музокара ўтказиш, ҳар икки томоннинг ёшлари мулоқот қила олиши учун умумий майдонни яратиш, мактабларда ёшлар ўртасида толерантликни кучайтиришга қаратилган ўқув дастурларини жорий этиш шарт. Бундан ташқари, бу жараёнга ота-оналарни жалб қилиш, ҳамжамиятларда толерантлик маданиятини тарғиб қилиш, ота-оналарни оилада болаларни тўғри тарбия қилишга ўргатиш зарур. Ҳамманинг табиий ресурс-

## 5-СЕССИЯ: МАЪЛУМОТ ТҮПЛАШ УСЛУБЛАРИ

лар чекланганини, барчага етмаслигини ва ҳозир бу муаммони ҳал этиш қийин бўлишини тушуниши жуда мұхимдир. Зўравонлик бу ўринда ҳеч қандай наф келтирмайди, аксинча вазиятни янада мураккаблаштиради.

Муайян ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжудлигига қарамай, барчани таҳқирлаш ва ноинсоний муносабатлардан ҳимоя қилишга қаратилган аниқ бир ўзини тутиш кодексига риоя қилиш зарур. Ноинсоний муносабатни қашшоқлик билан оқлаб бўлмайди. Баъзан ўзаро келишилган ҳаракатлар муаммони ҳал қилишга ёрдам беради. Масалан, ҳар икки ҳамжамият сув йўқолишининг олдини олиш учун канал қуриши ёки уни бетонлаши мумкин, умумий ресурслардан умумий фойда кўриш учун биргаликда фойдаланиш янадаadolatliroq бўлар эди. Ҳар икки ҳамжамият бир-бирига яқин жойлашгани ва буни ўзgartириб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда, умргузаронликнинг нисбатан осойишта усулини топиш ҳамда муаммоларни биргаликда ҳал этиш тараққиётнинг ягона омили бўлиши мумкин. Асрлардан бери бир-бирига душман бўлиб келган Европа мамлакатлари – Германия ва Франция – Иккинчи Жаҳон уриши якунланганидан сўнг айнан мана шу йўлни танлаб олган ва бу уларга катта наф келтирди. Яқин-яқинларгача битта давлатнинг бир қисми бўлиб келган Қирғизистон ва қўшни давлатлар ҳам мана шундай йўл тутса бўлмайдими?

### **“КОНФЛИКТ ТАҲЛИЛИ” ТАЖРИБАСИДАН ОЛИНГАН САБОҚЛАР**

“Конфликт таҳлили” жараёни конфликтларни бартараф этиш ва олдини олишда бирламчи аҳамиятга эга. У назарий ва амалий қисмлардан иборат. Амалиётда тадқиқотчилар кўп қийинчиликларга дуч келади. Бу қийинчиликларни енгиб ўтишни ўрганиш учун биз ўз тажрибамиздан келиб чиқиб маслаҳатлар берамиз.

#### **1. Логистика билан боғлиқ:**

- маълумотлар тўплаш жараёнини ўюштиришда танишларингиз ёрдамидан фойдаланинг;
- агар муаммо бир неча одам (команда) томонидан таҳлил қилинаётган бўлса, маълумот тўплаш жараёнини режалаштиришда команда аъзоларидан ҳар бирига аниқ вазифа берилиши шарт;
- сиз таҳлил қилаётган конфликт энг кескин (зўравонлик) босқичида бўлса, фокус-группалар ўтказманг;
- сифатли таҳлил ва тадқиқот ўтказиш учун анча вақт керак бўлади, буни режа тузатганинг изда эсга олинг;
- фокус – группаларда барча респондентларнинг мақоми тенг бўлиши керак;
- барча респондентлар улар жалб этилган тадқиқотларнинг барча типларида ўзларини эркин ҳис этаётганига ишонч ҳосил қилинг.

#### **2. Тадқиқотчи:**

- ёши катта одамлар (жумладан, ўқитувчилар ва ота – оналар) ёшлар иштирокидаги фокус-группаларда иштирок этмаслиги лозим, чунки улар ёшлар ўз фикрини эркин билдиришига тўсқинлик қиласи.
- ташки кўринишингиз ёки ўзингизни тутишингиз билан одамлар сизга ортиқча эътибор беришларига сабачи бўлманг;
- тадқиқотчилар икки нафардан кўп бўлмаслиги керак;
- таҳлил қилаётган конфликтингизга нисбатан сезгир ва холис бўлинг;
- тадқиқотни бошлашдан олдин таҳлил ўтказиш воситалари билан танишиб чиқиш лозим.

#### **3. Тадқиқот жараёни.**

- тадқиқотнинг асосий мақсадини аниқлаб олинг ҳамда саволларни аниқ ифодаланг, саволлар барчага тушунарли (аниқ) бўлиши шарт;
- обьектив бўлиш учун тадқиқот бошлангунига қадар иложи борича кўпроқ маълумотларни йиғишиш керак;
- тадқиқот бошлангунига қадар ва якунланганидан сўнг экспертлар фикрни тингланг;
- Маълумот олиш усуллари:
  - аёллар қўмиталарига, оқсоқоллар судларига ва ёшлар кенгашларининг мутахасисларига мурожаат қилиб, уларга сизга қандай материаллар кераклигини тушунтиринг ва бу материалларни қаердан олиш мумкинлигини сўранг;
  - маҳаллий НДТлар ва халқаро ташкилотларга мурожаат қилиш мумкин;

## 5-СЕССИЯ: МАЪЛУМОТ ТҮПЛАШ УСЛУБЛАРИ

- мавзуга оид архив материаларини кўриб чиқиш мумкин;
  - интернет-ресурслардаги қидирув тизимларидан фойдаланинг.
- Сизга маълумот бериши мумкин бўлган одамлар, айрим сабабларга кўра, сиз билан учрашишини хоҳламаслиги ёки маълумот беришдан бош тортиши мумкин, бу ҳолатда:
- агар сиз мурожаат қилган одам ўз мажбуриятларидан келиб чиқиб сизга маълумот беришга мажбур бўлса, унга буни эслатинг ва зарур бўлса босим кўрсатинг;
  - сизга маълумот беришдан бош тортаётган одамларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар (танишлар, қариндошлар ва бошқалар)га мурожаат қилинг;
  - маълумот берадиган одам таъқибга олиниши ёки унинг хавфсизлигига таҳдид эҳтимоли бўлса, унга исми сир сақланиши кафолатланишини, унинг исми тилга олинмаслигини, у берган маълумот бошқа ташкилотларга тақдим этилмаслигини билдиринг. Сиз ҳар қандай вазиятда ҳам конфиденциалликни таъминлашингиз керак. Сиз бу ҳақда ҳатто дўстларингизга ҳам айтмаслигингиз керак. Сиз ваъдангизда тура оласизми ёки йўми? Мана шуни ҳам ўйланиб кўринг, агар ваъдангизда тура олмасангиз, сўз берманг!
  - тадқиқотни ўтказишга ҳақли эканингизни тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатинг;
  - берилган маълумот учун респондент сиздан ҳақ сўрайдиган бўлса, унга суҳбат бошланишидан олдин тақдим этилган маълумот учун ҳақ тўланмаслигини айтинг, иложи бўлса, бундай одам билан интервью ўтказишдан қочинг.
- Маълумотнинг ҳақонийлигини текширинг:
- агар савол муҳим бўлса, уни турли үсулларда бир респондентга бир неча марта беринг;
  - “триангуляция” (бир саволни уч одамга бериш)дан фойдаланиб, уларнинг жавоблари бир-биридан қандай фарқланишни кузатинг. Бу услуб, албатта, шахсий тажриба билан боғлиқ саволларга таалуқли эмас, чунки ҳар бир одамнинг тажрибаси ҳар ҳил (ҳар қандай ҳолатда ҳам умумий тасаввур ҳақида нисбатан аниқроқ тушунчага эга бўлишингиз учун бир неча одамга савол беришингиз керак). Бу ерда гап қўйидагига ўхшаш саволлар ҳақида кетаяпти: аввалги йилларда мактабда рэкет мавжуд эдими; ўтган йили ўз ихтиёрига қарши равишда бу қишлоқдан мажбуран ала кучуу үслуби билан ўғирлаб кетилган қизлар сони қанча?
  - муқобил нуқтаи назарга эга бўлиш учун мавзунгиз доирасида эксперт ҳисобланган шахсларга мурожаат қилинг, бироқ “ўткинчи” эксперталар айтган ҳамма гапларга, айниқса сизда бевосита маҳаллий манбалардан олинган маълумотлар бўлса, ишонаверманг, ўзини эксперт сифатида тақдим қилган ҳар бир одам ҳам ҳақиқатан эксперт бўлавермайди.
- Фокус-группаларда муҳокамалар ўтказиш:
- агар фокус-группада аёллар ва эркаклар иштирок этаётган бўлса, кўпроқ эркаклар гапиради, аёллар эса кўпинча жим ўтиради. Шунинг учун фокус-группаларни алоҳида-алоҳида ва турли вақтларда ўтказиш керак. Аёллар учун фокус-группа улар учун белгиланган вақт доирасида ўтказилаётганига эътибор қаратинг! Уй юмушлари кўп бўлган аёлларни ортиқча вақтини олманг.
  - Агар респондент билан унинг уйида суҳбатлашаётган бўлсангиз ёки қандайдир муаммони муҳокама қилаётган бўлсангиз, уй эгасининг эътибори чой дамлашга эмас, сизга қаратилганига ишонч ҳосил қилинг ва шундан сўнггина гап бошланг;
  - Агар катта ёшдаги одамлар ва ёшлар битта фокус-группада қатнашаётган бўлса, ёшлар ҳам ўз фикрларини эркин ифода эта олмайдилар. Бундан келиб чиқадики, фокус-группалар алоҳида ўтказилиши керак. Идеал ҳолатда тўртта фокус-группа - қизлар, катта ёшдаги аёллар, йигитлар ва катта ёшдаги эркаклар – ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.
  - Агар уй хўжалигига раҳбарлик қилаётган ёлғиз аёллар мавзуси муҳокама қилинаётган бўлса, ўз ўзидан барча аёлларни эмас, бева қолган ёки эрлари миграцияга кетгани туфайли ёлғиз яшашга мажбур бўлаётган аёллар таклиф қилиниши керак.
  - Одамларни гурухларга бўлаётганда, иштирокчилар ўртасида бир-бирларига нисбатан агрессия бўлиши эҳтимолини назарда тутишни ўрганинг. “Нозик” муаммоларни муҳокама қилиш учун бир-бирига қарама-қарши бўлган одамларни бир гуруҳга тўплаб, вазиятни кескинлаштираманг. Сиз медиатор ҳам, музокарачи ҳам эмаслигингизни тушунишингиз керак. Конфликтлашаётган ҳар бир томон билан уларнинг позициясидан келиб чиқиб, алоҳида-алоҳида суҳбатлашиш ўринли бўлади. Одамлар уларнинг позициялари эътиборга олинаётган пайтда ўз позицияларини осонгина ўзgartиришлари мумкин.

## 5-СЕССИЯ: МАЪЛУМОТ ТҮПЛАШ УСЛУБЛАРИ

Тадқиқот режаси намунаси (август, 2013)

**Мавзу:** Қирғизистоннинг Оқсой ва Ақтатир, Тожикистоннинг Воруҳ ва Чорқу қишлоқлари ўртасидаги чегара олди конфликти эскалациясида ёшларнинг роли.

**Мақсад:** Бир томондан Оқсой ва Ақтатир, иккинчи томондан Воруҳ ва Чорқу қишлоқлари ўртасидаги чегара олди конфликти эскалациясида ёшларнинг роли қандай бўлганини таҳлил қилиш.

Реажалаштирилган тадбир	Тадқиқот босқичлари	Тадқиқот услуги	Тадқиқотни ўтказиш вақти	Масъул
Конфликтга оид материал ва ҳужжатлар билан ишлаш	Мазкур мавзуга оид бошқа ташкилотлар ва ОАВлар томонидан эълон қилинган материаллар билан танишиш. Эслатма: Ўқиган нарсаларингизнинг барчасига ишонманг, негаки материални эълон қилган одамнинг билимлари чекланган ёки ўз манфаатлари бўлиши мумкин. Хотиржам равишда фақат исботи мавжуд ахборотдан фойдаланинг	Контент таҳлил	8-9 август, 2013 й.	
Маълумот тўплаш логистикаси бўйича тренинг	Фокус –группада муҳокама ўтказиш вақтини аниқлаш, бунда аёллар ва эркаклар ҳамда интервью учун қуладай вақтни танлашга эътибор бериш керак		7 август, 2013 й.	
Ҳар икки томоннинг ёшлари билан учрашув	Конфликтнинг масштаби ва ўзига ҳос жиҳатларини аниқлаш; ёшларнинг конфликтга нақадар жалб қилингани даражасини аниқлаш	Фокус-группа, интервью	9 август, 2013 й.	Гульмайрам Дильшат
Маҳаллий ҳоқимият вакиллари билан учрашув	Конфликт оқибатларини, конфликтни бартараф этишда маҳаллий ташкилотлар чора-тадбирларини аниқлаш	Интервью	9 август, 2013 й.	Аббас Адилет
Тожикистон НДТлари вакиллари билан учрашув	Конфликт сабаблари ҳақида тоҷик вакиллари фикрини билиш ва конфликтга жалб қилинган ёшларнинг ижобий ва салбий тадбирларини аниқлаш	Интервью	9 август, 2013 й.	Айзада Мавлан

## 5-СЕССИЯ: МАЪЛУМОТ ТҮПЛАШ УСЛУБЛАРИ

Реажалаштирилган тадбир	Тадқиқот босқичлари	Тадқиқот услуги	Тадқиқотни ўтказиш вақти	Масъул
Экспертлар билан учрашув	Тўпланган маълумотларни экспертлар билан таҳлил қилиш ва уларнинг фикрларини тинглаш	Фокус-группа, интервью	9 август, 2013 й.	
Йиғилган материаллар асосида конфликт таҳлили воситаларини қўллаган ҳолда ёшларнинг ролини таҳлил қилиш	Тўпланган материалларни “Конфликт дараҳти”, “Картография”, “Конфликт буқриси” ва “Пиёз” воситалари ёрдамида таҳлил қилиш	Команда ва кичик групкаларда ишлаш	9-10 август, 2013 й.	
Таҳлил асосида кейс ёзиш	Кейсни ёзиш, экспертлар билан консультация	Команда-да ишлаш	9-10 август, 2013 й.	

**Қант шаҳридаги 4 –сонли ва Люксембург қишлоғидаги Я.Я. Ваккер номидаги ўрта мактабда амалга оширилаётган “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” лойиҳаси**

**Жалилбек Данияр ва Толомбаева Нуржан, тенг даражадаги устозлар, 11-синф**



Биз “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” лойиҳасини тадбиқ этишда иштирок этаётганимиздан жуда хурсандмиз. Бу проект бизга яхши томондан таъсир қилди, лидерлик, фаол фуқаролик позицияси, очиқ мулоқот, қарор қабул қилиш каби сифатларни ривожлантириди, дунёқарашибизни кенгайтириди.

Биз уч кунлик тренингда иштирок этиш орқали тажриба ва билим тўпладик. Бу билимларни бугунги кунда 4 – ўрта мактабнинг 8-10-синфларига ўргатмоқдамиз. Биз бу лойиҳага бошқа мактабларни ҳам жалб қилишга қарор этдик. Люксембург қишлоғидаги Я.Я. Ваккер қишлоғидаги мактаб ўқитувчилари ва директорининг роziлиги билан, биз бу ерда 25 кишидан иборат групкаларда ташкил қилдик. Икки ой оралиғида биз иккита мактабда тренинглар ўтказдик. Бизнинг командаларни болалар кечгача ўйида компьютер олдида бекор ўтирамай, кўчаларда саргузашт излаб юрмай, бўш вақтини самарали ўтказаётганини ҳис қилиш жуда қувончлидир. Бу бизни янада илҳомлантироқда, бундан буён ҳам ўсгимиз, билимларимизни оширгимиз, тажрибамизни тенгдошларимиз билан ўртоқлашгимиз келади.

Лойиҳа жуда катта билим ва тажриба тўплаш имкониятини яратади, бундан ташқари, лойиҳа доирасида битта команда турли характердаги, нуқтаи назардаги, билим даражаси ва миллати, эътиқоди турлича бўлган болаларни тўплашга муваффақ бўлдик. Лекин биз ҳаммамиз бирга бир масалани ҳал қиласяпмиз ва тенг ҳуқуқли асосда ўқимоқдамиз. Шунинг учун биз “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” лойиҳасидан миннатдормиз.

## 5-СЕССИЯ: МАЪЛУМОТ ТЎПЛАШ УСЛУБЛАРИ

### Пост-тест

Қўйидаги мавзулар бўйича билимларингизни қандай баҳолайсиз?

<b>Мавзу: “Конфликт” атамасининг умумий тушунчаси</b>	<b>Мен маълумотни яхши биламан</b>	<b>Менда тасаввур бор</b>	<b>Мен етарли маълумотга эга эмасман</b>
Конфликт нима?			
Конфликтнинг қандай типлари мавжуд?			
Конфликтнинг қандай сабаблари бўлиши мумкин?			
Конфликтли вазиятларда ўзини тутиш стиллари - Рақобат (назорат, ҳукумронлик) - қочиш - мослашиш - муроса - муаммони ҳал этиш			
<b>Мавзу: Конфликтни таҳлил қилиш воситалари</b>	<b>Мен маълумот билан яхши танишман</b>	<b>Менда тасаввур бор</b>	<b>Мен етарли маълумотга эга эмасман</b>
Конфликт таҳлили нима? Конфликтни нега таҳлил қиласиз?			
“Конфликт бўкриси” Конфликт босқичлари қандай баҳоланади?			
“Конфликт дарахти” Конфликт сабабларининг узвийлиги ва оқибатлари			

## **5-СЕССИЯ: МАЪЛУМОТ ТЎПЛАШ УСЛУБЛАРИ**



## Медиация

02

Конфликтологияда медиация  
асослари  
Медиация жараёни

41  
45

# КИРИШ

## Кириш

**Медиация** доимо конфликтларни ҳал этишдаги самарали восита бўлган. Бу структуралаштирилган жараён бўлиб, унда конфликтлашаётган томонлар ўзларининг муаммолари ва саволларини муҳокама қиласди, ўз манфаатларини аниқлаштиради ҳамда учинчи нейтрал томон ёрдамида зиддиятни бартараф этиш учун ўзаро мақбул бўлган бир қарорга келиш вариантларини излайди. Назардан шуни ҳам қочирмаслик керакки, медиатор мұайян ахлоқий масалаларда нейтрал бўла олмайди. Демак, икки томон таклиф қилган ечим медиация жараёнига жалб қилинмаган учинчи шахсларнинг қонуний манфаатлари ҳисобидан бўлмаслиги керак.

**Мазкур бўлимнинг мақсади** – мазкур методни қўллаш орқали ўз ҳамжамиятларидаги турли конфликтларни ҳал эта олишлари учун ёшларнинг медиация тўғрисидаги информативигини ошириш.

Мазкур бўлимда медиация асослари ва типлари тўғрисида маълумот олиш мүмкин. Бўлимда медиатор ҳақида, унинг функциялари ва у эга бўлиши лозим шахсий жиҳатлар ҳақида тўла тушунча берилган. Мавзу тушунарли бўлиши учун реал ҳаётдан олинган медиация тўғрисидаги кейслар келтирилган.

**Бўлим режаси:**

Пре-тест

1-сессия. Конфликтологияда медиация асослари

2-сессия. Медиация жараёни

Медиацияда қадамба қадам ҳаракат. Медиациянинг 5 қадами.

Пост-тест

## Пре-тест

1. Конфликтлар асосан эркаклар ўртасида бўлиб ўтади?

- Қўшиламан  Қўшилмайман

2. Конфликтлар асосан аёллар ва эркаклар ўртасида бўлиб ўтади?

- Қўшиламан  Қўшилмайман

3. Конфликтли вазият зўравонлик билан ўтиши нормал ҳодисами?

- Ҳа  Йўқ

4. Конфликтларни зўравонлик ҳаракатлари билан самаралироқ ҳал қиласа бўлади?

- Қўшиламан  Қўшилмайман

5. Конфликтларни зўравонлик қўлламай ҳал қилиш мумкин?

- Қўшиламан  Қўшилмайман

6. Конфликт медиацияси учун четдан объектив одамни таклиф қилиш фойдали бўлади?

- Ҳа  Йўқ

## «Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим»нинг иккинчи қўлланмаси билан танишиш

2015 йилнинг январида республика бўйлаб “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” қўлланмасининг иккинчи қисми билан таништириш бўйича 8та тренинг ўтказилди. Тренинглар “Конфликтлар таҳлили. Медиация асослари. Қишлоқни умумий баҳолаш” мавзулари доирасида бўлиб ўтди.

Тренингдан мақсад тенгдош устозларни қўлланманинг иккинчи қисмидан фойдаланишга ўргатиш ҳамда уларни ўз групхунарнида сессиялар ўтказишга тайёрлаш эди. Шунингдек, жамиятда барқарорликни таъминлаш, конфликтларни профилактика қилиш, зиддиятларнинг келиб чиқиш сабабларини тадқиқ этиш, уларнинг олдини олиш ва барқарорликни сақлаб қолиша, бирдамликни мустаҳкамлашда, мамлакатимизда барқарор ривожланишни таъминлашда Қишлоқни умумий баҳолаш (ҚУБ) методидан фойдаланиш ҳам мақсад қилиб қўйилган.

Ўш вилоятида ўтказилган тренинглардан бирида тенгдош устозлар амалиётда ҳам иштирок этди. Тенгдош устозлар маҳаллий аҳоли билан биргалиқда Қишлоқни умумий баҳолаш (ҚУБ) методидан фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитларни баҳоладилар. Амалий иш чоғида тенгдош устозлар ўзларининг конфликтли вазиятларни олдини олиш кўнгилмаларини амалда мустаҳкамлаган ҳолда маҳаллий аҳоли билан ишлашни ўргандилар.



01

## КОНФЛИКТОЛОГИЯДА МЕДИАЦИЯ АСОСЛАРИ

**Сессия мақсади:** Иштирокчиларнинг конфликтологияда медиация асослари түрлісінде маълумоттағы даражасини ошириш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Номланиши	Метод	Вақт, мин.
1	Үтган мавзуни тақрорлаш	Қор түп	10
2	Медиация нима дегани?	Фикрий ҳужум	20
3	Медиация типлари	Мини-лекция, муҳокама	30
4	Ким медиатор бўла олади?	Ролларга бўлинган ўйин, муҳокама	45
5	Сессияда олинган маълумотларни мустаҳкамлаш, ўйга вазифа	Савол-жавоб, маълумот түплаш	15

### 1. Ўтилган мавзуни тақрорлаш

Иштирокчилар айлана шаклида туради. Фасилитатор қоғоздан қор түп ясади. Шундан сўнг у ўтилган мавзу бўйича савол беради. Масалан: Конфликт таҳлили нима? Савонни бериш жараёнида у қор түпни исталган иштирокчига отади. Қор түпни илиб олган иштирокчи саволга жавоб бериб, тўпни бошқа иштирокчига отади ва ўтилган мавзулар бўйича савол беради. Сўнгги иштирокчи саволга жавоб бермагунича ўйин шу тарзда давом этади.

### 2. Медиация нима дегани?

Фасилитатор фикрий ҳужум услубини қўллаган ҳолда иштирокчилардан медиация ҳақидаги тасаввурларини сўрайди. Масалан, “медиация” атамасини қандай тушунасиз ёки шу каби бошқа савонни бериш мумкин.

Фикрий ҳужумдан сўнг иштирокчиларга конфликтларни ҳал этиш воситаси бўлган медиация атамасининг аниқ тавсифи тушунирилади.

Медиация – бу конфликтлашаётган томонларнинг минимал талабларига жавоб берувчи ҳолис учинчи томоннинг аралашувидир. Медиатор конфликтни бартараф этиш йўлларини тақлиф қилибгина қолмай, томонларни ишонтиришига ҳаракат қиласида ва бу музокаралар олиб бориш жараёнининг характерли жиҳати ҳисобланади.

Медиатор конфликтлашаётган томонларга ўз позициялари асосида турлича нуқтаи назарлар ва манфаатлар ётганини англашлари учун аниқлаштирувчи саволлар беради.

Шундай қилиб, конфликтлашаётган томонлар медиатор ёрдамида ўзларининг асосий талабларини қондирувчи ечимларини топишлари мумкин. Медиация жараёни томонларнинг позицияларига чуқурлашмаган ҳолда бу позициялар асосида қандай манфаатлар ва талаблар борлигини аниқлашга ҳамда туташ нуқталарни топишга имконият яратади.

Медиаторнинг конфликтни бартараф этишдаги иштироки унинг ҳолислиги ва конфликт иштирокчиларининг унга нисбатан ишончига асосланишини тушуниш шарт.

Медиатор ўзининг четдан келган шахс позициясига таянган ҳолда ўзи учун равshan бўлган ечимни таклиф қилиш билангина чекланмаслиги керак. Аслида, медиатор дастлаб томонларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида учрашиб, уларнинг позицияси, манфаати ва эҳтиёжларини тушуниб олиши шарт. Шундан сўнг у томонлар билан мунтазам музокаралар ўтказиб, муаммони ҳал этишнинг ҳар икки томон учун мақбул бўлган йўлларини таклиф қиласди. Вақт ўтиши билан бундай йўллар кўпайиши мумкин ва томонлар ўртасидаги эҳтимолий битим рамкалари тобора аниқлашиб боради. Бу босқичда томонлар учрашиши ва медиатор ҳар икки томонни муросага келтира оладиган ҳамда ечим топилишига сабаб бўладиган саволларни муҳокамага қўйиши мумкин. Бу эса конфликтлашаётган томонлар ўртасидаги ишончнинг мустаҳкамланишига ва эришилган шартнома шартларининг бажарилиши юзасидан музокараларнинг давом эттирилишига сабаб бўлади.

Ниманидир кафолатлаши ва ҳатто “сотиб олиши”, яъни қабул қилинган келишим учун моддий фойда таклиф қилиши мумкин бўлган музокарачилардан фарқли ўлароқ медиаторнинг одамлар орасидаги шахсий обрўсидан бошқа ресурслари йўқ. Шундан келиб чиқилса, медиация - бу медиаторнинг профессионал кўнимкалари, шунингдек, ҳолислиги, виждони ва обрўсига асосланган санъатdir.

“Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” курси доирасида медиация оила, мактаб, маҳаллий ҳамжамиятда конфликтларни бартараф этиш, барчанинг тинчлиги ва хавфсизлигини, шунингдек, ёшларнинг ва жамиятнинг teng ҳуқуқли равишдаги бирдамлигини таъминлашга йўналтирилган восита сифатида кўриб чиқиласdi.

### 3. Медиация типлари

Фасилитатор иштирокчиларга қўйида келтирилган медиация типлари ҳақида гапириб беради ва шундан сўнг муҳокама бошланади. Бугунги кунда глобал даражада медиациянинг турли стиллари ва типлари мавжуд. Медиациянинг бизнинг мамлакатимизда кенг қўлланиладиган учта энг асосий стили ёки типини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Булар: фасилитатив, баҳоловчи ва трансформатив медиациядир.

1) **Фасилитатив медиация** – бу конфликтлашаётган томонларга медиаторнинг таклиф ва тафсияларисиз конфликтни ўзлари бартараф этиш имкониятини берувчи медиация жараёнидир, медиатор конфликтлашаётган томонлар ўртасида ҳолис учинчи томон сифатида намоён бўлади.

2) **Баҳоловчи медиация** – учинчи томон фақат муаммони ёки конфликтни теран ўрганганидан сўнггина конфликтлашаётган томонларга таклиф ва маслаҳатлар бериш, шу орқали конфликтлашаётган томонлар ўртасидаги туташ нуқталарни топшига кўмак кўрсатиш мақсадида жалб этиладиган жараёндир. Бу жараёнда медиатор ўз навбатида муаммони ўрганади ва аниқлайди, томонларнинг ҳар бири билан уларнинг манфаатларини аниқлаш мақсадида алоҳида-алоҳида учрашади. Шундан сўнг медиатор барча конфликтлашаётган томонлар минимал эҳтиёжларини қондира оладиган ўзаро манфаатли битимга кела олишлари учун таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида томонлар ўртасидаги воситачи сифатида майдонга чиқади.

3) Трансформатив медиация фасилитатив медиацияга ўхшаб кетади, бироқ асосий эътибор конфликтлашаётган томонларнинг масъулиятларни кучайтиришга қаратилади ҳамда конфликтни қарши томон нуқтаи назаридан туриб кўриб чиқишига ундейди.

#### 4. Ким медиатор бўла олади?

Медиатор – учинчи томон бўлиб, у:

- музокараларни енгиллаштиради;
- одамларга ўз манфаатлари ва эҳтиёжларини аниқлашда ёрдам беради;
- музокараларнинг осойишта ва конструктив асосда қурилишига кўмаклашади;
- одамларга ўз манфаатлари ва эҳтиёжларини пухта ўйлаб олишга кўмаклашади;
- конфликтлашаётган томонларнинг асосий эҳтиёжлари қарама-қарши томонлар тарафидан эътиборга олинган ва қабул қилинган шароитда муаммонинг самарали ва барқарор мувофиқлаштирилишига ёрдам беради.

**Медиация жараёнида медиатор қўйидагиларга амал қилиши лозим:**

- ҳар икки томон ишонадиган даражада конфликтлашаётган томонлар ва конфликт моҳиятига ҳолис бўлиш;
- ишонч ва ҳурмат; медиатор томонлар гапиришни истамаётган масалаларни қай тарзда ирод этишини билиши, шунингдек, конфликтлашаётган томонлар ўртасидаги баҳс кескинлашиб бораётганда медиатор вазиятни юмшата олиши керак;
- конфликтлашаётган томонлар позициялари асосларини ташкил қилувчи муаммолар, манфаатлар ва эҳтиёжларни тўла маънода тушуниш учун яхши таҳлилий кўнікмаларга эга бўлиш;
- эшитишни билиш ва ўз вақтида аниқлаштирувчи саволларни бериш;
- конфликтлашаётган томонлар ўзаро таъсир ўтказишга ҳаракат қилаётган пайтда босимларга қарамай, хотиржам, сабрли ва бардошли бўлиш;
- муҳокама қилинаётган масалада шахсий манфаатга эга бўлмаган ҳолда конфликтнинг барча томонлари манфаатларига жавоб бера олувчи келишувга эришишда конфликтлашаётган томонларга ёрдам бериш.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, томонлар медиаторни билиши ва конфликтлашаётган томонлардан камида биттаси ундан медиацияни ўтказишини илтимос қилиши керак. Шундан кейин медиатор ўзини конфликтлашаётган иккинчи томонга медиатор сифатида таклиф қилиши ва уларнинг розилиги билан медиацияни ўтказиши лозим. Бироқ амалда конфликтлашаётган томонлардан бирортаси ҳам медиаторга ёрдам сўраб мурожаат қилмайди, лекин улар ҳолда медиаторлик кўнікмасига эга одамлар борлигини билишади. Бундай ҳолатда медиаторга, масалан, конфликтда иштирок этмаётган ўқувчи мурожаат қилиши мумкин ва у конфликтлашаётган томонларга, агар улар шуни истасалар, медиация жараёнини учинчи одам, масалан, талаба ўтказишини таклиф қилиши эҳтимол.

#### “Апельсин” ролларга бўлинган ўйини

Ролларга бўлинган ўйинни ўйнаш учун уч нафар кўнгилли таклиф қилинади. Улар вазифа билан таништирилади. Шундан сўнг улар саҳна кўринишини намойиш этишади. Улардан бири опа, иккинчиси сингил, учинчиси она ролини ўйнаши керак.

**«Апельсин»:** Опа –сингил столда турган битта апельсинни талашиб конфликтга киришди. Шу пайт хонага она кириб, қизлардан улар нега жанжаллашаётганини сўрайди. Опа унга мевали пирог учун апельсиннинг пўстлоғи кераклигини, сингил эса апельсиндан шарбат тайёрламоқчи эканини айтади. Опа-сингиллар онадан уларнинг муаммосини ҳал қилиб беришни илтимос қиласади. Уларнинг сўзларини эшитган она апельсинни пўстлоғидан тозалаб, пўстлоқни катта қизига, мевани кичик қизига беришни таклиф қиласади. Ҳар икки томон бунга рози бўлади ва уларнинг эҳтиёжи қондирилади.

	Опа	Сингил
Позиция	Апельсинни олиш	Апельсинни олиш
Манфаатлар	Апельсин пўстлоғини мевали пирог учун ишлатиш	Апельсин мевасидан шарбат тайёрлаш
Эҳтиёжлар	Дугонасининг туғилган куни учун пирог тайёрлаш	Чанқоқни қондириш

Бу ўринда она медиатор сифатида намоён бўлади. Конфликтни медиация воситасида ҳал этиш жараёнида конфликтлашаётган томонларнинг позициялари, манфаатлари ва эҳтиёжлари эътиборга олинади.

Инсценировкадан сўнг иштирокчилар муаммони муҳокама қиладилар ва ўз ҳаётларида юз берган ва барча томонларнинг эҳтиёжини қаноатлантириш орқали ҳал этиш мумкин бўлган шу каби беъмани конфликтларни эслашади. Баъзан учинчи томон конфликтлашаётган томонларни ўз манфаатларини аниқлаштириб олишга ва улар ўзаро мувофиқлаша олишини ўйланиб кўришга мажбур қилиши лозим.

Кўплаб конфликтларни медиация ёрдамида ҳал қилиш мумкин, бироқ айрим пайтларда манфаатлар шу қадар ўзаро мос келмаслиги мумкинки, бундай ҳолатларда конфликтни мавжуд ресурслардан фойдаланган равища бартараф этишнинг иложиси йўқдай кўринади. Лекин мана шундай вазиятларда ҳам, айрим пайтларда, конфликтлашаётган томонлар қарама-қарши томоннинг асосли эҳтиёжларини тушунишга ҳаракат қилиб, вазиятнинг ортиқча даражада кескинлашиб кетишининг олдини олиши мумкин.

##### 5. Сессияда олинган билимларни мустаҳкамлаш ва ўй вазифаси

Мазкур сессияда иштирокчилар медиация нима экани ва медиация типлари билан танишдилар. Конфликтли вазиятларда медиация зарур экани ва медиатор ким эканини аниқлаб олдилар.

###### Ўй вазифаси.

Иштирокчилар кейинги сессияда кимдантирэшитган ёки ўзлари қатнашган ёхуд гувоҳ бўлган конфликтли вазиятни эсга олишлари керак. Улар ўзлари ёки учинчи томон, медиатор қарама-қарши томонларнинг манфаатларни ва эҳтиёжларни таҳлил қилиш орқали конфликтни тинч йўл билан бартараф эта олиши мумкин эдими, деб ўйланиб кўришлари лозим.

**Хуласа:** Мазкур сессияда иштирокчилар медиация ўзаро мос келмайдигандай кўринадиган манфаатларни кундалик равища қайта кўриб чиқиш воситаси эканини билиб олдилар. Ҳар бир томоннинг манфаатларини таҳлил қилиш орқали томонларнинг ўзлари ёки томонлар ўртасидаги муносабат конфликтли ёки муаммо ўта баҳсли бўлса, медиатор хизматидан фойдаланган ҳолда муаммони барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш мумкин. Томонлар медиаторнинг роли муҳим эканини ва медиатор бўлиш учун нималарни билиш лозимлигини тушунишади. Масалан, барча фарзандларининг ишончига эга меҳрибон она ўз фарзандларига яхшиликни истаб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, медиатор бўла олиши мумкин. Конфликтлашаётган томонларнинг ҳақиқий дўсти ёки қишлоқдаги ҳурматли оқсоқол ҳам бу вазифага кириша олади. Шунинг учун ҳам биз бу каби одамлардан маслаҳат сўраймиз ва конфликтли вазиятларни бартараф этишда улардан ёрдам кутамиз.

02

## МЕДИАЦИЯ ЖАРАЁНИ. МЕДИАЦИЯНИНГ БЕШ БОСҚИЧИ

**Сессия мақсади:** иштирокчиларга медиациянинг беш босқичи түғрисида маълумот бериш ва уларни амалиётда қўллашга ўргатиш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Сессия номи	Услуг	Вақт, мин.	Материаллар
1	Ўтилган сессияни тақорлаш	“Чўпни илиб ол” Машқи	10	Чўп
2	Медиация ўтказишга тайёргарлик	Мини-лекция	15	
3	Медиация нима? Медиация тушунчаси билан танишиш	Мини-лекция	25	
4	Конфликтли вазият тавсифи. Баҳсли позицияларни аниқлаш. Конфликтни бартараф этиш учун умумий ечимларни топиш	Мини-лекция	25	
5	Мавзуни амалий мустаҳкамлаш. Кейс билан ишлаш	«Кўзгу» машқи	40	Кўзгу ёки видео тасвирга олувчи ускуна
	Пост-тест		5	

### 1. Ўтилган сессияни тақорорлаш

Барча иштирокчилар айланы шаклида туриб, навбатма-навбат саноқдан ўтадилар. Иштирокчилардан бири қўлида чўп билан айланадан чиқади ва исталган иштирокчининг номерини айтиб, чўпни ирғитади ва жойига бориб туради. Номери айтилган бола югуриб бориб, чўпни илиб олиши керак. Чўпни ким ила олмаса, ўтилган мавзуни айтиб бериши керак, кейин у бошқа номерни айтади ва чўпни ирғитади. Ўйин шу тарзда иштирокчилар ўтилган мавзу юзасидан асосий материалларни айтиб бўлгунига қадар давом этади.

Фасилитатор ҳар бир иштирокчига бир варақдан қоғоз беради. Улар бу қоғозга ўзлари эшигтан ёки қатнашган ёхуд гувоҳи бўлган конфликтли вазият ҳақида ёзадилар (бу уларнинг ўйга вазифаси эди!). Шундан сўнг улар бу қоғозни сумкаларига соладилар.

### 2. Медиация ўтказишга таёргарлик

Фасилитатор иштирокчилардан медиация ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги фикрларини сўрайди ва ҳар бир иштирокчи бунинг учун нима қилиш кераклигига оид фикрларини айтади.

**Медиация ўтказишга тайёргарлик** – конфликтлашаётган томонлар билан шахсий учрашувлар, уларнинг ҳикояларини эшитиш, медиация ўтказиш учун уларнинг бевосита розилигини олиш ва бу жараённинг асосий қоидалари ҳамда шартларини келишиб олишдан иборат.

### Иштирокчилар учун топшириқ

Иштирокчилар жуфт-жуфт бўлиб ўтириб, шериклари билан ўз тажрибаларида бўлган конфликт ҳақидаги фикрларини айтиб берадилар. Шундан сўнг ўзаро сухбатларидан келиб чиқсан ҳолда уларга конфликтли вазиятни бартараф этишнинг энг яхши ечимини топиш илтимос қилинади. Ҳар бир жуфтлик ўз ечимини барча тенгдошларига тақдим этиши керак. Гурӯҳ тақдим этилган ечимлардан энг яххисини танлаб олади ва фасилитатор уни ёзиб олади.

### 3. Медиация нима? Медиация билан танишиш. Конфликтли вазият баёни.

**Медиация** – бу конфликтни медиатор ёрдамида конфликтлашаётган томонларнинг шахсий учрашувлари орқали бартараф этиш.

#### Кириш.

**1-босқич.** Медиациянинг бу босқичида медиатор конфликтлашаётган барча томонлар билан учрашади, ўзини таниширади, унга ким мурожаат қилганини тушунтиради. Бу босқичда медиаторнинг мақсади конфликтли вазиятнинг деталлари, шунингдек, манфаатлар, эҳтиёжлар ва позицияларни ўрганишдан иборат. Айни пайтда медиацияни олиб бориш қоидалари тушунтирилади. Қоидалар қўйидаги: қарама-қарши томонни ҳақорат қилмаслик ва сўзини бўлмаслик, оғир-босиқ, рационал ва оқил бўлиш.

Таблица тузиш ёки матнга қўйидагиларни қўшишни таклиф қиласман: “**Мұҳим:** медиация жараёнидаги барча нарсалар махфий сақланиши лозим. Медиацияга тайёргарлик пайтида медиаторга тақдим этилган ёки медиация жараёнида ишлаб чиқилган ҳар қандай маълумот, ёзув ва бошқа ҳужжатлар махфий ҳисобланади”. Бу қоидани жараён иштирокчиларига аниқ айтиш лозим.

Айрим пайтларда медиатор конфликтлашаётган томонлар иштирокидаги учрашувдан оддин конфликтнинг ҳар бир томони билан шахсан учрашади, негаки, конфликтлашаётган томонлар дастлаб умумий учрашувга рози бўлиасликлари мумкин.

#### 2-босқич. Конфликтли вазият баёни.

Медиатор ҳар бир томондан конфликтни ўз сўzlари билан баён этишни илтимос қиласми. Бу ўринда бошқа иштирокчиларни айблаш ноўрин бўлади, фақат конфликтли вазиятни барча

## 2-СЕССИЯ: МЕДИАЦИЯ ЖАРАЁНИ. МЕДИАЦИЯНИНГ БЕШ БОСҚИЧИ

томонларнинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда объектив баён этиш зарур. Турли манфаатлар объектив баён этилаётган пайтнинг ўзида ечим топилиши мумкин.

Ҳар бир томонга муайян вақт берилиши лозим ва бу вақт давомида ҳеч ким гапираётган одамнинг сўзини бўлиши керак эмас; медиатор вақтни кузатиб боради ва томонларни бир дақиқа аввал огоҳлантиради. Медиатор гапираётган одамларнинг сўзларини диққат билан тинглаётганини намойиш этиши, уларнинг нутқи эмоция ва айблов руҳида эмас, конструктив ва рационал бўлишини кузатиб бориши лозим. Медиатор нутқларни қайд этиб боради, шундан сўнг у нутқларда манфаатлар ва эҳтиёжларга оид масалалар бўйича жавоб берилмай қолган асосий масалаларда тўхталади. У ҳамма бир ҳил гапни эшитганини тасдиқлаш мақсадида томонларнинг нутқларини қисқа холосалайди ҳамда томонларга ажратилган вақт учун миннатдорчилик билдиради.

**Эслатма:** агар конфликтлашаётган томонлар бир-бирлари билан учрашишни истамаса, медиатор ҳар бир томон билан алоҳида учрашади ҳамда қарши томонларни эришилган якуний натижалар билан таниширади.

### 4. Баҳсли позицияларни аниқлаш. Конфликтни бартараф этиш. Ўзаро келишувга эришиш.

#### 3-босқич. Баҳсли позицияларни аниқлаш

Мазкур босқичда медиатор асосий баҳсли масалаларни аниқлайди ва конфликтлашаётган томонлар билан келишилган ҳолда, барча томонлар учун тушунарли бўладиган тарзда муаммолар рўйхатини тузади (масала шундаки, конфликтнинг барча томонлари мавжуд муаммоларни ифода этилишига розилик беиши мумкин, бироқ улар ҳар бир муаммонинг муҳим эканини эътибордан четда қолдиради!):

- рўйхат конфликтлашаётган томонлар билан биргалиқда қайта кўриб чиқилади;
- рўйхат таҳрир қилинади, конфликтнинг барча томонлари ўзаро келишувга келмагунига қадар рўйхатга тузатишлар киритилаверади;
- фақат шундан сўнггина медиатор конфликтни бартараф этиш жараёнини бошлиши мумкин.

#### 4-босқич. Конфликтни бартараф этиши

Конфликтни бартараф этиш йўллари:

- конфликт унда иштирок этаётган томонлар позициясидан келиб чиқиб таҳлил қилиниши лозим;
- медиациядан мақсад имкони борича кўпроқ масалалар бўйича қарор қабул қилинишига эришишdir; томонлар кўп ҳолатларда асосий масалалар юзасидан ҳар бир томон муросага келмагунига қадар муаммо ҳал этилмаслигини тушуниб етади;
- эришилган дастлабки ечимларни баҳолаш жараёнида мазкур ечимларнинг амалга оширилиши учун қўшимча келишувларга эришиш зарур экани ойдинлашади;
- медиатор эришилган ечимлардан энг яхсиси танлаб олиниши учун томонларга ҳар бир ечимни муҳокама ва таҳлил қилишга кўмаклашади. Энг яхши ечим эса ҳар бир томоннинг минимал эҳтиёжларини қондира оладиган ечимдир. Фақат мана шундай ечимгина исталган эҳтимолий келишув қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Медиаторнинг келишмовчиликларни олдини олиш учун муайян масала юзасидан томонларни алдаш ёки ноаниқ ифодаланган мужмал қарор қабул қилиш орқали келишувга эришиш ҳаракати узоқ муддатли барқарор қарор қабул қилинишига фақат ҳалақит беради;
- медиатор танлаб олинган ечимни амалга ошириш режасини ишлаб чиқишига ёрдам беради;
- медиатор режани амалга ошириш самарадорлигини аниқлашга қаратилган жараённи ишлаб чиқишига ёрдамлашади;

- конфликтни бартараф этиш жараёнинин кузатиб бориш лозим. Бу ишга медиатор ёки бошқа ҳолис ва бетараф томон кўмкалашиши мумкин.

#### **5-Босқич. Ўзаро келишувга эришиш**

- Медиатор медиация жараёнида томонлар эришган келишувларни ҳамда уларнинг мажбуриятларини эслатиб ва ёзиб бориши зарур. Бу **масъулият матрицаси**, деб аталади ҳамда конфликтлашаётган ҳар бир томон қачон нимани қилиши ва нимани қилмаслиги кераклигини кўрсатади.
- Масъулият матрицаси** конфликтлашаётган томонлар ва медиатор билан биргаликда кўриб чиқлади.
- Ҳаммаси тайёр бўлганда конфликтлашаётган томонлар режани имзолайди, медиатор ёки бошқа бетараф томонлар гувоҳ сифатида ишитрок этиши мумкин.
- Агар томонлар якуний қарорга эриша олмаса, қисман муросага келишлари мумкин. Бу келажақда томонлар орасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлайди ҳамда бошқа масалаларнинг ҳам мувофиқлаштирилишига сабаб бўлади. Бироқ кўпинча томонлар баҳсли масалаларни бу тарзда ҳал этиш йўлини танламайди.
- Томонлар келишувнинг бажарилиши мониторинг қилинишига розилик беради.
- Медиация жараёнида эришилган келишув келажакка мўлжалланган бўлиши лозим!

**Хулоса:** Мазкур сессияда иштирокчилар медиациянинг беш босқичи кетма-кетлигидан бохабар бўлди. Улар бу жараёнга пухта тайёргарлик кўриш лозимлигини, медиация жараёнини босқичма-босқич ўтказиш кераклигини, бу эса медиаторнинг бу жараёнга тўлиқ жалб этилишини талаб қилишини тушуниб олди.

#### **5. Мавзуни амалий мустаҳкамлаш**

##### **“Кўзгу” машқи**

Иштирокчилар бўш жойга стулларини олиб ўтиб, авквариум шаклида ўтирадилар. Фасилитатор вазифани тушунтиради.

“Чўпни илиб ол!” машқини бажариб, уй вазифасини бир вароқ қоғозга ёзиб олган иштирокчилар, уни сумкаларига солиб қўйган эдилар. Энди улардан бири ўша қоғозни сумкасидан олиб, ўз ҳикоясини ўқиб беради. Шундан сўнг учта кўнгилли мазкур ҳикоя юзасидан ролларга бўлинган ўйинни намойиш этиши керак. Улар конфликтлашаётган томонларнинг медиатор билан учрашувини кўрсатишлари керак. Бу сафар томонлар учрашуви пайтида медиаторнинг рўпарасига кўзгу қўйиш лозим ёки воқеани видеотасвирга оловчи восита, масалан, телефон ёрдамида ёзиб олиш шарт. Томонлар медиациянинг беш босқичига амал қилиши керак бўлади. Иштирокчилар ўзларини кўзгудаги ёки кейинроқ видеотасвирдаги аксларини кўришлари мумкин. Кўзгу ёки видеотасвирга олиш воситасининг қўлланилиши медиация жараёнида ғазабланиши мумкин бўлган иштирокчиларни босиқ бўлишга мажбур қиласди. Машқ сўнггида иштирокчилар ўз фикрлари билан ўртоқлашади ва медиациянинг барча босқичларини муҳокама қиласди. Видеотасвир ўйиндан сўнг ўчириб ташланганига амин бўлинг, уни бошқа одамларга кўрсатиш мумкин эмас!

**Хулоса:** Сессия давомида иштирокчилар медиациянинг беш босқичи борасида тўлиқ маълумотга эга бўлди, мавзуни амалий жиҳатдан мустаҳкамлади ва медиациядан реал ҳаётда фойдаланиш мумкинлигини билиб олди. Кейинроқ улар оилада, мактабда ёки ҳамжамиятда конфликтларга дуч келаётган одамларга медиация ёрдамини кўрсатиш мажбуриятларини олишлари лозим.

## 2-СЕССИЯ: МЕДИАЦИЯ ЖАРАЁНИ. МЕДИАЦИЯНИНГ БЕШ БОСҚИЧИ

### Кейс. Калача қишлоғидаги икки мактаб үқұвчилари ўртасидаги конфликт

Боткен вилоятидагы күп миллатли қишлоқ ҳукуматида “А” ва “Б” мактабларининг 11-синф үқұвчилари ўртасидаги конфликтт 2012 үқув йилининг бошланишида содир этилди. Мазкур конфликттинг келиб чиқишига безори сабаб бўлди. “Б” мактабининг безори үқұвчиси “Сизлар одам эмассизлар” деб ёзилган смсни “А” мактаби үқұвчиларига юборди. “А” мактаби үқұвчилари смсга: “Биз, “А” мактабининг 11-синф үқұвчилари сизни калтаклаймиз”, деб жавоб қайтарди. Бунга қадар бу икки мактаб үқұвчилари орасида тўқнашувлар бўлиб турган.

“Б” мактаби үқұвчилари ўз смсларига жавоб олгач, синфдошларини ва тарафдорларини тўплаб, “Оран очиқ қилиш” учун “А” мактабига боради. Даҳанаки жанг пайтида “А” мактаби үқұвчилари мушталашувни бошлаб юборади. Мактаб директори мушталашувни тўхтатди ва муштлашув сабабларини суриштира бошлади. Аммо ҳар икки мактабнинг үқұвчилари бу ҳақда бирорта сўз айтмадилар.

#### Медиаторни аниқлаш.

#### Тайёргарлик

Медиацияниң мақсади кимнидир айблаш ёки гуноҳкор қилиш эмас. Конфликтлашаётган томонлар ўз фикрларини ошкора айта оладиган, тушунмовчиликни ойдинлаштирадиган, ўз ҳис-тўйғулари ҳақида қўрқмасдан гапириш мумкин бўлган вазиятни пайдо қилиш лозим. Бу ўринда медиатор сўзлашувларни кузатиб борадиган ва ҳеч бир томон ҳақоратланишига йўл қўймайдиган объектив ташқи томон сифатида намоён бўлади. Демак, томонларнинг ярашвидан манфаатдор бўлган ҳар бир шахс медиаторлик қила олади. Медиацияниң яна бир муҳим шартларидан бири- конфликтлашаётган томонлар медиаторга ишониши керак. Уни конфликтлашаётганларнинг ўzlари танлаб олиши ёки бошқалар таклиф қилиши, конфликтлашаётган томонлар эса бунга ўз розилигини бериши мумкин.

Тайёргарлик босқичида медиатор конфликт ҳақида маълумотларни тўплади. Ҳар икки мактабнинг 9 ва 10- синф үқұвчилари юқори синф үқұвчилари орасида конфликтлар аввал ҳам кузатилганини айтиб беришди. Бундан ташқари, қишлоқдаги деярли барча мактабларда ўзидан кичикларга нисбатан зўравонликлар қилиш кенг тарқалган кўриниш экани аниқланди.

Интервью пайтида модератор юқорида айтилган смслар жўнатилган телефон номерларини аниқлади. Ўша пайтда смсни жўнатган бола ҳали ҳам эски сим картасини ишлатаётган экан. Телефон номери аниқланганидан сўнг медиатор ва балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекторлари ҳар икки мактаб үқұвчиларига смс жўнатган шахсни аниқлашга мувваффақ бўлди. Медиатор конфликтни вазиятни келтириб чиқарган бола билан учрашув уюштириди. Смсни бу икки мактаб үқұвчилари бир-бирлари билан муштлашишини истаган учинчи мактабнинг үқұвчиси жўнатган экан. Шахсий учрашувдан сўнг конфликтни келтириб чиқарган бола ҳар икки мактаб үқұвчиларидан кечирим сўради.

#### Томонларнинг қарор қабул қилиш жараёни

Медиатор “А” ва “Б” мактаби вакилларини, балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор эса конфликтлашаётган томонларни йиғилишга таклиф этди. Йиғилишда “Б” мактабининг олти, “А” мактабининг етти үқұвчиси ота-оналари билан биргаликда иштирок этди.

Аввалига “А” мактаби үқұвчиларининг ота-оналари ўз фарзандлари ҳаракатларини оқлашга ва учрашув ташкилотчиларини айблашга ҳаракат қилди. Лекин йиғилиш иштирокчилари охир-оқибат воқеани объектив кўриб чиқиш ва конфликтлашаётган ҳар икки томоннинг

фикларини эшитишга муваффақ бўлди. Йиғилганларга смсни ким жўнатгани аниқлангани, бу одам учинчи мактабда ўқийдаган бола бўлиб чиққани айтилди. Ҳар икки мактаб ўқувчилари бир-бирларидан узр сўрадилар, бир-бирларига қўл бериб, бундан бўён зўравонликларга йўл қўймаслик ҳақида ваъда бердилар.

Улар, шунингдек, мактаб маъмуриятидан ҳам мактаб обрўсини тўқадиган ҳатти-ҳаракат қилганлари учун кечирим сўрадилар. Барча қарорлар оғзаки равишда қабул қилинди, мажбуриятлар эса, кейинроқ ёзма шаклда тақдим этилди.

### **Медиациядан кейнги давр**

Медиатор томонлар ярашганидан сўнг улар қабул қилган мажбуриятларнинг гувоҳи бўлди. Кўп ўтмай, бу икки мактаб ўқувчилари ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди, мусобақада томонлар бир-бирларига дўстона муносабатда бўлдилар, тадбир сўнгидаги эса томонлар бошқа мактаб ўқувчилари билан туман миқёсидаги спорт мусобақаларида баҳслалиш учун қўшма команда тузиш таклифларини киритиши.

### **Медиатор нима қилди?**

1. Медиатор юқори синф ўқувчилари тўғрисида қўйи синф ўқувчиларидан маълумот тўплади, чунки улар мактабдаги вазиятни яхши билади ва қандайдир мажбуриятлар билан чекланмагани учун ҳам эмин-эркин маълумот бериши мумкин. Суҳбатлар пайтида янги муаммо, яъни юқори синф ўқувчилари қўйи синф ўқувчиларини мунтазам камситиб, ҳақорат қилиб келгани аниқланди. Бу муаммони, албата, ҳар икки мактаб маъмуриятлари ҳал этиши лозим.
2. Медиатор милиция билан ҳамкорлик қилди. Умуман олганда, медиаторга биринчи бўлиб балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторнинг ўзи мурожаат қилди, чунки уикки мактаб ўқувчилари ўртасидаги муаммо узоқ муддатга бартараф этилишидан манфаатдор эди.
3. У барча томонларнинг учрашувини уюштируди.
4. Муаммо устида мактаб ўқитувчилари ва директорлари билан ҳамкорликда иш олиб борди.
5. Медиатор манфаатдор томонлар учун нуфузли шахсга айланди.

Ҳар қандай медиация жараёнида медиатор қўйидагиларга амал қилиши лозим:

- медиациянинг белгиланган тартиби билан ўтаётган ҳар қандай муҳокама бошқариладиган бўлиши лозим;
- муаммони ҳал этишга йўналтирилган музокараларни ўтказишга имконият берувчи муҳитни яратиш;
- томонларнинг манфаатлари тўғрисида олиш мумкин бўлган барча маълумотларни тўплаш;
- томонларга баҳсли масалаларни, эҳтиёжларни ва манфаатларни аниқлашга ёрдам бериш, шунингдек, баҳсли масалаларни ҳал этиш вариантларини ишлаб чиқиш;
- томонларга вариантларни қисқартириш ҳамда келишувга эриш йўналишида кўмак кўрсатиш;
- келишувга эришилган тақдирда, томонларга рационал қарор қабул қилишда ва келишувнинг амалга оширилишида ёрдам бериш.

### **Медиатор нималарни қилмаслиги керак:**

- у бошқаларнинг ўрнига қарор қабул қилмаслиги ва уларга нима қилиш кераклиги ҳақида кўрсатма бермаслиги лозим;

## 2-СЕССИЯ: МЕДИАЦИЯ ЖАРАЁНИ. МЕДИАЦИЯНИНГ БЕШ БОСҚИЧИ

- бошқа одамлар устидан ҳукумрон бўлишга ҳаракат қиласли;
- бошқа одамларнинг муаммолари учун масъулиятни ўз зиммасига олмасли;
- муваффақиятсиз медиация учун масъул эмас;
- медиатор муваффақият сабабларини ўзининг хизмати сифатида кўрсатиб, мақтанмаслиги керак.

### Медиаторда қандай қийинчиликларга дуч келди?

1. Конфликтнинг сабабчисини топиш қийин эди. Бу муаммони ҳал этишда унга милиционер ёрдам берди.
2. Ўқувчилар конфликтнинг ҳақиқий сабабини яшираётган эди.
3. Ўқувчилар медиация ҳақида ва муаммони медиатор ёрдамида қарама-қарши томон билан музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этиш тўғрисида маълумотга эга эмас эди. Шунинг учун медиатор ўқувчиларни оиласдаги, мактабдаги ва ҳамжамиятдаги конфликтларни ҳал этишга тайёрлаш учун толерантлик ҳамда конфликтларни анализ қилиш асослари каби предметлар ўқув режасига киритилиши зарур, деб ҳисоблади.
4. Учқўрғонда қирғиз ва тожик тилларида гаплашилгани учун ҳам масалалар рус тилида муҳокама қилинганда одамлар ўзларини ноқулай ҳис қилдилар, медиатор бу ерда тил муаммосига дуч келди.

### Қайси омиллар медиация муваффақиятли ўтишига ёрдам берди?

1. Медиатор медиация жараёнини қандай ўтказиш ва бошқариш кераклигини, нималарга рухсат берилгани ва нималардан тийилиш лозимлигини айтиб берди;
2. Конфликтни қандай бартараф этиш қарори ўқувчилар томонидан қабул қилинди, уларни ҳеч ким бу қарорни қабул қилишга мажбурламади ва улар ўз қарорлари бажарилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олди;
3. Барча манфаатдор томонлар-конфликтлашаётганлар, ўқитувчилар ва балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспетор конфликтни узоқ муддатга бартараф этиш лозимлигини эътироф этди. Ташқи томонлар эса бунинг учун ижобий муҳит яратди.

### Иштирокчилар учун тавсиялар:

- Мактаблардаги ва мактаблар ўртасидаги муаммоларнинг дастлабки аломатларига ўз вақтида муносабат билдириш;
- Ота-оналар уйда болаларига кўпроқ эътибор қаратишлари лозим; агар фарзандлари уларга ишонса, ота-оналар мактабдаги воқеалардан ўз вақтида хабардор бўлиб боради ва конфликтларни ўз вақтида ҳал этишга эришади;
- Мактабларда конфликтларни зўравонликларсиз ҳал этиш ва барчага тенг муносабатда бўлиш, айниқса, кичикларни ҳақорат қиласли ва уларга зўравонлик кўрсатмасликка йўналтирилган маърифий ишларни олиб бориш;
- Ўқув дастурини толерантлик, ҳилма-ҳиллик, бошқа халқлар анъаналари ва маданиятини ҳурмат қилишга йўналтирилган дарслар ҳисобига кенгайтириш.

Сессияни муҳокама қилиш якунланганидан сўнг барча иштирокчилардан пост-тест саволларига ёзма равишда жавоб беришларини илтимос қилинг.

**Пост-тест:**

1. Конфликт нима?

2. Конфликтни бартараф этишда ким ёрдам бера олади?

3. Медиатор ким?

4. Медиатор қандай сифатларга эга бўлиши лозим?

5. Нима деб ўйлайсиз, аёллар медиатор бўла оладими?

- Ҳа       Йўқ

6. Нима деб ўйлайсиз, медиация конфликтни бартараф этишнинг яхши воситасими?

- Ҳа       Йўқ

7. Сиз конфликтни қандай ҳал қилган бўлардингиз?



## Қишлоқни үмумий баҳолаш (ҚУБ)

03

ҚУБ обзори ва үмумий принциллари  
Воситалар ва үслублар  
Ижтимоий карта  
Амалий иш  
Восита – ҳамжамиятда семинар

56  
65  
79  
87  
102

**Кириш:**

Мазкур бўлим беш сессиядан иборат, улардан бири амалий иш бўлиб, у синфдан ташқарида ўтказилади. Қишлоқни умумий баҳолаш (қисқартмаси ҚУБ)нинг барча воситаларини ўрганиб олганингиздан сўнг, сиз қўшни қишлоқдаги мактабда уч кунлик баҳолашни ўтказишга тайёр бўласиз. Қўшни қишлоқ мактаби сизнинг мактабингиз билан ҳамкорлик қилиши назарда тутилгани боис, улар сизнинг қишлоғингизда машғулот ўтказади. Шундан сўнг ҳар икки мактабнинг командаси қишлоқда сессиянинг амалий семинарларини ўтказади. Бу жараёнда сиз назарий сессиялар чоғида ўрганган сўровлар ва бошқа воситаларни амалда қўллайсиз.

Бўлимнинг мақсади: семинар иштирокчилари га ҳамжамиятдаги вазиятни комплексли таҳлил қилиш, аҳолининг турли қатламидан маълумот тўплашнинг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда мавжуд вазиятга қандай омиллар таъсир қилаётганини тушуниш, турли манфатлар, тасаввурлар ва эҳтиёжларни аниқлаш кўникмаларини сингдиришдан иборат. Маҳаллий аҳоли иштирокида фойдаланиладиган турли воситалар ва услублар ўргатилади. Ҳамжамиятдаги муаммоларни ҳал қилишда ва муросага эришишда муаммоларни мувозанатлаштирилган равишида тушунишга етишиш.

Қишлоқни умумий баҳолаш (ҚУБ) биринчи марта Ҳиндистон ва Кенияда 1980 йилларда қўлланилган бўлиб, бугунги кунда ундан Европа ва Шимолий Америкада қўшма режалаштириш воситаси сифатида янада кўпроқ фойдаланилмоқда. Бу қишлоқ шароитида тезкор маълумот йиғиш, маълумотни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун ишлаб чиқилган кўплаб услублардан биридир. Мазкур услуб маҳаллий аҳоли билан тифиз ҳамкорликда ишлашга асосланади. Унинг барча воситалари маҳаллий аҳоли иштирокида қўлланилади ва маҳаллий шароитларга мослаштирилган бўлади. ҚУБнинг асосий принципи карта тузишда, диаграммаларни қуришда ва приоритетларни аниқлашда маҳаллий ҳамжамиятга тушунарли бўлган рамзлардан фойдаланган ҳолда муаммоларни визуал тасвиirlар ёрдамида таҳлил қилишдан иборатdir.

Баҳолашнинг маълумотни тўплаш ва ҳужжатлаштиришга асосланган аввалги методологијаларга нисбатан солиширилганда, ҚУБда маълумот манбаси воқеалар марказида бўлади, маълумот реалликни ҳис қилиш, дуч келинадиган эҳтиёж ва тўскинликларни эътироф этиш орқали олинади. Демак, ҚУБ маҳаллий аҳолига ўз нуқтаи назарини ҳамжамиятнинг бошқа аъзолари тасаввури ва фикрига солишириган ҳолда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини таҳлил қилишда фаол иштирок этиш имкониятини беради.

Аслида ҚУБ ёрдамга муҳтоj оиласаларни ва бу оиласалар дуч келаётган қийинчиликларни аниқлаш орқали қашшоқликка қарши кураш воситаси сифатида ишлаб чиқилган эди. Бироқ баҳолашнинг ушбу услуби ҳамжамиятда мавжуд бўлган кенгроқ даражадаги муаммоларни акс эттиришда ҳамда аҳоли бу муаммоларни биргаликда қай тарзда ҳал эта олишини аниқлашда ҳам қулагай экани билиниб қолди.

Мазкур қўлланма доирасида ҚУБни ўқитиш ва амалда қўллашни ўргатишдан мақсад ҳам мана шундан иборат. Саволлар, қийинчиликлар ва муаммолар рўйхати асосида асосан маҳаллий даражада амалга ошириш мумкин бўлган ҳаракатлар ва қарорлар рўйхати тузилади. Аввал кўриб чиқилмаган бу ҳаракатлар ва қарорлар ҳамжамиятнинг барча аъзолари уйғунлиқда ҳамкорлик қилган тақдирда ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Одамлар қанчалик кўп биргаликда ҳаракат қилса, уларнинг энг қийин муаммоларни бартараф эта олишга ишончи шунчалик мустаҳкамланади.

**Бўлим режаси:**

1-сессия. Обзор ва умумий принциплар; ҚУБга тайёргарлик: кундалик баҳолаш ва ташкилий йиғилишлар.

2-сессия. Воситалар ва услублар: ресурс картаси, ресурс карточкалари, Венн диаграммаси.

3-сессия. Ижтимоий карта; кирим ва чиқмилар матрицаси; фаровонлик даражасидан келиб чиқиб, гуруҳларни аниқлаш; кун тартиби. Ҳар икки матрица диққат билан ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт.

4-сессия. Амалий машғулот: иккита груп, ҳар бир фокус- гуруҳда муҳокама ва полуструктурални интервьюлар ўтказилади.

5-сессия. Восита – ҳамжамиятда семинар, семинардан сўнг груп тўплаган тажриба намойиш этилади.

**“Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” Сүқулуқдаги 2-сонли мактабда қадмба қадам тадбирлар режасини амалиётда бажариш пайтида**

**Нурадил қызы Айзада, тенгдош устоз, 11-синф**



Мен, Нурадил қызы Айзада “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” лойиҳасининг иштирокчиларидан бириман. Мазкур ажойиб лойиҳадаги иштироким натижасида кўп янги, фойдали ва қизиқарли нарсаларни ўрганибина қолмай, жуда мұхим бўлган “Аёлларга нисбатан зўравонлик” мавзуси билан шуғулланишга илҳомландим.

2014 йилнинг 10 октябрида оиласий зўравонликка учраган аёллар билан суҳбатлашиш учун Сүқулуқ шаҳар касалхонасининг трамватология бўлимига бордим. Жабрдийдалардан бири менга милицияга мурожаат қилгани, бироқ милиция унга шунча жароҳатлар етказган одамга таъсир кўрсатиш, уни келажақда зўравонликлардан сақлаб қолиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаганини айтиб берди. Бошқа бир аёл руҳий ва жисмоний зўравонлик ҳақида шунга ўхшаган воқеани айтиб берди. Мен бу драмалардан четда қола олмас эдим, чунки “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” лойиҳасида бизни бу каби муаммоларга нисбатан бефарқ бўлмасликка ва фаол ҳаракат қилишга ўргатишади. Мен ООН-женщины тузилмаси вакили Амина опага эрлари томонидан зўравонликка учраган аёллар муаммоси

билан шуғулланувчи кризис марказлари ҳақида маълумот беришни илтимос қилиб, мурожаат этдим. “Шанс” кризис маркази манзилларини олганимдан сўнг, мен улар билан телефон орқали суҳбатлашиб, жабрдийда аёллар ҳақида гапириб бердим ҳамда уларга психологлар ва адвокатларнинг бепул ёрдам бериши ҳақида келишдим.

Ўзим ўқийдиган мактабда ҳам анкеталаштириш ўтказдим. Мактабимиздаги айрим ўқувчиларининг оиласарида ҳам аёлларга нисбатан мана шундай зўравонлик ҳолатлари бор экани аниқланди. Шу муносабат билан мен мактабимизда шаклланиб улгурган командамиз билан ҳамкорликда мактаб психологи ёрдамида бу мавзуга оид бир қатор тадбирларни ўтказишга қарор қилдик.

Мен бундай воқеага гувоҳ бўлган барча одамларни бефарқ бўлмасликка чақираман. Мамлакатимизда оиласий зўравонликлардан жабрланган одамларга кўмак кўрсатувчи кўплаб кризис марказлари, ташкилотлар ва муассасалар мавжуд. Келажак авлод оила энг асосий нарса эканини тушунишини истар эдим. Ҳар бир одам оиласидаги конфликтли вазиятларни зўравонникларсиз ва камситишларсиз ҳал этсин. Ҳамма баҳтли бўлсин! Ахир Л.Толстой “Уйида баҳтли бўлган одамгина баҳтлидир”, деб бежиз ёзмаган.

01

## ОБЗОР ВА УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАР; ҚУБГА ТАЙЁРГАРЛИК: КУНДАЛИК БАҲОЛАШ ВА ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШЛАР

### Кириш:

Қишлоқни умумий баҳолаш (ҚУБ) услуги Қирғизистонда уни ўйлаб топган Бирлашган Қирғолликдаги Сассекса университети профессор Роберт Чэмберс томонидан жорий этилди. 1996 йилда профессор Чэмберс Қирғизистонга БМТ Волонтёрлари лойиҳаси доирасида ҚУБ асосида Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистонда қашшоқликка қарши курашиб учун бўлажак тренерлар гурӯхини тайёрлаш мақсадида Ўшда ўтказилган уч ҳафталик тадбирга таклиф қилинганди. Профессор Чэмберс бу таклифдан жуда манфаатдор эканини айтиб, айни пайтда ҚУБ услуги сўнгги йилларда ҳамжамият томонидан биргаликда ҳеч қандай мустақил ҳаракатлар қилинмаган постсовет маконида амалга ошиши мумкинлигига шубҳа билдирганди.

ҚУБ командасининг роли муайян муаммо учун ечим топишдан иборат эмас, аксинча, ҳамжамиятга муаммони, уларда мавжуд ресурсларни (одам, табиий ва молиявий) ҳамда аҳолининг нисбатан муҳтоҷ қатламини мустақил равишда аниқлашга кўмак беришдан иборат. Шундан сўнггина ҳамжамиятга муаммони ўзларининг кучлари билан ҳал эта оладиган усуулларини мустақил равишда топишга ёрдам бериш зарур. Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, ҚУБ командаси ва маҳаллий аҳоли доимий ҳамкорликда бўлади, ҚУБ командаси томонидан тўплланган барча маълумотлар эса ҳамжамият аъзоларига тушунарли шаклда тақдим этилади. ҚУБ командаси вазифаларни бажаришга ёрдамлашади, фаолият натижаларини тасвир ва рамзларда намойиш этади, шунингдек, презентацияларни тайёрлашга кўмаклашади ёки команданинг ўзи ҳамжамият олдида презентациялар билан чиқиш қиласида, умумий йиғилишлар пайтида эса олиб борувчи ролини бажаради.

Семинарлар, амалий машғулотлар ва шундан сўнг ҚУБ методологиясининг қўлланилиши катта муваффақиятга эга бўлди, ҚУБ “мафкураси”ни универсал қўллаш имкониятларини кўрсатди, бу “мафкура”нинг моҳияти эса факт маҳаллий аҳолигина ўз тараққиёт йўналишини бошқара олишини, маҳаллий аҳоли жалб этилмаган ташабbusлар орқали тараққиётга эришиш ҳар доим ҳам мумкин эмаслигини кўрсатишдан иборатдир. Сўнгги икки ўн йиллик эса бизнинг қўлланмамизга асос бўлган мазкур концепцияни тасдиқлади: маҳаллий аҳоли қандайдир ҳаракатларни бошлиши ортидан ижобий ўзгаришлар бўлишини кутиш мумкин, лекин уларнинг ҳаракатсизлиги яхши ўзгаришларга сабаб бўлмайди.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, ҚУБ вақт талаб қиласиган жараёндир ва уни тезлик билан амалга ошириб бўлмайди. Одатда, ҚУБнинг тайёргарликдан ўтган, гендер жиҳатидан мувофиқлаштирилган, турли билим ва кўникмаларга эга командасига режалаштириш, тадбирларни ўтказиш, ҳужжатлаштириш ҳамда ҳамжамиятга баҳолаш натижаларини тақдим этиш учун бир ҳафта керак бўлади. Фаолиятимиз талабларидан келиб чиқиб, биз тўртта сессияни синфларда ўтказамиз, битта амалий машғулот эса синфдан ташқарида бўлиб ўтади. Шундан сўнг биз ҳамжамиятда тўлақонли ҚУБ ўтказишга тайёр бўламиз. Бу иш мактаб вазифаси ёки таътил кунларида бажарилиши шарт бўлган машғулот сифатида амалга оширилиши мумкин. Тайёргарлик кўриш учун кетадиган вақтдан ташқари бизга яна ҳамжамиятда ишлаш учун камида тўлиқ уч кун керак бўлади.

## 1-СЕССИЯ: ОБЗОР ВА УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАР; ҚҰБГА ТАЙЁРГАРЛИК: КУНДАЛИК БАҲОЛАШ ВА ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШЛАР

Сиз тұлақонли ҚҰБ үтказиши мазкур ҳамжамиятдаги конфликткларни таҳлил қилиш билан бирга олиб боришингиз мүмкін. Аввалроқ мазкур құлланма орқали сиз мактабингизда конфликтлар таҳлилини қандай үтказиши түғрисида маълумотта эга бўлган ёдингиз. Сиз ҳамжамиятдаги конфликтлар таҳлилини воситаларини ҚҰБ воситаларига қўшимча равишда қўллашингиз мүмкін. Лекин биринчи ҚҰБ тажрибасини конфликт таҳлилини билан аралаштирумай үтказиши мақбул бўлар эди. Ёдингизда бўлсинки, сиз жуда кўп янги вазифаларни бажаришингизга тўғри келади ва яхши тайёргарликка эга бўлгачгина уларни эҳтиёткорлик билан қўлланг.

Агар сиз ҚҰБ кўникмаларини амалда қўллашни билсангиз, бу кўникмалар фақат сизнинг қишлоғингиздагина эмас, балки бошқа ҳудудларда ҳам фойдали бўлади. Чунки ҚҰБ кўникмалари Қирғизистонда тараққиёт йўналишида ишловчи кўплаб ташкилотлар томонидан юкори баҳоланади. Мазкур қўлланма орқали сиз оладиган мана шу ва бошқа кўникмалар тараққиёт йўналишида ишловчи ташкилотларга ишга кириш имкониятингизни анча оширади.

Ушбу қўлланмадан кўзланган мақсадларга эришиш учун ҳамжамият ва оиласда бу воситаларни амалда қўллашдан олдин бир қатор воситаларни синфда синаб кўриш, фокус -группада муҳокама ва полуструктурив интервью үтказиши бўйича машғулотларда қатнашиш керак бўлади. Синфда үтказиладиган сўнгги сессияда сиз тўпланган маълумотларни ва ҳамжамиятда үтказилган полуструктурив интервьюларни фокус-группадаги муҳокамаларга қандай тарзда тақдим этиш ва лозимлигини билиб оласиз.

**Сессия мақсади:** фасилитация үтказиши учун қишлоқни умумий баҳолаш (ҚҰБ) тушунчаси, ҚҰБ принциплари ва роллари, ҚҰБ воситалари билан таништириш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Номи	Метод	Вақт, мин.	Керакли материаллар
1	ҚҰБ тушунча ва принциплари	лекция	60	
2	ҚҰБ: кундалик баҳолаш ва ташкилий йиғилишлар	лекция	60	Флипчарт, маркер

### 1. Қишлоқни умумий баҳолаш (ҚҰБ)

Қишлоқни умумий баҳолаш (ҚҰБ) – бу аҳолининг турли гурӯҳлари кўмагида эҳтиёжларни аниқлаш ва уларни маҳаллий даражада ҳал этишдир.

**ҚҰБ принциплари:**

- **Шахсий тасаввурларингизни аниқлаб олиш учун** мазкур модул яқунланганидан сўнг ҚҰБ үтказиши кўникмангизни ўзингиз яшамайдиган ҳамжамиятда қўллаб кўришингиз энг мақбул йўл ҳисобланади. Бунинг учун қўшни қишлоқни танлашингиз, бу ерда бетараф ва манфаатдор бўлмаган шахс сифатида баҳолашни үтказишингиз мүмкін. ҚҰБни бошқа қишлоқда үтказиши бўйича амалий кўникмага эга бўлганингиздан сўнг, баҳолашни ўз қишлоғингизда ҳам үтказа оласиз, бироқ одамлар сизни муайян манфаатлар, муайян оила, клан ва этник гурӯҳга мансуб одам сифатида тасаввур қилишда давом этаверади. Шу муносабат билан сизга самимий жавобларни олиш қийин кечади. Агар қишлоғингиз атрофида «Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим» лойиҳасида иштирок этаётган мактаб бўлса, у ҳолда тенгдошларингиз ёки ҳамкасларингиз билан мазкур қўлланма асосида ҚҰБни бир-бирларингизнинг қишлоқларингизда үтказиши келишиб олишингиз мүмкін.
- **Хушмуомалалик:** тартибга биноан, сиз ҚҰБни нотаниш жойда үтказасиз ва қишлоқ учун бегона одамсиз. Потенциал информантларни ҳамкорликка жалб қилиш учун сиз маҳаллий аҳоли орасида ҚҰБ үтказилишига қизиқиш уйғота олишингиз, ўта хушмуомала, сабрли ва камтар бўлишингиз керак.

- **Тренер шогирдга айланади, таълимга очиқлик:** ҚУБ командаси ҳамжамиятга методология ҳақидаги билимларни тақдим этади ҳамда ҳамжамиятга ўз муаммоларини ва уларни ҳал этиш йўлларини аниқлашга кўмак кўрсатади, бу орқали уларни ҳамкорлиқда ҳаракат қилишга ундейди. Команда аъзолари маҳаллий аҳолидан кўп нарсаларни: уларнинг қадрияtlари, мазкур макондаги муваффақият ва мағлубиятларни баҳолаш учун фойдаланиладиган мезонлар, категориялар ва индикторларни, шунингдек, маҳаллий ҳаётнинг бошқа аспектларини билиб олади. ҚУБ командаси аъзолари янги нарсаларни ўрганишга очиқ бўлиши, маҳаллий анъаналарга ва урф-одатларга ҳурмат билан ёндашиши, ишда муваффақиятга эришиш учун ўз стереотипларини эсдан чиқариши ва фикрини ўзгартириши лозим. Команда аъзолари, албатта, ўз-ўзидан доимо ижобий кайфиятида, қизиқувчан ва камтар бўлиши керак. Фақт шундагина қишлоқликларнинг ишончига сазовор бўлиш мумкин.
- **Ўз тасаввурларидан воз кечиб, аниқ манзарага эга бўлиш:** вазият ҳақида ҳолис тасаввурга эга бўлиш учун биз турли методлар ва воситаларни қўллаймиз, турли ахборот манбаларидан, турли ижтимоий қатламдаги этник келиб чиқиши, жинси, ёши, маълумоти ва касби турлича бўлган информантлардан фойдаланамиз.
- **Гендер ва этник мансубликка нисбатан сезирлик:** биз турлича фикрларга эга бўлиш мақсадида аҳолининг турли гуруҳларидан маълумот излаймиз.Faқат мана шу ҳолатдагина биз муаммони ҳал этилишида аҳолининг барча гуруҳлари манфаатлари эътиборга олинганини кафолатлай оламиз. Масалан: агар биз эрлар гуруҳи ёки эрлар ва аёллар гуруҳидан уларнинг қишлоғига биринчи навбатда нима керак эканини сўрайдиган бўлсак, улар “асфальтланган йўл”, деб жавоб беришлари мумкин. Агар бу савол фақат аёллардан иборат гуруҳга берилса, улардан “болалар боғчаси қуриш”, деган жавоб олиниши мумкин. Мисол тариқасида юқорида келтирилган савол ҳам, жавоблар ҳам ҚУБ принципига зид келади, негаки бу муаммони ҳал қилиш учун учинчи томон (донор ёки ҳукумат) иштироки зарур бўлади, бу эса нореал ва қишлоқ аҳолиси имкониятидан ташқари доирадаги масаладир. Агар биз ҚУБ таҳлилини диққат билан ўтказадиган бўлсак ҳамда оддий истаклар эмас, балки реал эҳтиёжларга асосланган манфаатларга эътибор қаратадиган бўлсак, у ҳолда анча реал бўлган ечимларни топишимиш мумкин. Масалан, ўз маҳсулотини бозорга чиқармоқчи бўлган фермерлар ўз ер улушларига элтувчи йўлнинг бир қисми яхшиланиши зарур, деб ҳисоблайди, негаки баҳорда лойгарчилик туфайли бу ерларга етиб олиш осон бўлмайди. Албатта, бу вазиятдан чиқишининг йўли бор. Аввало, бундан ким фойда қўришини аниқлаш керак. Балки, бу иш ўzlари учун фойдали бўлишини билган одамлар йўлнинг бир қисмини таъмирлаш учун ҳашар уюштириши мумкин. Ҳамкишлоқлар йўлни тоз ва шағал билан текислаши, йўл таъмири ташаббускори бўлган фермерлар эса уларга тушлик уюштириб бериши мумкин. Агар аёллар боллар боғчаси очилиши шарт, деб ҳисобласалар, улар қўйидаги ишларни амалга оширишлари мумкин: фарзанди болалар боғчасида бўлган пайтда купроқ ишлаш имкониятига эга бўлишини ҳисобга олган ҳолда қанча фойда қўриши мумкинлигини ҳисоблаш ва бу маблағнинг бир қисмини муайян бир ҳақ учун болаларни ўз уйида қараб туришга рози бўладиган аёл учун ажратиш. Шундай қилиб, болалар боғчаси қурилишини самарасиз кутишдан кўра, вақтинча бўлса ҳам бу муаммони ҳал қилиш.
- **Фаол иштирок, ўзаро ҳамкорлик ва қайишқоқликка асосланган жараён:** маҳаллий информантларни тинглаш гапиришдан кўра муҳимроқдир: ёрдам бериш насиҳат қилишдан кўра кўпроқ қадрланади. Услубларни маҳаллий шароитларга мослаштириш, исталган вақтда ва исталган ерда барчанинг фикрни эшитиш борасида қайишқоқлик кўрсатиш мажбурий шартдир. Янгиликларга мослашмаган ва муайян доирадан ташқарида фикр юрита олмайдиганлар ҚУБни муваффақиятли амалга ошира олмайди.
- **Диққат билан ўрганиш:** информант ҳар доим у ёки бу маълумот нима мақсадда сўралаётганини билиши шарт; кичик, бироқ ўринли ва ишончли маълумот кенг кўламли, аммо баҳолашга алоқадор бўлмаган ёки ишончсиз маълумотга қараганда анча қадрлидир. Шунинг учун ҚУБни ўтказишда биз нимага интилишимиз кераклигини пухта режалаштиришимиз зарур, негаки айни мана шу нарса бизга қандай информантлар кераклигини белгилаб беради. Биз олган маълумотимизни тўлиқлаш учун информантларга қайта м

## 1-СЕССИЯ: ОБЗОР ВА УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАР; ҚҰБГА ТАЙЁРГАРЛИК: КҮНДАЛИК БАҲОЛАШ ВА ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШЛАР

рожаат этмаслигимиз ёки чала маълумот олиб қолмаслигимиз учун нимани сўрашимиз кераклигини ҳам диққат билан режалаштиришимиз шарт бўлади.

- Қарор қабул қилиш ва режалаштиришда абсолют ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган аниқ рақамлар (улар нотўғри бўлиши ҳам мумкин)дан кўра кўпроқ нисбий пропорцијалар, тенденциялар, баллар ва нуфузларни аниқлашдан фойдаланиш мақбулроқдир. Масалан: фаровонлик даражасини баҳолашни ўтказаётганимизда, фаровонлик пирамидаси чўққисида бўлган одамларнинг нақадар бой экани муҳим эмас. Мақсад адресли ижтимоий ёрдам ўюнтириш бўлган тақдирда эса, факт бўйича топадиган пул даромадларидан қатъий назар, энг муҳтоҷ 20 фоиз кимлардан иборат эканини билиш энг муҳим нарсадир, чунки амалда уларнинг даромадлари қанча эканини аниқлаш қийин масала.

### **ҚҰБ командасидаги учта роль:**

- Команда лидери/ташкилотчи (ҚҰБ командасидаги бир одам).
- Фасилитаторлар (ҚҰБ командасидаги икки-беш одам).
- Ёзувни олиб борувчилар (ҚҰБ командасидаги икки-беш одам)

**Команда лидери - роль, мажбуриятлари ва ўзига ҳосликлари** (эътиборга олинг, лидернинг бирор бир вазифаси ёрдамчилар зиммасига юкланиши мумкин эмас, улар ўз мажбуриятларини шахсан бажаришлари шарт):

- ҚҰБ ўтказиладиган ҳамжамият розилиги ва қўллаб-қувватлови олинганидан сўнг ҚҰБни ўтказиш жараёнини ўюнтиради;
- ҚҰБ командаси учун зарур бўлган барча ташкилий ишларни таъминлайди;
- команданинг барча аъзолари томонидан хушмуомалаликни ва самимий муносабатни таъминлаган ҳолда ҚҰБни ўтказиш учун масъул; барча масалалар юзасидан, жумладан, ташкилий масалалар ва шикоятлар билан мурожаат қилинадиган одам;
- команда аъзоларининг ички масалалардаги фаолияти ва команда аъзолари иши баҳоланувчи кундалик кечки йиғилишларда бошловчилик қиласди;
- команда аъзоларини ҳамжамиятга танишитиради;
- команданинг барча аъзолари ва иш учун керакли нарсалар ўз вақтида жойида бўлишини таъминлайди, шунингдек, подгруппаларга муаммолар ва саволлар туғилган пайтда ёрдамлашади;
- гуруҳга ҳамжамиятга презентация тақдим этиаётган пайтда кўмаклашади;
- ҳар бир команда якуний хulosаларни чиқаришда ва ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида кўмаклашади;
- барча тадбирларни кузатади ва зарурат туғилганда исталган тузатишларни киритади;
- ҳамжамият аъзоларига тўлиқ ҳисобот беради.

### **Ўзига ҳос жиҳатлар:**

- тартиб-интизомли,
- хушмуомалали, муаммоларни ҳал этиш маҳорати, қалтис вазиятларда ўзини тута олиш;
- юмор түйғуси;
- “саҳна ортида” ишлайди ва ортиқча эътиборга муҳтоҷ эмас;
- Эшитади, кузатади ва маслаҳат беради.

### **Фасилитатор - роль, мажбурият ва ўзига ҳослик:**

ҚҰБ фасилитатори – бу фокус-группа ўтказилишини, карта, диаграмма тузилишини ёки ҚҰБнинг исталган бошқа бир услуби ва воситалари қўлланишини фасилитация қилувчи одам. Фасилитаторлар бир нечта бўлиши мумкин ва улар ҚҰБ воситаларидан бирини амалда қўллайди. Бизнинг амалий машғулотимиз мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, лидердан ташқари команданинг ҳар бир аъзоси биттадан услугуб ёки воситани қўллаши ҳамда бошқалар олинган кўнижмаларни қандай қўллаётганини кузатиши, шундан сўнг ўз кузатувлари билан ўроқлашиши назарда тутилган.

- гуруҳга мақсад ва ҚҰБ воситасини қўллашни амалга ошириш йўлини тушунтиради;
- гуруҳга воситани қўллаш жараёнида кўмак кўрсатади;
- воситанинг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жараённи ва муҳокамаларни йўналтиради;

- босим күрсатмай ва ҳимоя қилмай гурухнинг барча аъзоларининг тенг иштирокини таъминлайди, ҳар бир одамга ўз нұқтаи назарини эркин ирод қилиш эркинлигини кафолатлайди ва бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан муносабатда бўлинишини талаб қиласди;
- мавзудан четланишига йўл қўймаган ҳолда гуруҳ эътиборини муҳокама предметига қаратади, айни пайтда қайишқоқлик кўрсатиб, муҳокама жараёнида олинган муҳим маълумот устида ишлайди ва маълумот тўплайди;
- айтилганларнинг тўғри эканига ишонч ҳосил қилиш мақсадида информантларнинг фикрларини ўз сўзлари билан такрорлади;
- вақтни самарали бўлишидиради;
- муҳим маълумотни йиғишиш пайтида ёзувни олиб бораётганларни (қўйига қаранг) қўллаб – қувватлайди ва гурухнинг иши якунланиши билан уларга ҳужжатларни тўлдиришига кўмаклашади;
- команда лидерига ҳисобот беради.

**Ўзига хосликлари:**

- сабрли, юмор тўйғуси бор, қайишқоқ;
- нима қилиш кераклигини ва нега қилиш кераклигини тушунади, иштирокчилар билан маҳаллий аҳоли тилида содда ва тушунарли гапира олади (қирғиз тилида сўзлашадиган қишлоқда фасилитатор рус тилида эмас, қирғиз тилида гапириши шарт!);
- иштирокчиларни маълумотни ошкор этишга ундейди ва иштирокни рағбатлантиради;
- иштирокчилардан бир-бирларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни илтимос қиласди;
- гуруҳ мавзудан четламаган ҳолатда муҳокамани давом эттиришига имконият беради;
- иштирокчиларни эшитади ва уларни ўргатиш ўрнига кўпроқ улардан ўрганади;
- жараёнга бошида тортиночкоқлиги ёки фаол эмаслиги туфайли коллективга қўшила олмаган одамларни жалб қиласди;
- зарурат туғилганда презентацияларни/плакатларни/материалларни тайёрлайди.

**Ёзувни олиб борувчилар – роль, мажбурият ва ўзига хослик:**

Ёзib оловчи умумий фаолиятни ва ҚУБни ўтказиш пайтида олинган ҳар қандай муҳим ёки эътиборга молик маълумотни ҳужжатлаштиради. Ёзib оловчи блокнотга ерда ишлаб чиқилган картани акс эттиради ёки, энг яхшиси, картани суратга олади ва муҳим маълумотни ёзади. Ёзib оловчилар бир нечта бўлиши мумкин ва уларнинг ҳар бири ҚУБ воситаларидан бирини қўллаган ҳолда фасилитатор фаолиятини тўлиқлади. Амалий машғулот мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, команданинг лидердан ташқари ҳар бир аъзоси, воиста ёки услублардан бирини қўллаш жараёнида камида бир марта ёзib оловчи вазифасини бажаради ҳамда кейинроқ ўз кузатишлари билан ўртоқлашиш учун бошқалар олинган кўникмалардан қандай фойдаланаётганини кузатади.

- ҚУБ услубларидан бирини қўллаш пайтида ерга чизилган тасвир нусхасини кўчириб олиш учун керакли материалларни ўзи билан олиб юради (турли рангдаги ручкалар ва А4 форматидаги тоза қоғозлар);
- баҳолаш жараёни ўтказилишини четдан туриб кузатади ва ҳужжатлаштиради;
- барча маълумотларни ҳужжатлаштиради, тўпланган маълумотни муайян восита/услуб танлаб олиниши учун рўйхат асосида текширади;
- иштирокчилардан қай бири муайян шарҳларни қилганини қайд этиб боради; алоҳида назарга тушган иштирокчилар, айниқса, жуда кўп гапирган, бошқаларнинг фикрини инобатга олмаган ва таъсир кўрсатишга ҳаракат қилган иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни ёзив боради; бу одамнинг таъсири салбий ёки салбий эмаслигини ва кимга таъсир кўрсатаётганини кузатиб боради. Фикр билдирганларнинг жинси ва тахминий ёшини қайд этиб боради;
- фасилитаторни ахборот алмашишга ёки бошқа масалаларни муҳокама қилишга ҳалақит қилаётган одамлар ҳақида аввалдан келишиб олинган имо-ишоралар билан огоҳлантиради;
- вазият аралашувни талаб қилса, саволлар бериш орқали фасилитаторни қўллаб-қувватлаш (мавзудан четлашилган пайтда; бошқалардан устунлик қилишни истаган

## 1-СЕССИЯ: ОБЗОР ВА УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАР; ҚҰБГА ТАЙЁРГАРЛИК: КҮНДАЛИК БАҲОЛАШ ВА ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШЛАР

иштирокчи пайдо бўлган пайтда); жалб қилинмаган иштирокчилар; регламентни назорат қилиш;

- иштирокчиларни карталар, диаграммалар ва шу кабиларнинг нусхасини яратишга ундейди, бу ёзувлар маҳаллий аҳолига тегиши бўлиши ва гурӯҳ фаолиятини тўлиқ намойиш этиши керак; ижронинг аниқлигини текширади; зарурат туғилса бажарилган ишга тузатишлар киритишни таклиф қиласи; схема ва лойиҳаларни тўплайди;
- фасилитатор билан ишлайди, ёзувларни муҳокама қиласи ва ниҳоясига етказади, гурӯҳнинг иши якунланиши билан ҳужжатлаштириш ишларини бажаради.

### Ўзига хосликлар:

- муҳокаманинг асосий жиҳатларини илғаб олиб, қисқа ва аниқ ҳужжатлаштира олиш салоҳиятига эга бўлган яхши кузатувчи, айтилган ҳамма гапларни эмас, уларнинг мағзини, турлича нуқтаи назарларни, муайян шарҳловчининг манфаатларини билиш учун ғоя ким томонидан илгари сурилганини қайд этиб боради. Ёзиб борилаётган маълумотнинг обьектив ва холис эканини кафолатлади;
- маълумотнинг ёзуви уни командага тақдим этишда ва кейинчалик ҳамжамиятга ҳисобот беришда;
- маҳаллий тилни билиши шарт;
- таҳлил қила олиш қобилияти, тиришқоқлик ва натижаларни визуаллаштириш учун презентацияла ўтказа олиш кўникмаси.

Биз ҳамжамиятдаги тўсқинликлар ва ечимларни топиш мақсадида ҚУБнинг барча воситаларини ўрганамиз, бироқ ҳамжамиятда ҚУБни ўтказиш учун ҳар бири икки ёки саккиз кишидан иборат икки командага бўлинамиз. Ҳар бир баҳолаш учун командаларга бир нафардан лидер сайланади:

ҚУБ командалари (2-8 киши): кундалик баҳолаш ва ташкилий йиғилишлар.

### А командаси (иккидан саккиз нафаргача одам)

восита 1A: гендер ўзгачаликлари эътиборга олинган ресурс картаси;

восита 1B: ресурс карточкалари;

восита 2: институтлар учун Венн диаграммаси;

восита 6: фокус-гурӯҳда муҳокама.

### Б командаси (иккидан саккиз нафаргача одам)

восита 5: гендер ўзгачалиги ҳисобга олинган ижтимоий карта;

восита 6: кирим ва чиқмлар матрицаси;

восита 6: фаровонлик даражасини баҳолаш;

восита 7: гендер роллари контекстидаги кун тартиби;

восита 8: полуструктурални интервью.

ҚУБнинг барча командаси (уч нафардан тўққиз нафаргача одам): ҳамжамиятда семинар ўтказиш: ҳамжамиятга ҳисобот бериш.

### 2. Қишлоқни умумий баҳолашга тайёргарлик. Кундалик баҳолаш ва ташкилий йиғилишлар

**Эслатма:** юқорида айтилгани каби, ҳамжамиятда ҚУБни ўтказиш учун бир неча кун керак бўлади. Пухта режалаштирилган ҚУБни мактаб вазифаси сифатида ўқув жараёнида ёки таътил пайтида бир ҳафта мобайнида амалга ошириш тавсия этилишига қарамай, сиз тақдим этилаётган воситаларни биттадан кўпроқ муддатга қўлланишингиз мумкин.

Агар кундалик баҳолаш ва ташкилий йиғилиш кечки пайт ўтказилаётган ҳамда бир кунда сиз баҳолашнинг фақат битта воситасини қўллаётган бўлсангиз, баҳолаш бўйича йиғилишни воситани қўллаш якунланиши биланоқ, бошқа воситани қўллашга ўтишдан олдин ўтказганингиз мақбулроқ бўлади.

Негаки, мазкур қўлланмада тавсиф этилган воситалар ҚУБнинг энг асосий ва муҳим воситалари ҳисобланади ҳамда уларнинг барчасини қўллаш зарур. Уларни тўла қўлланмай

туриб, сиз ҚҰБни ўтказа олмайсиз ҳамда тұлық ва фойдали маълумотларни ололмайсиз. Шунинг учун барча ҚҰБни ўтказиш учун бундай масъулиятни зиммасига олиш ва вақт ажратиш масаласини ўйланиб құриши лозим.

Сиз олаётган таҳлил күнікмаси, мазкур воситаларни құллашни ўрганиш сиз учун дастлаб мактабда, кейинчалик эса иш фаолиятингизда зарур бўладиган ҳаётий күнікмага айланади.

### **Тавсиф:**

Хар куни кечқурун ҚҰБ командаһаси бир кунда қилинган ишларни мұхокама қилиш учун ийғилади. Мұхокама жараёнида улар эришилган натижаларни тақдим этади, уларни баҳолайди, кейинги кунда амалга ошириладиган ишларга ёки құлланиладиган воситаларга тайёргарлик кўради.

### **Мақсадлар:**

- Күн давомида бажарилган ишлар натижасини тақдим этиш.
- Натижаларни ҳамжамиятта қайд этилган ички үстүнликлар ва камчиликлар, шунингдек, ҳамжамият учун ташқи таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, асосий саволлардан келиб чиқиб умумлаштириш ва структуралаштириш.
- Турли груптардан олинган натижаларни қиёслаш ҳамда ularнинг мувофиқлиги ва ўзгачаликларини аниқлаш.
- ҚҰБ командаһасига янги асосий саволларни ва кейинги күн режасини ишлаб чиқиш имкониятини бериш.

### **Фасилитацияни қандай ўтказиш керак:**

Баҳолаш ва ташкилий йиғилишни ўтказишдан олдин:

1. ҚҰБ командаһаси лидери катта қоғозға (энг яхшиси A1 форматида, бу формат A4 форматидаги 8 та бир –бирига ёпиштирлган қоғоз шаклиға тенг) матрица тайёрлайди ва уни “Гурӯҳ тури”, “Воситалар”, “Команда”, “Асосий саволлар” бўлимларига бўлиширади. ҚҰБ командаһаси лидери команда йиғилишини олиб боради.
2. Гурӯҳ фасилитациясини ўтказған ҳар бир команда (фасилитатор ва ёзиб оловучи) бир кунлик фаолият ортидан эришилган натижаларни қисқача қайд этади. Бу маълумот “Асосий хуносалар” бўлимига ёзилади, унда асосий саволларга жавоблар акс этиши лозим.
3. Асосий саволларга оид қолган барча маълумотлар **SWOT – таҳлил** асосида структуралаштирилади:

SWOT-таҳлил ички үстүнликлар, ташқи имкониятлар, таҳдидлар ва камчиликларнинг баланслашган манзарасини құришга шароит яратади. Юқорида айтилган жиҳатлар ҳамжамиятни құйидагиларни мұхокама қилишга үндайди:

- Ҳамжамият ўз **устүнликларини қандай мустаҳкамлаши мумкин?**  
(масалан: ҳамжамиятдаги барча одамларнинг ҳамкорликда ишлашга тайёрлиги);
- Ҳамжамият қандай қилиб **ўз ички камчиликларидан ҳолос бўлиши мумкин?**  
(масалан: ҳамжамиятда ҳеч ким одамларни ҳамкорликда ҳаракат қилиш учун уюштирмайди).
- Қандай қилиб **ташқи имкониятлардан фойдаланиш мумкин**  
(масалан: ҳамжамият қандай қилиб республика бюджети грантларини олиши мумкин)?
- Қандай қилиб **таҳдиidlарни четлаш мумкин?**  
(масалан: агар ҳамжамият канални тозаламаса, у чиқиндига тўлиб кетиши ва емирилиши мумкин, бу ҳолатда қуида жойлашган қишлоқлар билан конфликтлар келиб чиқиши эҳтимоли бор).

**Ҳамжамиятнинг ички үстүнликлари** құйидагилар бўлиши мумкин: мұайян вазият ёки масалада ижобий характеристика ва үстүнликлар; жой-жойларда мавжуд бўлган потенциал, қобилиятлар, ресурслар, тажриба, билим ва бу билан боғлиқ муваффақиятлар.

**Ҳамжамиятнинг ички камчиликлари** қўйидагилар бўлиши мумкин: муайян вазият ёки масалага оид салбий характеристика ва камчиликлар, чекловлар, қийинчиликлар, муаммолар.

**Ҳамжамиятнинг ташқи имкониятлари** қўйидагилар бўлиши мумкин: фойда келтириши мумкин бўлган омиллар ва вазиятлар, масалаларни ҳал этиш қобилияти.

**Ташқи таҳдидлар** қўйидагилар бўлиши мумкин: муайян масала ёки вазиятда ҳалақит бериши мумкин бўлган омиллар ва шароитлар.

Шундай қилиб, масаланинг моҳияти қўйидагидан иборат:

Ички	Ташқи	
	Имкониятлар	Таҳдидлар
Устунликлар	Ҳамжамият имкониятлардан фойда олиш учун ўз устунликларидан қандай фойдаланади?	Ҳамжамият таҳдидлар таъсирини минималлаштириш учун ўз устунлигидан қандай фойдаланади?
Камчиликлар	Ҳамжамият мавжуд камчиликларга қарамай, ҳамжамият аъзолари барча имкониятларни реализация қилишини кафолатлай оладими?	Ҳамжамият реал таъсирга эга таҳдидларни четлаб ўтиш учун ўз камчиликларини бартараф эта оладими?

Бу маълумотни ҳар доим кун охирида қайд этиб бориш қишлоқ аҳолисига сўнгги қишлоқ йиғилишида бериладиган ҳисобот учун фойдали бўлади. Бу ҳамжамиятга мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун ҳаракат режасини ишлаб чиқишига кўмак беради.

4. Тўпланган мұхим қўшимча маълумот энг охирги бандга қайд этилади: "Қўшимча маълумот". Ҳамма асосий саволларга етарлича жавоблар берилдими? Қандай маълумот ҳалигача мавжуд эмас?

Йиғилиш пайтида:

5. Биттадан воситани фасилитация қилаётган ҳар бир команда ўз натижаларини ўzlари тўлдирган баҳолаш матрицаси бандини қўллаган ҳолда тақдим этади.

6. Кун давомида қилинган ишлар презентациясидан сўнг ҚУБ командаси натижаларни мұҳокама қиласида ҳамда кўриб чиқилиши зарур бўлган "Куннинг очиқ қолаётган саволлари"ни аниқлайди.

Мұҳокама учун саволлар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- Барча саволларга етарли даражада тўлиқ жавоблар олиндими? Қандай маълумот ҳали ҳам етишмаяпти?
- Кейинги кунларда жавоб олиниши зарур бўлган янги саволлар пайдо бўлдими?
- Натижаларда турли гуруҳларнинг бир-бирига зид келган жиҳатлари борми? Яна нималарни аниқлаштириш керак?
- Муайян гуруҳлар (масалан, аёллар, эрлар, бойлар, қашшоқлар, диний гуруҳлар ва бошқалар)нинг турлича тасаввурлари ёки манфаатларини акс эттирувчи натижалар борми?

7. Мұҳокама натижалари ва янги саволлар асосида кейинги кун режасини ишлаб чиқиш лозим.

8. Балки, сиз күн давомида одамлар ўзларини қандай тутғанлари ҳақида ҳам гаплашиб олишни истарсиз. Агар бунинг иложиси бўлса, ҳамма күн давомида ва иш жараёнида нима ёққани ва нима ёқмагани ҳақида фикр билдира олиши учун етарлича вақт ажратинг.

**Зарур материаллар:**

Иш бошлангунга қадар баҳолаш матрицасини тузиш учун катта форматдаги қоғозлар, маркерлар, барча фаолият қайд этилган ҳужжатлаштириш варақалари (Құбнинг бир кунда қўлланилган воситаси).

Баҳолаш матрицаси:

Гурух тури: эрлар/ аёллар/аралаш Восита номи: Команда аъзолари	Дёллар	Эрлар	14дан 25 ёшгача бўлган аёллар	14дан 25 ёшгача бўлган эрлар	Куннинг очиқ қо- лаётган саволла- ри	Савол- ларга қўшимча: қачон, қандай ва ким?
Асосий саволлар						
Асосий натижалар						
Ҳамжамиятнинг ички устунликлари						
Ҳамжамиятнинг ички камчиликлари						
Ҳамжамиятнинг ташқи имкониятлари						
Ҳамжамиятга ташқи таҳдидлар						
Қўшимча маълумот						

02

## ҚУБНИНГ 1А ВОСИТАСИ: РЕСУРС КАРТАСИ

**Эслатма:** Мазкур воситани 1Б “Ресурс картаси” (қүйига қаранг) воситаси самарали равишда тұлықлады. 1 Б воситасини құллаш үчүн 1 А воситаси бүйіча машғулотда қатнашганлар танлаб олинади. Бунинг үчүн 1 А воситаси машғулотида қатнашган бир неча одамни танлаб олинг үлардан машғулотдан кейин қолишини ҳамда кейинги машғулотда иштирок этишни илтимос қилинг. Улар орасыда әркаклар ва аёллар бўлишига аҳамият беринг. Ҳар икки восита юзасидан кетма-кет машғулот ўтказиш 3,5 соат вақтни олади. Шунинг үчүн аввалдан иккинчи машғулотда иштирок этадиган иштирокчилар үчүн тушлик уюштириб қўйиш мумкин.

Тавсиф:	Қишлоқнинг ресурс картаси – ҳамжамият ва унинг ресурс базасини ўрганиш имкониятини берувчи восита. Асосий вазифа аниқ географик картани тузиш эмас, балки маҳаллий аҳолининг мавжуд ресурслар тұғрисидағи тасаввурларини аниқлашдир. Картани ҳамжамият үчүн нима мухим лигидан келиб чиқиб тузиш мақсадга мувофиқдир.
Мақсад:	Маҳаллий аҳолининг уларда мавжуд табиий ресурслар ҳақидаги фикрларини билиш ва бу ресурслардан қандай фойдаланилаётганини аниқлаш.
Ким билан:	Эрлар ва аёллардан иборат фокус – гурӯҳ.
Давомийлиги:	2 соат

### Асосий саволлар:

1. Қандай ресурслар етарлича даражада мавжуд?
2. Қандай ресурслар етишмайды?
3. Барча ер ресурсларига тенг даражада эгами?
4. Аёллар ерга әгалик ҳуқуқига эгами?
5. Қашшоқлар ер ресурсларига эгами?
6. Қўшимча ер ресурслари ажратиш (хусусий мүлк, ижара ва бошқа) ҳақида ким қарор чиқаради ?

7. Маҳаллий аҳоли сувни қаердан олади?
8. Маҳаллий аҳоли ўтинни қаердан олади?
9. Ўтин йиғиш билан ким шуғулланади?
10. Маҳаллий аҳоли чорвасини қаерда боқади?
11. Ҳамжамиятнинг барча аъзолари иштирокида тараққиётга оид қандай тадбирлар ўтказилади? Қаерда?
12. Қандай ресурслар энг чекланган?
13. Қайси ресурс адолатли тақсимот нуқтаи назаридан қаралганда энг муаммоли бўлиб ҳисобланади?

**Фасилитацияни қандай ўтказиш лозим:**

Қишлоқ харитаси – иш бошлаш учун самарали воситадир. Маҳаллий аҳоли учун бу оддий ва қизиқ вазифадир. Харита тузишнинг бошланиши ҚУБ командаси ҳамда ҳамжамият ўртасидаги мулоқотнинг бошланишига ёрдамлашади. **Харитани тузиш жараёнида ҚУБ командасининг барча аъзолари иштирок этиши шарт**, негаки, бу машғулот мазкур ҳамжамиятнинг ўзгачаликлари ва уларда мавжуд ресурслар ҳақида умумий тасаввурларни ҳосил қиласди.

Харитани тузишда эрлар ва аёлларнинг турли гуруҳлари иштирок этиши мақсадга мувофиқ, чунки улар бошқа-бошқа ресурслардан фойдаланиши мумкин. Аёллар учун ўтин, сув манбаси ва шу кабилар аҳамиятироқ бўлиши эҳтимол. Эрлар эса ўzlари учун муҳим бўлган ресурсларни кўрсатади. Бу яйловлар, инфраструктура ва шу кабилар бўлиши мумкин. Хариталарда инфраструктура обьектлари (йўллар, уйлар, бинолар, кўприклар ва бошқалар); сув обьектлари ва манбалари; қишлоқ хўжалик экинлари экилган ерлар (қишлоқ хўжалик экинлари турлари ва улар этиштириладиган жойлар); тупроқ, ёнбағирлар, баландликлар; ўрмон ерлар; яйловлар; дўконлар, бозорлар, маъмурий бинолар, касалхона ва поликлиникалар, мактаблар, диний мусассасалар; алоҳида жойлар (муқаддас зиёратгоҳлар, қабристонлар, автобус бекатлари, ибодатхоналар ва шу кабилар) қайд этилади.

1. Ишлаш учун очиқ ва кенг жойни танланг.
2. Ерга тош ёки ёғоч қўйинг, у марказий мўлжал бўлиб хизмат қиласди.
3. Иштирокчилардан қишлоқ чегараларини белгилашни илтимос қилинг.
4. Харитада улар учун муҳим бўлган барча нарсаларни тасвиirlашни таклиф қилинг. Улар чизишни тутатгунларича ёки ишдан чалғимагунича уларнинг ишини бўлманг.
5. Улар чизишдан тўхатаганда харитада тасвиirlаш мумкин бўлган яна бирон муҳим нарса бор ёки йўқлигини сўранг.
6. Харита тузиб бўлинганидан сўнг фасалитаторлар иштирокчилардан уни тавсифлаб беришни илтимос қиласди. Бирон нарса тушунарсиз бўлса, саволлар беринг.

Қишлоқда мавжуд бўлган ресурсларни муҳокама қилиш учун асосий саволлардан фойдаланинг. Бир ёки бир неча фасилитатор савол беради, бошқалар эса олинган жавобларни ҳужжатлаштиради.

Хаританинг якуний вариантида шимол, жануб, шарқ ва ғарб кўрсатилганига ишонч ҳосил қилинг.

**Материаллар:** таёқчалар, тошчалар, барглар, қипиқлар, бошоқлар ва бошқа қўл остида бўлган материаллар.

Ресурс картасини ҳужжатлаштириш варақаси

Манзил:		Күн:	
Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ			
Ёзувни олиб борувчининг исми фамиляси:		Иштирокчилар-нинг үмумий сони:	
Фасилитатор(лар) исми шарифи:		Эрлар сони:	
Метод:	Ресурс картаси	Аёллар сони:	

Нима мұваффақиятли ўтди?

Қандай қийинчиликтар бўлди?

Қўшимча маълумот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:

ҚУБ машғуоти \_\_\_\_\_ Куни: \_\_\_\_\_

Ёзувни олиб борган одам исми шарифи \_\_\_\_\_

**Натижалар: асосий саволларга олинган жавоблар: Қандай ресурслар етарли даражада мавжуд?**

Қандай ресурлар етишмайди?

Ер ресурларидан фойдаланишга барча бирдай имкониятга эгами?

Аёллар ер ресурларига нисбатан эгалик ҳуқуқига эгами?

Қашшоқлар ер ресурларидан фойдаланиш имкониятига әгами?

Хұжалик участкалари әр-хотин номига расмийлаштирилғанми?

Құшимча ер ресурслари (хұсусий, ижара ва бошқа) ажратиши түрлесінде ким қарор қабул қилади?

Маҳаллий аҳоли сувни қаердан олади?

Маҳаллий аҳоли ўттинни қаердан олади?

Сувни ким олиб келади?

Маҳаллий аҳоли чорвасини қаерда боқади?

Ҳамжамиятнинг барча аъзолари иштирокида ривожланиш бүйича қандай тадбирлар үтка-зилади? Қаерда?

Катта муаммолар қайси ресурслар билан боғлиқ?

Сиз яна нималарни сездингиз?

## 2-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ 1А ВОСИТАСИ: РЕСУРС КАРТАСИ

Вазиятни сиз қандай баҳолайсиз, сизнинг хуросаларингиз қандай:  
**Илтимос, ресурслар картаси нұсхасини илова қилишни үнүтманг!**

### 1 Б воситаси: Ресурс карточкаси

<b>Тавсиф:</b>	Ресурс карточкалари ўйин шаклида ресурсларни ким назорат қилиши ва фойдаланишини мұхокама қилишга ёрдам беради шунингдек, аёллар ва әрларнинг ресурс базаларини күрсатади. Натижада әрлар ва аёллар үртасидаги приоритетлар фарқларини ҳамда уларнинг ресурслардан фойдаланыш эхтиёжларни мұхокама қилишга имконият яратади.
<b>Мақсад:</b>	Әрлар ва аёллар үртасида ресурсларни назорат қилиш ҳамда фойдаланышдаги фарқларни үрганиш.
<b>Ким билан:</b>	Әрлар ва аёллардан иборат аралаш гурұх, гурұх аъзоларини ресурс харитасини түзишда иштирок этган одамлардан түзиш мақсадға мувофиқ.
<b>Давомийлиги:</b>	1,5 соат

#### Асосий саволлар:

1. Аёллар қандай ресурслардан фойдаланади?
2. Ёш болаларининг борлиги аёлларнинг фойдаланилаётган ресурслардан күпроқ фойдаланишига таъсир күрсатадими?
3. Эрлар қандай ресурслардан фойдаланади?
4. Қандай ресурслардан әрлар ҳам, аёллар ҳам фойдаланади?
5. Бу ресурслардан фойдаланишини ким назорат қиласы?
6. Ресурслардан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида ким қарор қабул қиласы?

#### Фасилитацияни қандай ўтказиш лозим:

**Мазкур машғулотни ўтказиш үчүн аввалдан тайёрланған расмли карточкалар ёки қўл остида мавжуд бўлган шартли белгиларни ифодаловчи материаллардан фойдаланиш мумкин.**

1. Гурӯхга ресурслар қандай ишлатилаётгани ва назорат қилинаётганини билиш нима учун мұхим эканини тушунтиринг.
2. Ерга бир қатор қилиб, бир-биридан муайян масофада эр, аёл ҳамда эр ва аёлнинг биргаликдаги катта тасвиirlарини жойлаштиринг.
3. Иштирокчилардан ресурс харитасини түзиш пайтида тилга олинган ресурсларни, шунингдек, ўзлари әгалик қиласын, фойдаланадиган ёки мұхим деб ҳисобладиган исталган бошқа ресурсларни ёдга олишни илтимос қилинг.
4. Агар сиз қўл остингиздаги материаллардан фойдаланаётган бўлсангиз, иштирокчилардан муайян бир ресурсни ифодалайдиган предметларни (барглар ёки дараҳт новдалари ўрмон ва ўтинни, тезак ёки шохлар йирик шохли қорамолни ифодалashi мумкин) танлаб олишни илтимос қилинг. Шунингдек, керакли тасвиirlар туширилган тайёр карточкалардан ҳам фойдаланиш мумкин.
5. Агар карточкаларда барча ресурслар тасвиirlанмаган бўлса, иштирокчилардан бўш карточкаларга ресурсларни чизишни илтимос қилинг.
6. Иштирокчиларга рамзий предметларни эр, аёл ёки эр ва аёл бирга турган тасвиirlар остига жойлаштиришни таклиф қилинг, бу орқали ким қайси ресурсдан фойдаланиши аниқлашади.
7. Иштирокчилардан ўз танловини тушунтириб беришни илтимос қилинг.
8. Аввалги қатор остига яна эр, аёл ҳамда эр ва аёлнинг биргаликдаги катта тасвиirlарини жойлаштиринг.

## 2-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ 1А ВОСИТАСИ: РЕСУРС КАРТАСИ

9. Машғұлотни тақрорланғ, лекин бу сафар ресурсларнинг ҳар бирини ким назорат қилиши, ким ишлатиши ва қарор қабул қилишига әътибор қаратинг.
10. Иштирокчилардан ҳар икки ҳолатда улар карточкаларни қандай жойлаштирганига әътибор беришни илтимос қилинг.
11. Мазкур восита ҳамжамиятга уларда мавжуд муаммони яхшироқ тушиниш ва уларни ҳал этишни үрганишга имконият берувчи күплаб воситалардан фақат биттаси эканини иштирокчиларга тушунтириң.

**Эслатма:**

1. Иштирокчилар предметларни/карточкаларни қайси тасвир остига жойлаштиришни сүрайди. Уларга әр ва аёл бирга бўлган тасвир остига фақат эрлар ва аёллар биргаликда фойдаланадиган ресурслар чизилган карточкларни жойлаштириш кераклигини тушунтириңг. Эрлар кўпроқ фойдаланадиган ресурслар чизилган карточкаларни фақат эрлар тасвири остига, аёллар кўпроқ фойдаланадиган ресурслар акс этган карточкаларни эса аёллар тасвири остига жойлаштириш лозим.
2. Қўл остингизда қўшимча ресурслар расмини чизиш учун бўш карточкалар мавжудлигига ишонч ҳосил қилинг.

**Материаллар:** Рақамлар ва суратлар акс этган икки комплект карточкалар. Таёқчалар, тошчалар, барглар, қипик, ун, тезак ёки қўл остингизда бўлган исталган бошқа материал.

**Ресурс карточкаларини ҳужжатлаштириш варақаси**

<b>Манзил:</b> Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ		<b>Кун:</b>	
<b>Ёзib олувчининг исми шарифи:</b>		<b>Иштирокчилар умумий сони:</b>	
<b>Фасилитатор(лар) исми шарифи</b>		<b>Эрлар сони:</b>	
<b>Метод:</b>	<b>Ресурслар тасвирланган карточкалар</b>	<b>Аёллар сони:</b>	

**Нима мұваффақиятли ўтди?**

**Қандай қийинчиликлар бўлди?**

Қўшимча ахборот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:

ҚУБ бўйича машғулот \_\_\_\_\_ Кун: \_\_\_\_\_

Ёзib олувчи исми шарифи \_\_\_\_\_

## 2-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ 1А ВОСИТАСИ: РЕСУРС КАРТАСИ

**Натижалар: асосий саволларга олинган жавоблар:**

**Аёллар қандай ресурслардан фойдаланади?**

**Эрлар қандай ресурслардан фойдаланади?**

**Қандай ресурслардан эрлар ҳам, аёллар ҳам фойдаланади?**

**Бу ресурслардан фойдаланишни ким назорат қиласы?**

**Ресурслардан қандай фойдаланиш бүйича ким қарор қабул қиласы?**

**Сиз яна қандай мұхым нарсаны сездингиз?**

**Вазиятни қандай бақолайсиз ва **сизнинг хulosаларингиз қандай**:**

Илтимос, бундан бүён фойдаланиш ва назорат қилиш учун ресурс карточкалари нұсқасини илова қилишни үнүтман!

### ҚУБНИНГ 2-воситаси: Венн институционал диаграммаси

#### Тавсиф:

Венн институционал диаграммаси қишлоқда мавжуд бўлган институтлар (ташкилотлар, социал гурӯҳлар, нуғузли шахслар)ни ҳамда аҳолининг бу институтлар ҳамжамиятда қандай аҳамиятга эгалиги тўғрисидаги фикрларини акс эттиради. Бундан ташқари диаграмма мазкур гурӯҳларнинг гендер ўзгачаликлари ва фаровонлик даражасини ҳам кўрсатади. Диаграммада, шунингдек, мазкур институтлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва муносабатлар даражасини ҳам кўриш мумкин.

#### Вазифалар:

- ҳамжамиятда фаолият юритаётган ички ва ташқи институтларни аниқлаш;
- гендер ва фаровонлик даражаси нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда маҳаллий ижтимоий институтлар таркибини аниқлаш;
- турли институтлар орасидаги муносабатларни ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ахборот алмашиш ва хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан туриб аниқлаш.

**Асосий саволлар:**

- Ҳамжамиятда қандай институтлар фаолият юритади ёки қандай ташқи институтлар ҳамжамият билан ишлайди?
- Улардан қай бирини қишлоқ ахолиси мұхимроқ, деб ҳисоблайди ва нима үчүн?
- Гендер масалалари билан шүғулланувчи институтлар номини айтинг?
- Қандай гурухлар ривожланиш масалалари билан шүғулланади?
- Қайси институтлар бир-бири билан ҳамкорлик қиласы?
- Фақат аёллар ёки фақат әрлар үчүн ташкил этилган институтлар борми?
- Қайси бир институтларда иштирок эта олмайдиган ёки уларнинг хизматидан фойдалана олмайдиган гурухлар ёки шахслар типи мавжудми?
- Аёллар ва қызлар әркаклар билан тенг равища барча хизматлардан фойдалана оладими ёки муайян институтлар ва хизматларга нисбатан уларнинг ҳуқуқлари чекланғанми?
- Ҳамжамият аъзолари ташқи институтлар ҳақида қаердан хабардор бўлган? Маълумот қандай тақдим этилади?

**Фасилитацияни қандай ўтказиш лозим:**

1. Агар вақт бўлса, әркаклар ва аёллар үчүн алоҳида-алоҳида фокус-группа ўтказиш мумкин. Фокус-группага нисбатан қашшоқ ва кам таъминланган оиласалар вакиллари кири-тилганига амин бўлинг.
2. Барча зарур материаллар бор эканини текширинг. Фокус-группани ўтказиш пайтида қўйи-дагилар мумкин: а) таёқча ёрдамида ерга чизиш ёки ёзиш; б) катта қоғоз, қалам, фло-мастер (маркер)лардан фойдаланиш. Агар сиз иккинчи вариантни танлаган бўлсангиз, унда дастлаб қаламдан фойдаланиш тавсия этилади, кейинроқ қалам билан чизилган айланаларни ўчириб, каттароқ айланаларни чизиш керак бўлади.
3. Иштирокчиларга Венн институтционал диаграммасини тузишдан мақсад (юқорига қаранг) нима эканини тушунтиришинг.
4. Иштирокчилардан қишлоқда қандай институтлар борлигини ва қайси ташқи институтлар улар билан ишлашини сўранг.

Норасмий гурухлар, масалан, маҳаллий қўмиталар ҳам айтиб ўтилганига амин бўлинг. Қўйи-даги саволларни бериш тавсия этилади:

- одамлар қай шаклда бир-бирига ёрдам беради?
  - қайси маҳаллий институтлар атроф-муҳит (сув ресурслари, яйловлар, экин экиладиган ерлар); иқтисодий масалалар (жамғармалар, кредитлар, қишлоқ хўжалиги, чорвачи-лик); ижтимоий масалалар (соғлиқни сақлаш, саводхонлик, дин, урф-одатлар, таълим сифати, спорт) билан шүғулланади?
  - сиёсий гурухлар ёки партиялар мавжудми?
  - қишлоқда ким мұхим қарорларни қабул қиласы?
5. Қишлоқ одамларидан бирига номи айтиб ўтилган барча институтлар рўйхатини тузишни ва уларга барчага тушунарли бўлган шартли белги қўйишни таклиф этинг.
  6. Иштирокчилардан қоғозга ёки ерга катта айлана чизишни таклиф этинг, бу айлана ҳамжамиятни тамсил этади.
  7. Ҳар бир институтнинг қишлоқ учун нақадар мұхим эканини мұхокама қилишни таклиф этинг. Асосий айлана ичига энг мұхим институтлар катта доира, унча мұхим бўлмаганлари кичикроқ доира шаклида чизилади. Доира қанча катта бўлса, демак, унинг ҳамжамиятга (ижобий ёки салбий) потенциал таъсири ҳам шунча катта бўлади. Қишлоқ чегара-

сидан ташқаридаги айланалар маҳаллий аҳолига тегишли эмас ва бу айланалар қишлоқ чегарасидан қанча олис бўлса, уларнинг таъсири ҳам шунчалик оз бўлади. Агар институт қишлоқда муҳим аҳамиятга эга бўлса, унинг айланаси асосий айлана билан тенг бўлади. Институт айланаси асосий айлана марказига қанча яқин бўлса, у ҳамжамиятга шунчалик яқин ва унинг таъсири остида бўлади.

8. Ҳар бир институтга ном ёки шартли белги берилиши лозим.
9. Иштирокчилардан уларнинг турли институтларга қандай алоқаси борлигини сўранг. Шундан сўнг уларга ҳар бир айлана ичига ҳар бир институт ҳамжамиятга нақадар ижобий (+) ёки салбий (-) таъсир этаётганини ҳамда қандай имкониятларни институтлар таъсири сифатида баҳолаш мумкинлигини белгилашни илтимос қилинг
10. Фасилитатор ва ёзиб олувчи иштирокчиларни диққат билан тинглаши керак. Ёзувларда нега бир институт муҳим, бошқаси муҳим эмаслигини ва улар қандай таъсир кўрсатаётганини қайд этиш лозим.
11. Резюме: ҳамжамият ва ҳар бир институт ўртасидаги муносабат/ҳамкорлик айланалар орасидаги масофа билан ўлчаланади. Ҳамжамият тиғиз ҳамкорлик қилмайдиган институтларни рамз этувчи айлана ҳамжамиятни тамсил этадиган асосий айланадан узоқроқда чизилиши керак. Иштирокчилар билан тиғиз ҳамкорлик қиладиган институтлар эса айлана марказида айлана шаклида чизилади. Қишлоқда жойлашмаган, аммо муҳим аҳамиятга эга бўлган институтлар ҳамжамиятни тамсил этувчи айлана чизифининг ташқи томонига чизилади. Муҳим бўлмаган институтларни рамз этувчи айланалар ҳамжамиятни рамз этувчи асосий айлананинг ташқи чегараси билан кесишмаслиги лозим. Институтлар ўртасидаги ўзаро алоқалар муйян айланалар ўртасидаги масофанинг яқин ва узоқлиги билан ўлчанади:
  - бир-биридан узоқ масофада жойлашган айланалар ўзаро муносабатлар (ёки ҳамжамиятга таъсир) йўқлигини ёки аҳамиятсизлигини англатади;
  - бир-бирига яқин жойлашган айланалар заиф алоқалардан дарак беради;
  - бир-бирига тегиб турган айланалар алоқалар ўртача эканини билдиради;
  - бир-бири билан кесишган айланалар –тиғиз ҳамкорлик
12. Иштирокчилардан қайси институтлар аъзоликка фақат аёллар ёки фақат эрларни қабул қилишини сўранг.Faқат аёллар ёки фақат эрларга хизмат кўрсатадиган институтлар ёхуд гуруҳлар мавжудми? Жавобларни муйян айланани эр ёки аёлни рамз этувчи белги билан кўрсатинг.
13. Иштирокчилардан қайси институтларда камбағаллар иштирок этмаслигини ва нега шундай эканини сўранг. Аҳолининг муҳтоҷ қатлами фойдалана олмайдиган хизматлар бор ёки йўқ экани билан қизиқинг. Бу институтларни харитада муҳтожларни рамз этувчи белги билан белгиланг. Шунингдек, айрим институтларда иштирок эта олмайдиган ёки уларнинг хизматидан фойдалана олмайдиган ижтимоий гуруҳлар тўғрисида ҳам сўраб сурishiринг.
14. Иштирокчилардан сўраб, қайси институтлар гендер тенглиги ёки аёллар муаммоси билан шуғуланишини аниқланг. Иштирокчилардан мазкур институтлар муаммоларни қандай ҳал этишини айтиб беришларини илтимос қилинг. Бу институтларни харитада уларни рамз этувчи белги билан белгиланг.

15. Агар иштирокчиларнинг қизиқиши даражаси имкон берса, улардан мұхим бўлган институтларнинг ютуқлари ва камчиликларини ҳамжамият эҳтиёжлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда муҳокама қилиш ҳамда ёзиб олишни, шунингдек, уларнинг самаралироқ фаолият кўрсатишлари учун нималар ҳалақит берадиганини қайд этишини илтимос қилинг.
16. Мазкур машғулот ҳамжамиятга мавжуд бўлган муаммоларни яхшироқ тушунишга ва уларни ҳал этишини ўрганишга имконият берувчи кўплаб воситалардан бири эканини тушуниринг.

**Зарур материаллар:** Ёзиб олувчига ишлаш учун Венн диаграммасини ҳужжатлаштириш варақаси, мазкур восита юзасидан ҳужжатлаштириш варақаси, A4 форматидаги оқ қоғоз ёки A1 форматидаги қоғоз (A4 форматидаги 8та қоғозни бир –бирига улаб ёпиширсангиз A1 форматидаги қоғоз пайдо бўлади) керак ёки агар ўзингизда бўлса, харитани кўчириб ёзиш учун флипчартдан фойдаланинг.

**Агар ерга чизаётган бўлсангиз:** юмшоқ тупроқли ер, таёқчалар ва шартли белгилар сифатида қўлланиладиган қўл остингизда бўлган материаллар зарур.

**Агар қоғозга чизаётган бўлсангиз:** КАТТА қоғоз, қаламлар ва фломастерлар керак.

**Давомийлиги:** 1,5-2 соат

**Эслатма:** Агар гуруҳ иштирокчилари бу машғулотни бажаришга қийналса, оддий намуна тариқасида ўзингиз чизиб кўрсатинг ёки бу машғулотни қандай бажариш лозимлигини кўрсатинг ва тушуниринг.

**Венн институционал диаграммасини ҳужжатлаштириш учун варақа**

<b>Манзил:</b> Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ		<b>Кун:</b>	
<b>Ёзиб олувчининг исми шарифи</b>		<b>Иштирокчилар умумий сони:</b>	
<b>Фасилитатор(лар) исми шарифи:</b>		<b>Эрлар сони:</b>	
<b>Метод:</b>	<b>Венн диаграммаси</b>	<b>Аёллар сони:</b>	

**Нима муваффақиятли ўтди?**

**Қандай қийинчиликлар бўлди?**

**Қўшимча ахборот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:**

ҚУБ бўйича машғулот \_\_\_\_\_ Кун: \_\_\_\_\_

Ёзib олувчи исми шарифи \_\_\_\_\_

**Натижалар: асосий саволларга олинган жавоблар:**

1. Қандай институтлар (ташкилотлар/гурӯҳлар/шахслар) ҳамжамият ичидаги ёки ҳамжамият билан ишлайди?
2. Қишлоқ аҳолиси қайси институтларни энг муҳим деб ҳисоблайди? Нима учун?

**Ижтимоий институтларни муҳимлигига қараб санаб ўтинг:** (энг муҳимларини биринчи кўрсатинг)

№	Институт номи	Института типи (МБ, НДТ, хусусий сектор, диний ташкилотлар)	Асосий фаолият турлари
1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
8			
9			
10			
11			
12			
13			
14			
15			

## 2-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ 1А ВОСИТАСИ: РЕСУРС КАРТАСИ

3. Аҳоли энг мұхим беш институт фаолиятидан қандай манфаат күрмөқда? Бу институтлар-нинг ҳар бирига оид мисолларни көлтириңг:

1. Институт:  Типи:

Мақсадлар:

Хамжамият үчүн фойдаси:

2. Институт:  Типи:

Мақсадлар:

Хамжамият үчүн фойдаси:

3. Институт:  Типи:

Мақсадлар:

Хамжамият үчүн фойдаси:

4. Институт:  Типи:

Мақсадлар:

Хамжамият үчүн фойдаси:

5. Институт:  Типи:

Мақсадлар:

Хамжамият үчүн фойдаси:

## 2-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ 1А ВОСИТАСИ: РЕСУРС КАРТАСИ

4. Қайси институтлар гендер тенглиги ва/ёки аёллар ҳуқуқи билан шүғулланади? Буни турли институтлар қандай амалга оширишини тушунтириңг.

1.

2.

3.

5. Қайси ташкилотлар бир-бирлари билан ва қай тарзда ҳамкорлик қиласы?

A.

B.

C.

6. Қайси гурұхлар фақат ёллар ёки фақат әрлар учун мүлжалланған? Қайси институтлар фақат әрлар учун, қайси институттар эса фақат аёллар учун ҳизмат күрсатади?

Фақат әрлар учун:

Фақат аёллар учун:

7. Ахолининг қайси гурӯхи ёки қандай шахслар мұайян институтларда иштирок эта олмайды ва уларнинг ҳизматларидан фойдалана олмайды (қашшоқлар, камбағал гурӯхлар, диний, этник гурӯхлар...)?

Сиз вазиятни қандай бақолайсиз, **СИЗНИНГ** хulosанғыз қандай:

Илтимос, Венн институционал диаграммасини илова қилишни үнүтманг!

03

## ҚУБНИНГ З-ВОСИТАСИ: ИЖТИМОЙ КАРТА

### Тавсиф:

**Қишлоқнинг ёки ҳудуднинг ижтимоий картаси** – маҳллий аҳоли томонидан тузиладиган ва мавжуд ижтимоий структуралар ҳамда ижтимоий институтларни кўрсатувчи харита. Ижтимоий карта уй хўжаликлари орасидаги ижтимоий –иқтисодий ўзгачаликларни ҳам ўрганишга имконият беради.

### Вазифалар:

- Қишлоқда мавжуд бўлган ижтимоий структуралар, шунингдек, уй хўжаликлари орасидаги этник, диний, моддий ва бошқа ўзгачаликларни ўрганиш.
- Қишлоқда яшаётган аҳоли ҳақида маълумот йиғиш.
- Мавжуд бўлган ижтимоий институтлар тўғрисида маълумот йиғиш ҳамда маҳаллий аҳолининг улар ҳақидаги фикрини ўрганиш.
- Гендер тенглиги кучли ва заиф намоён бўлган оиласларни аниқлаш.

### Асосий саволлар:

- Ижтимоий муносабат ва ижтимоий хизматлар нуқтаи назаридан қаралганда қишлоқнинг таҳминий чегаралари қандай?
- Қишлоқда қанча уй хўжалиги бор ва улар қаерда жойлашган?
- Миграция оқибатида уй хўжаликлари ёки аҳоли сони кўпаймоқдами ёхуд камаймоқдами?
- Қишлоқда қандай ижтимоий структуралар ёки ижтимоий институтлар мавжуд?
- Қишлоқда қандай диний гуруҳлар бор? Агар улар исломга эътиқод қилсалар, диндорларнинг барчаси асосий оқим-сунийликка даҳлорми? Қишлоқнинг қайси қисмида турли диний гуруҳлар истиқомат қилади?
- Қишлоқда қайси этник гуруҳлар вакиллари истиқомат қилади? Улар қаерда яшайди?
- Қайси хўжаликларни аёллар бошқаради ва улар қаерда жойлашган?
- Гендер тенглиги бошқаларга қараганда яққолроқ намоён бўлган уй хўжаликларини алоҳида ажратиб кўрсатинг (аёллар бошқараётган хўжаликларни ёзманг, эр, хотин мавжуд бўлган хўжаликларни қайд этинг). Оилада гендер тенглиги амалиёти мавжудлиги белгиларидан бири аёлларнинг олий маълумотли экани, оиласи танлашда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эгалигидир. Юзага келган вазият, масалан, эр лаёқатсиз деб топилгани учун аёллар боқувчисига айланган оиласларни қайд этманг. Учтадан кам ва ўнтадан кўп бўлмаган оиласларни белгиланг. Улар бир-бирларига қариндош ҳисобланадими? Сўралганлар фикрича, қайси оиласда гендер тенглиги нисбатан ривожланган (ва нима учун).

## 3-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ З-ВОСИТАСИ: ИЖТИМОЙ КАРТА

- Бошқа оиласарга нисбатан патриархал бўлган ҳамда гендер тенглигига бошқаларга нисбатан озроқ амал қилинадиган оиласарни ажратиб кўрсатинг. Учтадан кам ва ўнтадан кўп бўлмаган оиласарни белгиланг. Улар бир-бирларига қариндош ҳисобланадими? Сўралганлар фикрича, қайси оиласа гендер тенглиги нисбатан кам ривожланган (ва нима учун).

**Фасилитацияни қандай ўтказиш керак:**

- Иштирокчилардан қишлоқ харитасини чизишини ва унда барча уй хўжаликларини кўрсатишни илтимос қилинг. Харитани тушуниш осонроқ бўлиши учун аввал йўлларни ва қишлоқнинг муҳим жойларини чизиб олинг. Харитада сўнгги уч йил ичида қаллик ўғирланган оиласарни қайд этинг. Турли шартли белгилардан фойдаланинг.
- Сўнгги йилларда оиласар умумий сони камайгани ёки кўпайганини муҳокама қилинг. Агар ўзгаришлар бўлган бўлса, бунинг сабабларини ва бунинг оқибатидаги қайсирид бир оиласарда ёки ҳамжамиятда қандай муаммолар юзага келганини сўранг.
- Гуруҳдан харитада маҳаллий аҳоли ўртасида учрашув жойи сифатида ном қозонган ёки ижтимоий хизматлар кўрсатувчи институтлар, бинолар ва жойларни белгилашни илтимос қилинг. Масалан: мактаблар, чойхоналар, масжидлар, ФАПлар, оқсоқоллар судлари, ижтимоий маъмуриятлар, жамоат лидерлари, маҳаллий дўконлар, болалар боғчалари, сув манбалари ва одамлар мунтазам учрашиб турадиган бошқа жойлар.
- Гуруҳдан қишлоқда турли этник гуруҳ вакиллари истиқомат қиладиган жойларни муҳокама қилишни ва бу жойларни харитада белгилашни илтимос қилинг. Рамзий белгиларни танлаб олинг ва улар билан этник озвилик вакиллари яшайдиган уйларни белгиланг.
- Гуруҳдан қишлоқ ҳудудида турли диний гуруҳлар ва этник озвиликлар яшайдиган жойларни муҳокама қилишни ва бу жойларни харитада белгилашни илтимос қилинг. Бунинг учун рамзий белгилардан фойдаланинг.
- Гуруҳдан, шунингдек, аёллар бошқарадиган уй хўжаликларини белгилашни илтимос қилинг. Иштирокчиларнинг барчаси оиласи аёл бошқараётгани аломатлари тўғрисида тушунчага эгалигига амин бўлинг.
- Агар вақт ва шароит бўлса, мазкур босқичда қуйида баён этилган **моддий фаровонликини** ўрганиш воситасини амалда қўлланг.
- Сиздаги харита нусхасига шартли белгилар илова қилинганига амин бўлинг.

**Зарур материаллар:** ҳужжатлаштириш варақаси, мазкур восита варақаси, картани кўчириб ёзиш учун қоғозлар, ручкалар.

**Агар ерга чизаётган бўлсангиз:** юмшоқ тупроқли ер, таёқчалар ва шартли белгилар сифатида қўлланиладиган қўл остингизда бўлган материаллар зарур.

**Агар қоғозга чизаётган бўлсангиз:** КАТТА қоғоз, қаламлар ва фломастерлар керак.

**Давомийлиги:** 1,5-2 соат

**Эслатма:**

- Ижтимоий харитани тузишдан мақсад барча иштирокчиларга тушунарли бўлиши лозим. Илтимос, барча иштирокчилар вазифани тўғри тушунганига ишонч ҳосил қилинг. Масалан, улар кам таъминланган оиласар озиқ-овқат ёрдами олар экан, деб ўйлашлари мумкин, бу эса нотўғри тасаввурдир. Уларга сиз ҳам, сиз билган бошқа одамлар ҳам ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаслигини тушунтиринг. Мазкур машғулот ҳамжамиятга мавжуд муаммоларни яхшироқ тушунишга ҳамда уларни мустақил ҳал этишни ўргатишга имконият берувчи кўплаб восталардан бири эканини айтинг.
- Агар гуруҳ иштирокчилари орасида мазкур машғулотни бажаришда қийинчлилик пайдо бўлса, оддий мисолни чизиб кўрсатинг ва машғулотни қандай бажариш кераклигини тушунтиринг.

## З-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ З-ВОСИТАСИ: ИЖТИМОЙ КАРТА

- Машғулотни бажариш жараёнида, ҳар сафар иштирокчиларидан бирин бирон нарса ҳақида ахборот берәётганида, бошқа иштирокчилардан айтилган маълумотга қўшилиши ёки қўшилмаслигини, унга қўшимча киритиш истаги бор ёки йўқлигини сўранг.
- Муҳокаманинг энг муҳим жиҳатлари ва бошқа маълумотларни ҳужжатлаштириш лозим.
- Ресурс харитасидан фарқли ўлароқ, ижтимоий харита ўта диққат билан фасилитация қилиниши талаб этади. **Айрим масалалар (этник мансублик, ваҳҳобийлик, салафийлик ва бошқа диний групкалар)**ни муҳокама қилиш иштирокчилар ўртасида ноқулайлик туғдириши мумкинлигини эсада тутинг. Агар груп қандайдир масалани муҳокама қилишни истамаса, **ҚАТЪИЙЛИК қилманг ва кейинги масалани муҳокама қилишга ўтинг**. Агар айрим иштирокчиларга бирон масала муҳимроқ бўлса, бу масалани улар билан алоҳида муҳокама қилинг.
- Харитада барча уй хўжаликлари қайд этилганига ишонч ҳосил қилинг. Агар иштирокчилар қайсиdir уй хўжалигини белгилашни истамаса, бу ҳолатни ўз ёзувингизда қайд этинг ва сабабларини кўрсатинг.

### Ижтимоий харитани ҳужжатлаштириш варақаси

Манзил: Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ		Кун:	
Ёзib оловчининг исми шарифи:		Иштирокчилар умумий сони:	
Фасилитатор/лар исми шарифи:		Эрлар сони:	
Услуб:	Ижтимоий харита	Аёллар сони:	

Нима муваффақиятли ўтди?

Қандай қийинчиликлар бўлди?

Қўшимча маълумот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:

ҚУБ бўйича машғулот \_\_\_\_\_ Кун: \_\_\_\_\_

Ёзib оловчининг исми шарифи \_\_\_\_\_

## 3-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ З-ВОСИТАСИ: ИЖТИМОЙ КАРТА

### Натижалар: асосий саволларга олинган жавоблар:

**Эслатма:** оғзаки жавобларни құйига ёзинг. Оғзаки жавоблар харита түзиш үрнини боса олмайды!

1. Ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий хизматлар нұқтаи назаридан қаралғанда қишлоқнинг таҳминий чегаралари қандай? Қишлоқда поликлиника ёки милиция участкаси борми? Фақат тұман миқёсіда қандай ижтимоий хизматлар күрсатилади?

2. Қишлоқда қанча уй хўжалиги бор ва улар қаерда жойлашган?

3. Миграция оқибатида уй хўжаликлари сони кўпаймоқдами ёки озаймоқдами?

4. Қишлоқда қандай ижтимоий структуралар ёки институтлар мавжуд?

5. Қишлоқда қандай диний групталар бор? Балки үларнинг барчаси ислом эътиқодида бўлиши мумкин, бироқ диндорларнинг бир қисми асосий оқим-сунийликка мансуб бўлмаслиги эҳтимол. Бундай диний групталар қишлоқнинг қайси ерида истиқомат қиласди?

6. Қишлоқда қандай этник групталар мавжуд? Улар қаерда истиқомат қиласди?

7. Қайси хўжаликларни аёллар бошқаради ва улар қаерда жойлашган?

## 3-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ З-ВОСИТАСИ: ИЖТИМОЙ КАРТА

8. Гендер тенглиги бошқаларга нисбатан анча яқоллроқ намоён бўлган уй хўжаликларини алоҳида ажратиб кўрсатинг (аёллар бошқараётган хўжаликларни қайд этманг, фақат эр-хотин муносабати мавжуд бўлган хўжаликларни ёзинг). Оилада гендер тенглиги амалиёти мавжуд эканини кўрсатувчи аломатлардан бири, аёлнинг маълумотли, оилани танлашда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эга эканидир (эр лаёқатсиз бўлгани учун аёл оиланинг боқувчисига айланишга мажбур бўлган хўжаликларни қайд этманг). Учтадан кам, ўнтадан кўп бўлмаган оилаларни кўрсатинг. Улар бир-бирларига қариндошли? Сўралганлар фикрича, қайси оилада гендер тенглигига кўпроқ амал қилинади (ва нима учун)?

### Гендер тенглиги бошқаларга НИСБАТАН ривожланган оила

1.	2.
3.	4.
5.	6.
7.	8.
9.	10.

9. Сизнинг фикрингизча, нисбатан патриархал бўлган ва гендер тенглиги бошқа оилаларга нисбатан кам амал қиласидиган оилаларни ажратиб қўрсатинг. Учтадан кам ва ўнтадан кўп бўлмаган хўжаликни қайд этинг. Улар бир-бирларига қариндошли? Сўралганлар фикрича, қайси оилада гендер тенглигига кам амал қилинади (ва нима учун)?

### Гендер тенглиги ЭНГ КАМ ривожланган оила

1.	2.
3.	4.
5.	6.
7.	8.
9.	10.

**Сиз яна нимани таъкидлай оласиз?**

Сиз вазиятни қандай баҳолайсиз ва сизнинг хуросаларингиз қандай:

Илтимос, ижтимоий карта нусхасини илова қилишни унутманг!!!

#### **ҚУБНИНГ 4-воситаси: Фаровонлик даражаси бўйича баҳолаш**

##### **Мақсад:**

- Хамжамиятнинг моддий фаровонлик даражасидаги фарқларга муносабатини ўрганиш.
- Бойлик ва моддий фаровонликнинг маҳаллий индикаторлари ҳамда мезонларини аниқлаш ва тушуниш.
- Келажакда бошқа маълумотлар билан солиштириш учун харитага оиласларнинг нисбий даражасини қайд этиш.

##### **Метод:**

- Баҳолаш.
- Харита тузиш.

##### **Асосий информантларни танлаб олиш:**

Бу вазифани амалга ошириш учун ҳамжамиятни яхши билган **бир неча асосий информантларни** жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчилар, қишлоқ раиси ёки фельдшер бу иш учун муносиб номзодлардир. Муайян манфаатларга эга шахслар, масалан ўзига тўқ фермерлар ёки НДТлари лидерларини жалб этмасликка ҳаракат қилинг. Мазкур машғулот ҳамжамиятга мавжуд муаммоларни яхшироқ тушунишга ҳамда уларни мустақил ҳал этишни ўргатишига имконият берувчи кўплаб восталардан бири эканини тушунтирган.

##### **Фасилитаторлар:**

ҚУБ командасининг икки нафар аъзоси.

##### **Асосий саволлар:**

- Маҳаллий аҳоли бойлиқ, моддий аҳвол ва нотенгликни қандай тушунади? *Муҳтоҷ атамаси нимани ифодалайди?*
- Ҳамжамиядда қандай ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар мавжуд ва уларнинг таркиби кимлардан иборат?

##### **Босқичлар:**

- Барча уй хўжаликларининг рақам билан белгиланган рўйхатини тузинг (ижтимоий харитани тузиш жараёнида олинган маълумотларга асосланган ҳолда). Алоҳида карточкаларда ҳар бир оила бошлиғининг исми, фамилияси, отасининг исмини ва рўйхатда белгиланган рақамини кўрсатинг. Эслатма: кейин солиштириб кўриш имконига эга бўлиш

учун қишлоқ ҳукуматидаги ижтимоий ходимдан оиласарнинг тўлиқ рўйхатини олишга уриниб кўринг. Агар рўйхатларда фарқларни сезиб қолсангиз, бу ҳақда ижтимоий ходим ва маҳаллий аҳолига хабар беринг. Фарқларни машғулот пайтида муҳокама қилманг.

2. Қишлоқ ва унинг аҳолисини яхши биладиган асосий информантлардан ўз шахсий меъзонлари ва баҳолашларидан келиб чиқиб, карточкларни оиласарнинг фаровонлик даражасига қараб саралашни илтимос қилинг.
3. Саралашдан сўнг информантлардан улар оиласар фаровонлигини баҳолашда қандай мезонлардан фойдаланганларини ҳамда турли групчалар ўртасидаги фарқлар қандай эканини сўранг. Информантларга олинган маълумот маҳфий қолишини кафолатланг ва айрим оиласарнинг фаровонлик даражаси тўғрисидаги маълумотлардан, маҳаллий аҳоли орасида салбий реакция пайдо қиласлик учун, муҳокама пайтида фойдаланманг.
4. Баҳолаш натижаларига кўра аниқланган маҳаллий мезонлар ва кўрсаткичларни санаб ўтинг.

#### **Фаровонлик даражаси бўйича баҳолашни ҳужжатлаштириш варақаси**

<b>Манзил:</b> Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ		<b>Кун:</b>	
<b>Ёзиб олевчининг исми шарифи:</b>		<b>Иштирокчилар- нинг умумий сони:</b>	
<b>Фасилитатор \ лар исми шарифи:</b>		<b>Эрлар сони:</b>	
<b>Услуб:</b>	<b>Фаровонлик даражаси бўйича баҳолашни унча кўп бўлмаган асосий информантларорасида сўров ўтказиш йўли билин аниқлаш</b>	<b>Аёллар сони:</b>	

#### **Нима муввафқиятли ўтди?**

#### **Қандай қийинчиликлар бўлди?**

Қўшимча маълумот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:

## 3-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ З-ВОСИТАСИ: ИЖТИМОЙ КАРТА

ҚУБ бўйича машғулот \_\_\_\_\_ Кун: \_\_\_\_\_

Ёзиг олувчининг исми шарифи: \_\_\_\_\_

**Натижалар: асосий саволларга олинган жавоблар:**

**Маҳаллий аҳоли моддий фаровонлик даражасидаги фарқларга қандай муносабатда бўлади ва ҳар бир групдаги оиласининг нисбий вазияти қандай?**

Ижтимоий-иктисодий груп	Мазкур груп учун маҳаллий кўрсаткичлар	Оила рақами

**Сиз яна нималарни таъкидлашни истар эдингиз?**

**Сиз вазиятни қандай баҳолайсиз, сизнинг хуносаларингиз қандай:**

**Илтимос, оиласарнинг рақам билан белгиланган рўйхати нусхаси, ижтимоий карта ва оиласар рақамларини илова қилишни унутманг!**

## 04

## АМАЛИЁТ

(4 А ВА 4Б СЕССИЯЛАРИДА ҲАМЖАМИЯТ БИЛАН 4 СОАТ ДАВОМИДА ИШЛАШ НАЗАРДА ТУТИЛГАН)

**Эслатма:** мазкур сессия А ва Б қисмларга ажратылған. Барча фасалитаторларға ҚҰБнинг 5-воситаси “Фокус групладаги мұхокама” ва 6-воситаси “Полуструктуралы интервью”дан фойдаланиш тавсия қилинади. Вақт чекланганини ҳисобға олған ҳолда, 7-восита “даромад ва чиқимлар матрицаси” ва 8-восита “Күн тартиби”дан фойдаланишда УБ командасини иккى гурұхға бўлиш тавсия қилинади, үлардан бири 7-воситани, иккинчиси эса 8-воситани қўллайди.

**4 А - сессияси:**

**ҚҰБнинг 5-воситаси: фокус-группадаги мұхокама: гендер тенглигидаги чекловлар ва тенгликни таъминлаш имкониятлари**

**Эслатма:** Мазкур воситани қўллаш жараёнида оиладаги зўравонлик каби нозик мавзу кўтарилиши мумкин. Маҳаллий аҳоли иштирокида сессия ўтказишга тайёргарлик кўриш мақсадида, воситани авввал бир жинсга мансуб гуруҳда қўллаб кўриш, шундан сўнг ҳар бир иштирокчига нисбатан бу масалани аввал (ёки альтернатива қатори) унинг қариндошлари билан мұхокама қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини ҳал этиш тавсия этилади. Зўравонлар (масалан, ўз хотинларини калтаклайдиганлар) бу мавзуни мұхокама қилишни истамайдилар ва бундан ғазабланиши мумкинлигини назарда тутинг. Шунинг учун сұхбатлашиш учун қариндошларни эҳтиёткорлик билан танланг. Мазкур воситани бевосита интервью берувчига нисбатан қўллашда ноқулайлик ҳис қылсангиз, сиз турли авлодга мансуб оила аъзолари(ўз оилангиз, ота-онангиз, ота-онангизнинг ота-оналари) билан сұхбатлашиб, фикрлар, анъаналар ва ўзини тута билиш шакллари тўғрисида керакли даражада маълумотлар йиғишингиз, бу орқали бошқа воситаларни бевосита ҳамжамиятда қўллаш натижасида олинган маълумотларни тўлиқлашингиз мумкин. Мазкур машғулот ҳамжамиятга мавжуд муаммоларни яхшироқ тушунишга ҳамда уларни мустақил ҳал этишни ўргатишга имконият берувчи кўплаб восталардан бири эканини тушуниринг.

**Вазифалар:**

1. Маҳаллий аҳоли “гендер тенглиги”ни қандай тушунишини аниқланг.
2. Гендер тенглигини таъминлашни хоҳламаслик ва умуман оилаларда ҳамда ҳамжамиядада гедер тенглиги концепциясини қабул қилиш истаги йўқлиги сабабларини аниқлаш ва тушуниш.
3. Гендер нотенглиги кўринишларига қарши оилаларда ҳамда ҳамжамиятда мавжуд меҳанизмаларни аниқлаш ва тушуниш. Булар тоифасига қаллиқ ўғирлаш, шартлашилган тарзда оила қуриш, қизлар ва аёлларга нисбатан оиладаги зўравонниклар киради. Оиладаги зўравонлик нозик мавзу бўлгани учун иштирокчилар уни мұхокама қилишга тайёр бўлмагунларича бу мавзуни кўтарманг.
4. Ҳамжамият, оила ва айрим шахслар даражасида гендер тенглигини таъминлаш ва қаллиқ ўғирлаш, шартлашилган никоҳ, эрта турмушга бериш, қизлар ва аёлларга нисбатан оиладаги зўравонликни бартараф этиш учун қандай ресурслар зарурлигини аниқлаш.

**Услублар:**

1. Гурұхдан полуструктуралы интервью.
2. Баҳолаш.
3. Матрица.

**Фокус–группани танлаш:**

Гендер үзгачалиги түркисидаги тасаввурларни аниқлаш мақсадида әрлар ва аёллару чун алоҳида-алоҳида фокус–группа үтказишни режалаштириш лозим.

**Фасилитаторлар:**

ҚҰБ командасининг иккى аъзоси.

**Асосий саволлар:****Гендер тенглиги:**

1. Ҳамжамиятда гендер нотенглигининг асосий оқибатлари қандай? Бу оқибатларни шкала бүйіча 1дан 10гача баҳоланг. Бунда 10 балл билан нисбатан мұхим мұаммо, 1 билан 10 оралиғида эса бошқа мұаммолар ифодаланади. Мазкур мұаммолар, жумладан, қаллиқ үғирлаш, шартлашилған никох, әрта турмушга бериш, қызлар ва аёлларга нисбатан оила-даги зўравонликларни ҳам ўз ичига олади.

Гендер мұаммоси	Жойи	Кимга таъсир қилди	Маҳаллий номи	Инсон ҳуқуқлари/ қонунга алоқадорлик

2. Сизнинг фикрингизча, бу мұаммоларнинг сабаблари нимада ва одатда уларни ҳал этиш учун қандай ҳаракатлар амалға оширилади? Мұаммолар, уларнинг сабаблари ва ҳамжамият ҳамда оиласар томонидан амалға оширилаётган ҳаракатлар матрицасини ишлаб чиқинг. Гендер тенглиги билан боғлиқ бўлган ҳар бир ҳолатда мана шу саволни беринг. Муаммонинг ҳақиқий сабабларини тушуниш учун ҳар бир мұаммонинг илдизини топишга ҳаракат қилинг. Оила мұаммо ва унинг сабабларига қандай ёндошаётганини дикқат билан кўриб чиқинг.

## 4-СЕССИЯ: АМАЛИЁТ

Гендер масаласи	Зоҳирий сабаб	Ботиний сабаб	Зарур чоралар	Ким ҳаракат қилади?

3. Оиласарда гендер тенглиги масаласида қарорлар қандай қабул қилинади? Бундай қарорларни ким қабул қилади? Оила ресурслари қандай бўлиширилган? Оиланинг музайян аъзолари эҳтиёжлари ва хоҳишлари, оиланинг бошқа аъзолари эҳтиёжлари ва хоҳишларидан устунлик қиладими? Оиланинг ҳар бир аъзоси эҳтиёжлари (озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой, мактабга керакли буюмлар) оиланинг айрим аъзолари истаклари (машинадан фойдаланиш ва уни таъмирлаш, тўй ўтказиш, дўстлар билан дам олиш ва шу каби) дан устун келадими?

4. Ҳамжамият, оила ва унинг ҳар бир аъзоси даражасида уларнинг эҳтиёжларини самаралироқ қондириш учун қандай ресурслар талаб қилинади?

### Қаллиқ ўғирлаш:

5. Жорий йил ва ундан аввалги икки йил тажрибасидан келиб чиқилса, қаллиқ ўғирлаш амалиёти нақадар одатий ҳолатга айланган ва бу ҳолат тез-тез такрорланиб турадими?

6. Қаллиқ ўғирлашда ким иштирок этади? Қаллиқ ўғирлашга қўл урадиган шахсларнинг ижтимоий мавқеи қандай даражада?

7. Қаллиқ ўғирлашнинг сабаблари, сизнингча, қандай? Эслатма: “бу бизнинг анъанамиз”, деган тушунтириш сабаб бўла олмайди. Никоҳнинг бошқа турлари, жумладан, севиб турмуш қуриш ва шартлашилган никоҳ турлари ҳам бор. Қаллиқ ўғирлашнинг сабаблари: “Бу қалин тўлашдан кўра арzonроқ”; “оила чекка жойда қашшоқ аҳволда яшайди, бу

оилага ким ҳам турмушга чиқар эди”; “үғил дангаса, қўлидан иш келмайди (ёки пиёниста), унга ким эрга тегади?”; ёки “куёвнинг онаси ўз хоҳиши билан турмушга чиқмаган (ўғирланган) ва шунинг учун оиласда мустабидга айланган, уни ҳеч ким ўз қайнонаси сифатида қабул қилишни хоҳламайди” каби саволларда яққолроқ намоён бўлиши мумкин.

8. Қаллиқ ўғирлайдиган оила қариндошларидан қайси бири у ёки бу ролни бажаради?
  - қаллиқини ўғирлашни ҳал этади;
  - қайси қизни қаерда ўғирлаш кераклигини аниқлади;
  - ўғирлашни режалаштиришда иштирок этади;
  - ўғирлаш қай тарзда амалга оширилади;
  - кимдир бунга қарши чиқадими?
9. Ким ва қай тарзда одамларни қаллиқ ўғирлашга ундейди, ким қаллиқ ўғирлашда иштирок этади? Улар бунга қандай мұносабатда бўлади: билиб билмаганга олишади, йўл беришади, қўллаб-қувватлашади, ҳимоя қилишади ёки бу амалиётни қўйидагилар билан ўйғун, деб ҳисоблашади:
  - қирғизларнинг кўчманчилик анъаналари билан (қиз ва йигит отда қувлашади, қиз қочади, йигит эса қизни қувиб етиб, қиз уни қамчи билан саваламаслиги ҳамда маррага биринчи бўлиб етиб келмаслиги учун уни ушлаб, ўпид олиши керак; йигит бу билан ўзининг эрга айланганини намойиш этади, қиз эса бунга рози бўлади);
  - мусулмон анъаналари ва Қуръон билан боғлиқ, Қуръонда томонлардан биронтасини никоҳга мажбураш ман этилади;
  - Қирғиз Республикаси Конституцияси, Жиноят Кодексининг 155 –моддаси ва инсон ҳуқуқларининг Умумжашон меъёрлари билан, бу ҳужжатларда қаллиқ ўғирлаш тақиқланган.
10. Сизнинг фикрингизча, фуқароларнинг кўпчилиги ҚР Конституциясининг 1991 йилги таҳриридан бошлаб то шу кунга қадар бўлган таҳрирларида қайд этилган демократик тамойилларга зид келадиган қадриятлар (масалан, қаллиқ ўғирлаш)га амал қилаётган пайтда жамият ва давлат қандай фаолият юритиши лозим?
11. Қаллиқ ўғирлашнинг маҳаллий даражадаги оқибатлари қандай? Қўйидаги масалаларни муҳкоама қилинг:
  - i. никоҳ томонларнинг ўзаро розилиги билан амалга оширилган оиласада оиласавий зўравонлик ҳолатларининг кўпайиши, агар бундай ҳолатлар мавжуд бўлса;
  - ii. ўн йил аввал ўзаро розилик билан эмас, балки қаллиқ ўғирлаш орқали турмуш қурганлар ўртасида ажралишлар сонининг кўпайгани;
  - iii. ўз хоҳиши билан турмушга чиқсан ва ўғирлаб кетилган аёллар ўртасида ерга эри билан биргаликда эгалик ҳуқуқи борасидаги ҳар қандай фарқлар;
  - iv. ўғирлаб кетилган аёллар ўз фарзандларидан воз кечгани тўғрисдаги исталган маълумотлар;
  - v. ўзаро розилик билан эмас, қаллиқ ўғирлаш орқали турмуш қурган эрлар орасида миграция ёки оиласи ташлаб кетиш сонининг кўпайиши.

## 4-СЕССИЯ: АМАЛИЁТ

- vi. Ўғирланмаган аёлларнинг ўғирланган аёлларга нисбатан оила бюджетига құшаётган ҳиссаси ва уларнинг олий маълумотга әгалигидаги фарқлар;
- vii. Ўғирланган қаллиқлар ва ўз розилиги билан турмушга чиққан аёллар орасыда содир этилган сүиқасдлар күрсаткичи ўртасидаги фарқ.

12. Нима деб ўйлайсиз, одамларнинг қаллиқ ўғирлаш, қаллиқ ўғирлашни рағбатлантириш ва қаллиқ ўғирлаш анъанасини ҳимоя қилишга нисбатан муносабати ўзгариши мүмкінми? Агар Жиноят кодексининг қаллиқ ўғирлагани учун кўпи билан 10 йилга озодликдан маҳрум этиш, шунингдек, қизларни мажбуран үшлаб туришга, ўғирлашга кўмак кўрсатган, қиз ўғирлашни ўюштирган шахсларни жазога тортиш тўғрисидаги 155-моддаси самарали қўлланилса, одамлар қаллиқ ўғирлаш амалиётидан воз кечадиларми?

13. Айни пайтда ўғирлаб кетилган қиз ўғирлаб кетган шахснинг уйида тунни ўтказиб, ўз уйига қайтиши уят ҳисобланади. Қамоққа олинган жиноятчининг хотини ёки қаллиқ ўғирлашни ўюштиргани учун жазоланган қайнонанинг келини бўлиш уят ҳисобланадими?

14. Нима деб ўйлайсиз, сиз ёки ҳамқишлоқларингиз қаллиқ ўғирлашга қарши чораларни кўра оладими, агар чора кўра олса, ким бу ишни қила олиши мумкин, қандай чора кўради ва қаерда? Айни дамда ҳамжамиятда мавжуд бўлмаган ресурслар (маҳаллий милиция ва шу каби)га эҳтиёж борми?

**Гендер тенглигига эришиш учун тўсиқлар ва имкониятларни мұхокама қилиш бўйича фокус–гурӯҳни ҳужжатлаштириш варақси**

<b>Манзил:</b> Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ		<b>Кун:</b>	
<b>Ёзиб оловчининг Исми шарифи:</b>		<b>Иштирокчилар умумий сони:</b>	
<b>Фасилитатор/лар исми шарифи:</b>		<b>Эрлар сони:</b>	
<b>Услуб:</b>		<b>Аёллар сони:</b>	

**Нима муваффақиятли ўтди?**

**Қандай қийинчиліктер бўлди?**

**Қўшимча маълумот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:**

ҚУБ бўйича машғулот \_\_\_\_\_ Кун: \_\_\_\_\_

Ёзиг оловчининг исми шарифи: \_\_\_\_\_

**Илтимос, муаммолар, уларнинг сабаблари ва кўриладиган чора - тадбирлар (муаммони ҳал этиш механизмлари) матрицасини илова қилишни унутманг!**

**ҚУБнинг 6-воситаси: полуструктурни интервью: конкрет оиласар мисолида гендер ўзгачаликларини тадқиқ қилиш**

**Вазифалар:**

1. Ижтимоий харитада (ҚУБнинг 3-воситаси) **гендер тенглиги бўйича анча ривожлангани қайд этилган оиласар** нега гендер тенглигига бошқа оиласарга қараганда мойилроқ эканини тушуниш. Бу қандайдир иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манбаатлар билан боғлиқми? Агар боғлиқ бўлса, улар қандай манбаатлар?
2. Ижтимоий харитада (ҚУБнинг 3-воситаси) **гендер тенглигига амал қилмайслиги қайд этилган оиласар** нега гендер тенглигига бошқа оиласарга нисбатан камроқ риоя этишини тушуниш. Бу қандайдир иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манбаатлар билан боғлиқми? Агар боғлиқ бўлса, улар қандай манбаатлар?
3. Оила ва ҳамжамият миёсида гендер тенглигига эришиш йўлидаги тўсиқлар ва имкониятларни аниқлаш.

**Услублар:**

1. Полуструктив интервью.
2. Баҳолаш.
3. Кузатиш.

**Оиласарни танлаб олиш:**

1. Харитада қайд этилган оиласар орасидан гендер тенглигига амал қилувчи ва амал қилмайдиган оиласаларни танлаб олинг (учтадан ўнтағача бўлган оила).
2. Маҳаллий аҳоли томонидан гендер тенглигига “амал қилувчи” ва “амал қилмайдиган”, деб баҳоланган оиласар тўғрисидаги маълумотлар ёзилган карточкаларни танлаб

## 4-СЕССИЯ: АМАЛИЁТ

олинг (ижтимоий харитани тузиш бўйича машғулот). Ҳар икки гуруҳга мансуб карточкалар орасидан яна биттаданини таваккалига танлаб олинг. Тадқиқот, ҳар тўрт оиласдан бирида ўтказилади, бунинг учун улар саволларга жавоб беришга тайёрлигини билдиришлари керак. Агар оиласардан бири тадқиқотда иштирок этишни истамаса, бошқа оиласани танланг ва аввалги оила интервью беришни хоҳламаганини ҳисботингизда айтиб ўтинг.

Эслатма: Респондентларни барча жавоблар махфий сақланишига ишонтиринг.  
Фасилитаторлар тўртта оиласда интервью ўтказади.

**Фасилитаторлар:**

ҚУБ командасининг икки аъзоси.

**Асосий саволлар:**

1. Оиласда ким яшайди? (она, ота, болалар, бобо, бува каби доимий боқимандалар, вақтинчалик боқимандалар, оиласинг лаёқатсиз аъзолари). Болаларнинг ёшини кўрсатинг.
2. Ўтган йили сизнинг оила аъзоларингиз ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан дуч келган асосий муаммоларни айтинг? Агар сиз бир нафардан кўп респондентдан интервью олаётган бўлсангиз, улар билан алоҳида-алоҳида сұхбатлашиш мумкин (қизлар, катта ёшдаги аёллар, ёш йигитлар, катта ёшдаги эрлар). (Қайси муаммо кимга қай тарзда таъсир қилганини, аёллар ва эрлар, қизлар ва йигитларнинг муаммолари бир ҳил даражада муҳокама қилингани ёки қилинмаганини аниқланг: масалан, ўғил университетда ўқиши учун маблағ йўқлиги афсусланарли, бироқ қизнинг университетда ўқишига жўнатиши имконияти йўқлиги муаммо эмас! Агар ўтган машғулотларда аниқланган гендер муаммоларидан бири эслаб ўтилмаса, оиласдан бу уларга қандай таъсир қилганини сўранг).
3. Мазкур муаммоларнинг сабаби, сизнингча, нималардан иборат ва уларни ҳал этиш учун қандай ҳаракатларни қилдингиз? (Бу саволни ҳар бир гендер муаммоси юзасидан беринг. Ҳақиқий сабабларни аниқлаш учун интервью берувчуни хафа қилмайдиган даражада масаланинг моҳиятини билишга ҳаракат қилинг. Оила муаммони қандай ҳал қилгани ва унинг сабабаларини қай тарзда бартараф этганини сўраб билинг).
4. Оила даражасида бу каби муаммолар яна такорланмаслиги учун қандай чора-тадбирлар кўрилди? Бу каби муаммоларни самаралироқ ҳал этиш учун оиласа қандай ресурслар зарур?

Муаммо	Сабаб	Харакат	Керакли ресурслар

**Конкрет оиласарда ўтказилган полуструктуралы интервьюоларни ҳужжатлаштириш варақаси**

Манзил: Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ		Күн	
Ёзиб оловчининг Исми шарифи:		Иштирокчилар умумий сони:	
Фасилитатор/лар исми шарифи:		Эрлар сони:	
Услуб:	Оиласада полу- структурив интервью	Аёллар сони:	

**Нима муваффақиятли ўтди?**

**Қандай қийинчиликлар бўлди?**

**Қўшимча маълумот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:**

ҚУБ бўйича машғулот \_\_\_\_\_ Күн: \_\_\_\_\_

Ёзиб оловчининг исми-шарифи: \_\_\_\_\_

**Дагы қандай нерселерди байкадыңар?**

**Кирдаалды қандай баалап, қандай тыянакка келдиңар?**

## 4-СЕССИЯ: АМАЛИЁТ

### 4Б - сессия:

#### ҚУБНИНГ 8-ВОСИТАСИ: даромадлар ва чиқимлар матрицаси

**Тавсиф:** Даромадлар ва чиқимлар матрицаси – даромад ва чиқимларнинг турли манбалари нисбий аҳамиятини ўлчашга имконият берувчи воситадир. Восита муайян одамлар гурухининг даромадлари нақадар ишончли ёки ишончсиз эканини баҳолашга ҳам имкон беради. Чиқимлар матрицаси оила умумий даромадларининг қанча қисми асосий эҳтиёжлар (озиқ-овқат, сув, кийим, уй-жой, саломатликни сақлаш, маориф)ни қондиришга сарфланишини кўрсатади. Шунингдек, одамларда тежаб қолиш ёки иш учун керакли материаллар, ўғитлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш имкониятлари қанчалик эканини аниқлашга кўмаклашади.

**Мақсад:** Оиланинг даромад манбаларини (пул ва нутарл кўринишда) ва маблағлар гендер ўзгачалиги ҳамда оила даромадлари кўрсаткичидан келиб чиққан ҳолда қандай сарфланишини аниқлаш.

**Аудитория:** Иккита аралаш фокус-группа (аёллар ва эрлар): биринчи гуруҳда масала гендер нуқтаи назаридан, иккинчи гуруҳда оила даромадлари кўрсаткичидан келиб чиқиб муҳокама қилинади.

**Давомийлиги:** 2 соат

#### Асосий саволлар:

##### Даромадлар матрицаси:

1. Ҳамжамиятда пул ва натура кўринишади бўлган даромадлар манбайнини айтинг.
2. Кимлар чекланган даромад манбаларига эга?
3. Кимнинг даромад манбалари кўпроқ?
4. Муҳтоҷларнинг даромад манбаларини бой оиласалар даромад манбалари билан со-лиштиринг.
5. Аёлларнинг даромад манбаларини эрлар даромад манбаи билан қиёсланг.

##### Чиқимлар матрицаси:

1. Йил давомида чиқимлар қандай бўлиштирилади?
2. Аҳолининг асосий қисми қандай ҳаражатлар қиласди?
3. Ҳар бир ижтимоий гуруҳ даромадларидан қанчаси озиқ-овқат, кийим, уй-жой, саломатликни сақлаш ва маориф каби асосий эҳтиёжларга йўналтирилади?
4. Ким пулни тежаб, тўплаш имкониятига эга?
5. Ким иш самарадорлигини оишириш мақсадида тежаб қолиш ёки иш учун керакли материаллар, ўғитлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш имкониятларига эга?
6. Аёлларнинг чиқимлари эрларнинг чиқимларига нисбатан қандай?

#### Фасилитация қандай ўтказилади:

##### Даромадларида фарқлар бўлган гуруҳ учун:

1. Фокус-группа иштирокчиларига уларнинг даромад манбалари ва улар ишлаб топилган маблағларни қандай сарфлашини билишни истаётганингизни тушунтиринг. Сизни уларнинг даромадлари миқдори қанча экани эмас, бу даромадни қаердан олишлари қизиқтиришини айтинг.
2. Иштирокчилардан ўз даромад манбаларини санаб ўтишни илтимос қилинг. Даромад манбалари қаторига пул ва натурал кўринишда ҳамда бартер орқали топилган даромадларни ҳам киртишни илтимос қилинг.
3. Матрицани ерга ёки катта қоғозга чиза бошланг.
4. Даромад манбаларини матрицада горизонтал тарзда жойлатиринг. Гуруҳ иштирокчилари турли даромад манбаларини рамз этувчи предметлардан даромад манбаларини белгилашда фойдаланиши мумкин.

5. 50та унча катта бўлмаган тош тўпланг (болалардан бу ишда сизга кўмкак беришларини сўранг). Бу тошлар ҳамжамиятнинг бир йилда топган барча даромадларини ифодалашини тушуниринг.
6. Иштирокчилардан камбағал, ўрта ҳол ва бой оиласадан иборат уч гуруҳни ифодалаш учун 50та тошни 3 тўпга ажратишни илтимос қилинг.
7. Иштирокчилар уч гуруҳдан биттадан вакилни танлаб олади, улардан ҳар бири гуруҳ томонидан танланган тошларни олади.
8. Гуруҳ вакиллари матрицага вертикал тарзада туришади.
9. Шундан сўнг улар тошларни муайян даромад манбалари остига қўяди. Барча тошлар қўйиб бўлингунига қадар бу иш давом этади.
10. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий гуруҳга мансуб даромадлар остига қўйилган тошларни санаб, натижани ёзинг.
11. Ҳаражатларни аниқлаш учун ҳам мана шу ҳаракатни такрорланг. Шартли белгилар учун қўл остингизда мавжуд бўлган материаллардан фойдаланиб, янги матрицани чизинг. Гуруҳдан, тежаб қолинган маблағ билан бир қаторда барча чиқимларни айтишни илтимос қилинг.
12. Уч гуруҳ вакиллари тошларни қайта териб олиб, уларни ўз маблағларини қандай ишлатишиларига қараб, қайтадан териб чиқади.
13. Мазкур машғулот ҳамжамиятга мавжуд муаммоларни яхшироқ тушунишга ҳамда уларни мустақил ҳал этишни ўргатишга имконият берувчи кўплаб воситалардан бири эканини тушуниринг.

**Гендер ўзгачалиги мавжуд гуруҳ учун:**

1. Жараён юқоридагига ўхшаш. Матрицанинг горизонтал ўқи бўйлаб эрлар ва аёллар учун иккита колонкани жойлаштиринг. Иштирокчилардан яна ўз даромад манбаларини санаб ўтишни илтимос қилинг.
2. Яна 50та тош тўпланг. Уларни эрлар ва аёллар орасида teng (25тадан) бўлиштиринг. Вакилларни танлаб олинг ва тақимлашни бошланг.

**Эслатма:**

Даромадлар ва чиқимларни мухокама қилиш жуда нозик масала бўлиши эҳтимол. Одамлар бу ҳақда жамоатчилик орасида гапиришни хушламайди. Улар қанча пул ишлаши сизни қизиқтирамаслигини, гап фақат даромадларни бўлиштиришни нисбатан амалга оширишингизни тушуниринг. Иккинчи нозик масала, сиз фокус-группа иштирокчиларидан тошларни бой, ўрта ҳол ва камбағал оиласада ўртасида қандай бўлиштиришни таклиф этганингизда пайдо бўлади. Тошларнинг умумий сони чекланган эканига амин бўлинг. Тошлар сони 50тадан кўп бўлмаслиги тавсия этилади.

**Материаллар:** Шартли белги сифатида қўлланиладиган қўл остингизда мавжуд бўлган материаллар ва тошлар.

**Даромадлар ва чиқимлар матрицасини ҳужжатлаштириш варақаси**

<b>Манзил:</b> Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ		<b>Кун:</b>	
<b>Ёзib олувчининг Исми шарифи:</b>		<b>Иштирокчилар умумий сони:</b>	
<b>Фасилитатор/лар исми шарифи:</b>		<b>Эрлар сони:</b>	
<b>Услуб:</b>	<b>Даромадлар ва чиқимлар матрицаси</b>	<b>Аёллар сони:</b>	

## 4-СЕССИЯ: АМАЛИЁТ

**Нима мұваффақиятли ўтди?**

**Қандай қийинчиликлар бўлди?**

**Қўшимча маълумот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:**

ҚУБ бўйича машғулот \_\_\_\_\_ Кун: \_\_\_\_\_

Ёзib олувчининг исми шариfi \_\_\_\_\_

**Натижалар: асосий саволларга олинган жавоблар:**

Ҳамжамиятда пул ва натурал шаклда олинадиган даромадларнинг асосий манбаларини айтинг.

Кимларнинг даромад манбалари чекланган? Тушунтиринг.

Кимнинг даромад манбалари кўпроқ? Тушунтиринг.

Муҳтоjlарнинг манбаларини бой оиласалар даромад манбалари билан қиёсланг.

Аёлларнинг даромад манбаларини эрларнинг даромад манбаи билан солиштиринг.

Чиқимлар йил давомида қандай бўлиширилади?

Аҳолининг кўпчилик қисмининг чиқимлари нималардан иборат?

Ҳар бир ижтимоий гуруҳ олаётган даромаднинг қанча қисми озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак, саломатликни сақлаш ва маориф каби асосий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилади?

**Ким пул тўплай олиши мумкин?**

Иш самарадорлигини ошириш учун асбоб - ўскуналар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа материалларни сотиб олишга ким маблағ ажратади?

**Эрларга нисбатан аёлларнинг ҳаражатлари қандай?**

**Сиз яна нималарни таъкидлашни истар эдингиз?**

**Сиз вазиятни қандай баҳолайсиз ва сизнинг хуносаларингиз қандай?**

**Илтимос, даромадлар ва чиқимлар матрицасини илова қилишни унутманг!**

### ҚУБНИНГ 8-ВОСИТАСИ: КҮН ТАРТИБИ

**Тавсиф:** Күн тартиби бир кун давомида бажариладиган барча фаолият турларини кўрсатади. Мазкур восита турли ижтимоий гуруҳлардаги меҳнат нисбатини солиштириш учун жуда самаралидир. Меҳнат соатларини солиштириш ким ҳаммадан кўпроқ ишлашини, ким фақат айrim фаолият турларида банд бўлаётганини, ким кун давомида айrim вазифаларни бажаршини ва кимда дам олиш ҳамда ухлаш учун бўш вақт кўпроқ эканини кўрсатади.

**Мақсад:** Турли одамлар кун давомида нима билан машғул бўлишини ва уларнинг фаолияти нақадар оғир ёки енгил эканини аниқлаш.

**Аудитория:** Аёллар ва эркаклар фокус-группалари, шунингдек, вақт имкон берса, ўғил болалар ва қизлар учун ҳам фокус группа ўтказиш мумкин.

**Давомийлиги:** 1 соат

## 4-СЕССИЯ: АМАЛИЁТ

### Асосий саволлар:

1. Ҳар бир иштирокчи ўз вақтини қандай бўлишиширади?
2. Аёлларнинг кун тартиби эрлар кун тартибидан нимаси билан фарқ қиласди?
3. Кимнинг иш билан бандлиги ўта тифиз?
4. Кимда дам олиш ва кўнгил очишга вақт бор?
5. Аёллар/қизлар ўтин ва/ёки сув йиғиш учун бир кунда неча соат сарфлайди?

### Фасилитация қандай ўтказилади:

1. Эрлар ва аёллар учун алоҳида фокус-группа ташкил этинг. Ҳар бир групуда турли ижтимоий-иқтисодий груп вакиллари борлигига амин бўлинг.
2. Фокус-группа иштирокчилари бегим кунлари нима билан банд бўлиши сизни қизиқтираётганини тушунтиринг.
3. Улардан ўз кун тартибини соат циферблати шаклида чизиб беришни илтимос қилинг. Гапни улар кеча нима қилгани ёки улар йилнинг бу фаслида ўз кунларини қандай ўтказишлари тўғрисидаги саволдан бошлаш мумкин. Улар одатда соат қанчада уйқудан туришлари тўғрисидаги саволдан бошлаш маъқулроқ бўлади.
4. Улар бир кун олдин бажарган фаолият турларини расм шаклида ифодаланг ва ҳар бир иш учун қанча вақт сарфланганини белгиланг. Бунинг учун соат циферблатини айлана шаклида чизинг. Айлана ичига фаолият турларини қайд этинг. Бир вақтнинг ўзида бажарилган ишни (масалан, болаларга қараш ва овқат тайёрлаш) циферблатнинг битта секторида белгилаш мумкин.
5. Расм чизиб бўлингач, фокус-группа иштирокчиларига белгиланган фаолият турлари бўйича саволларни беринг.
6. Айни пайтдаги йил фаслини кўрсатинг (масалан, қиш).
7. Агар вақт имконият берса, иштирокчилардан йилнинг бошқа фаслларидағи бегим кунлари бажариладиган ишларни циферблат тарзида чизишини илтимос қилинг.
8. Циферблатларни солиширинг.
9. Фокус-группа иштирокчиларини уларнинг юмушлари ва меҳнат бандлиги масаласида сўровдан ўтказиш учун юқоридаги асосий саволлардан фойдаланинг.
10. Мазкур машғулот ҳамжамиятга мавжуд муаммоларни яхшироқ тушунишга ҳамда уларни мустақил ҳал этишни ўргатишга имконият берувчи кўплаб восталардан бири эканини тушунтиринг.

Циферблат расмини қоғозга кўчиринг. Расмларда улар қайси груп иштирокчи томонидан чизилгани ва йил фасли қайд этилганига ишонч ҳосил қилинг.

**Материаллар:** Флипчарт, рангли маркерлар ва жазвал.

**Эслатма:** Сиз кечада кунни қандай ўтказганингиз тўғрисидаги расмдан бошлаш мумкин. Қоғозга катта айлана чизиб, қачон уйқудан турганингиз, қачон уйқуга ётишингиз, кун давомида нима қилишинигзни қайд этинг. Деталларга аҳамият бериш зарур эмас, лекин расмда кундалик ишларингиз: асосий фаолиятингиз, уй юмушлари, болаларга қараш ва шу кабилар акс этганига ишонч ҳосил қилинг.

### Кун тартибини ҳужжатлаштириш варақаси

Манзил: Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ		Кун:	
Ёзib оловчининг Исми шарифи:		Иштирокчилар умумий сони:	
Фасилитатор/лар исми шарифи:		Эрлар сони:	
Услуб:	Кун тартиби	Аёллар сони:	

**Нима мұваффақиятли үтди?**

**Қандай қийинчиліктер бўлди?**

**Қўшимча маълумот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:**

ҚУБ бўйича машғулот \_\_\_\_\_ Кун: \_\_\_\_\_

Ёзиг олувчининг исми-шарифи: \_\_\_\_\_

**Натижалар: асосий саволларга олинган жавоблар:**

**Ҳар бир иштирокчи ўз вақтини қандай бўлиширади?**

**Аёллар кун тартиби эрлар кун тартибидан нимаси билан фарқ қиласи?**

**Кимнинг кун тартиби тиғиз? Нима учун?**

**Кимнинг дам олиш ва кўнгил очишга вақти бор? Нима учун?**

**Аёллар/қизлар бир кунда ўтин ва/ёки сув йиғишига неча соат сарфлайди?**

**Сиз яна нималарни таъкилашни истардингиз?**

**Сиў вазиятни қандай баҳолайсиз ва сизнинг хуносаларингиз қандай:**

## 4-СЕССИЯ: АМАЛИЁТ

**Илтимос, соат расмлари нусхасини илова қилишни үнүтманг!**

**«Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим» амалиётда: Босқичма-босқич амалга ошириладиган тадбирлар режасининг Тўқмоқдаги 6-сонли мактабда бажарилиши**

**Сушанло Алия ва Асия, тенгдош устозлар, 9-синф**



«Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим» дастурининг мактабимиз доирасида амалга оширилиши бизга ката имкониятларни яратиб берди. Тенгдошларимиз билан «Гендер», Қаллиқни зўравонлик билан олиб қочиш», «Эрта турмуш қуриш ва унинг салбий оқибатлари», «Команда ташкил этиш», «Эдвокаси», «Суицид» каби мавзулардаги қизиқарли маърифий материалларни ўрганиш билан бир қаторда, биз олинган билим ва кўнималарни амалда қўллаш каби уникал имкониятга эга бўлдик. Сиз қандай қилиб, деб сўраяпсизми? Биз бунга босқичма-босқич тадбирлар режасини амалга ошириш орқали эришдик.

Ағуски, мактабимизда 8 ва 9-синф ўқувчи қизлари орасида эрта турмушга чиқиш ҳолатлари тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Бизнинг командамиз бу вазиятни қўл қовуштириб, жим кузатиб туришни истамади. Шунинг учун вазиятни ўзгартириш мақсадида ҳаракатлар режасини ишлаб чиқдик ва тадбирлар ўтказдик. Энг аввало мактаб ҳамжамиятини эрта турмушга чиқишининг салбий оқибатларидан огоҳлантириш керак эди. Биринчи босқичда анкеталаштириш ўтказдик. Бундан мақсад ёш қизлар ўқишини давом эттиришдан воз кечиб нега турмушга чиқиб кетаётганини ва бизнинг ҳамжамият эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларидан нақадар боҳабар эканини аниқлаш эди. Олинган маълумотларни ўрганиб чиққанимиздан сўнг, ҳамжамиятимиз ўқувчиларига синф соатлари ўтишда нималарга аҳамият қаратишимиз кераклигини билиб олдик. 197 ўқувчи орасида ўтказилган анкеталаштириш оқибатида, ўқувчилар эрта турмушга чиқиш сабабларни қўйидагича тушуниши аниқланди:

- 131 (66%) ўқувчи бу севги асосида қурилган никоҳ, деб ҳисоблайди;
- 30 (15%) ўқувчи эрта турмуш қуриш оқибатида ёшлар эртароқ молиявий мустақилликка эришади, деб ҳисоблайди;
- 20 (10%) ўқувчи бунга ҳомиладорлик сабаб бўлган, деб ҳисоблайди;
- Сўралганларнинг 16 (8%) “ота-оналар мажбурлаши” оқибатида эрта турмуш қурилади, деб ўйлади.

Синф соатларини ўтказишида биз “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” қўлланмасидаги материаллардан ҳамда видеоматериалдан фойдаландик. Шундай қилиб, биз тенгдошларимизни эрта турмушга чиқишининг салбий оқибатларидан огоҳлантиридик ҳамда уларга ўқишини давом эттириш ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш орқали қандай имкониятларга эга бўлишларини тушунтиридик. Бу эса қизларга ўзларига нисбатан ишонч ҳосил қилишга, олий таълим олишга ва келажакда касбий жиҳатдан ўсишига кўмак кўрсатади.

Биз томонимиздан мактабимиз доирасида ўтказилган эрта турмушга чиқишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар бошқа мактаблар ҳамжамиятларида ҳам ўтказилиши мумкин. Шунинг учун биз ҳамма тенгдош устозларни ҳаракат қилишга чақирамиз! Ахир эрта турмуш қуриш ҳақиқатан ҳам бизнинг душманимиз!

05

## ҚҰБНИНГ 9-ВОСИТАСИ: ҲАМЖАМИЯТДА СЕМИНАР

**Эслатма:** қүйіда келтирилған маълумот тенгдошларингиз, қариндошларингиз ва шу қабиларга сиз аввал үтказған дала машғулотлари ҳақида берадиган ҳисоботингиздир. Бироқ қүйіда берилған инструкциялар ҚУБ жараёнида үтказилған ишлар ҳақида кенгроқ доирага ахборот беришга маослаштирилған. Мазкур машғулот ҳамжамиятта мавжұд муаммоларни яхшироқ тушунишга ҳамда уларни мустақил ҳал этишни ўргатишига имконият берувчи күплаб восталардан бири эканини тушунтириңг.

### Мақсадлар:

- Баҳолаш яқунлари асосида чиқарылған асосий хұлоса ва натижаларни ҳамжамиятта тақдим этиш.
- Ҳамжамиятта баҳолашнинг асосий натижаларини мұхокама қилиш учун имконият бериш.
- Кейинги ҳаракатлар, шунингдек, ҳамжамият ва үнинг аязолари роли ва мажбуриятлари борасида келишувга эришиш.

### Услублар:

- Презентация.
- Групта мұхокама қилиш.

### Мақсадлы гурӯҳлар:

Әрлар, аёллар, шунингдек, ижтимоий-иктисодий гурӯҳлар ва түрли ёшдаги гурӯҳларнинг тенг иштирокини таъминлаган ҳолда маҳаллий ақоли билан умумий йиғилиш үтказинг. Учрашувда қишлоқ раиси ёки оқсоқоллар судининг аязолари каби нұфузли одамлар ҳам иштирок этиши керак.

### Фасилитаторлар:

ҚУБ командасининг барча аязолари.

### Презентациядан кейинги асосий саволлар:

- Ҳамжамиятнинг баҳолашнинг асосий натижаларига нисбатан мұносабати қандай бўлди?
- Ҳамжамият ўзида мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда баҳолаш натижасида аниқланған муаммоларни ҳал этиш учун ҳозирданоқ қандай ҳаракатларни амалга ошира олади?

## 5-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ 9-ВОСИТАСИ: ҲАМЖАМИЯТДА СЕМИНАР

### Маҳаллий муаммоларни ҳал этиш бўйича ҳаракатлар матрицаси

№	Муаммо	Муаммони ҳал этиш учун зарур ҳаракатлар	Ҳамжамиятда ким лидер?	Ким кўмак кўрсатади?	Ҳаракатлар қачон амалга оширилди?	Маҳаллий даражада зарур ресурслар ва уларнинг манбалари

### Бажариладиган иш тартиби:

1. ҚУБ дала командасининг лидери сўнгги бир неча кун ичидаги амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб беради.
2. ҚУБ командасининг барча аъзолари (фасилитаторлар ва ёзиб олувчилар) ҚУБ машғулотлари жараёнида олинган натижалар ва хulosаларни тақдим этади. Асосий хulosалар ва натижалар баҳолаш матрицасида акс этган. Унда асосий саволлар, асосий натижалар, ҳамжамиятнинг кучли ва заиф томонлари, ташки имкониятлар, таваккаллар ва хulosалар қайд этилган.
3. Барча натижалар тақдим этилганидан сўнг иштирокчиларни тўрт гурӯхга бўлиш лозим бўлади:
  - ҳамжамият лидерлари, қишлоқ ҳукумати ходимлари, қишлоқ кенгаши аъзолари;
  - катта ёшдаги эрлар;
  - катта ёшдаги аёллар;
  - ёшлар (ўсмирлар ва 20 ёш атрофидаги одамлар).
4. Ҳар бир гурӯх тақдим этилган ҚУБ жараёни натижалари ва хulosаларини мұҳокама қилиб, улар (ҳамжамият лидерлари, катта ёшдаги эрлар, катта ёшдаги аёллар, ёшлар) мавжуд ресурс базаси доирасида (инсон ресурслари, молиявий, табиий, ижтимоий, институционал ва бошқа) аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун қандай ҳаракатлар қила олиши мүмкнингини ўйлаб кўриши лозим. ҚУБ командаси SWOT-таҳлил (ҳамжамиятнинг кучли ва заиф томонлари таҳлили)нинг турли элементларидан фойдаланган ҳолда барча гурӯхларнинг максимал даражадаги иштирокини таъминлаб, мазкур машғулотни фасилитация қилиши мүмkin. Масалан, ҳамжамият қандай заиф томонларни енгib ўтиши ва қандай кучли томонларга аҳамият қаратиши лозим? Ташки имкониятлардан қандай фойдаланиш ва ташки таҳдидларни қандай бартараф этиш мүмкін? Бу ишда ижтимоий ҳимоя ходимлари қандай рол ўйнайди?

## 5-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ 9-ВОСИТАСИ: ҲАМЖАМИЯТДА СЕМИНАР

5. Ҳар бир гурӯҳ ўз хулоса ва натижаларини умумий иғилишга тақдим этади, шундан сўнг ҳаракатлар матрицаси тузилади. Мазкур матрицада ким нима учун масъул бўлани ва қайд этилган тадбирлар қачон амалга оширилиши кўрсатилади.

6. Манфаатдор томонлар ёки одамларнинг миннатдорчилик билдириши.

### Зарур материаллар:

1. Асосий саволлар, асосий натижалар ва хулосалар, SWOT-таҳлил натижалари ва ўтказилган машғулотлар бўйича якуний хулосалар ёзилган флипчартлар (буларнинг барчасини йиғилиш бошлангунига қадар тайёрлаб қўйиш зарур).
2. Гуруҳлардаги муҳокамалар ва олинган мажбуриятларни ёзиш учун флипчартлар.

### Умумий йиғилишни ҳужжатлаштириш варақаси

Манзил: Қишлоқ ҳукумати, қишлоқ		Кун:	
Ёзигб оловчининг исми шарифи:		Иштирокчилар умумий сони:	
Фасилитатор/лар исми шарифи:		Эрлар сони:	
Услуб:	Презентация, гуруҳда муҳокама	Аёллар сони:	

Нима муваффақиятли ўтди?

Қандай қийинчиликлар бўлди?

Қўшимча маълумот ёки сиз алоҳида таъкидламоқчи бўлган кузатиш:

ҚУБ бўйича машғулот \_\_\_\_\_ Кун: \_\_\_\_\_

Ёзигб оловчининг исми-шарифи: \_\_\_\_\_

Натижалар: асосий саволларга олинган жавоблар:

Ҳамжамият лидерлари

ҚУБнинг асосий натижалари ва хулосалари юзасидан шарҳлар

## 5-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ 9-ВОСИТАСИ: ҲАМЖАМИЯТДА СЕМИНАР

**Мавжуд ресурс базаси (инсон ресурслари, молиявий, табиий, ижтимоий, институционал ва бошқа ресурслар) доирасида ҳамжамият лидерлари аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун қандай ҳаракатларни амалга ошира олиши мүмкін?**

**Ҳамжамиятнинг кучли жиҳатларини мустаҳкамлаш**

**Ҳамжамиятнинг заиф жиҳатларини енгиб ўтиш**

**Гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқини кенгайтиришни ривожлантириш соҳасида ташқи имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш**

**Гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқи ҳамда имкониятларини кенгайтириш соҳасида ижтимоий ривожланиш учун ташқи таҳдидларни камайтириш:**

**Катта ёшдаги эрлар:**

**ҚУБНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ ВА ХУЛОСАЛАРИ ЮЗАСИДАН ШАРХЛАР**

**Мавжуд ресурс базаси (инсон ресурслари, молиявий, табиий, ижтимоий, институционал ва бошқа ресурслар) доирасида эрлар аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун қандай ҳаракатларни амалга ошира олиши мүмкін?**

**Ҳамжамиятнинг кучли жиҳатларини мустаҳкамлаш:**

**Ҳамжамиятнинг заиф жиҳатларини енгиб ўтиш:**

**Ҳамжамиятни ривожлантириш мақсадида ташқи имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш:**

**Ҳамжамият ривожланиши учун ташқи таҳдидларни камайтириш:**

## Катта ёшдаги аёллар:

## Құбнинг асосий натижалари ва хulosалари юзасидан шарҳлар

**Мавжуд ресурс базаси (инсон ресурслари, молиявий, табиий, ижтимоий, институционал ва бошқа ресурслар) доирасида аёллар аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун қандай ҳаракатларни амалга ошира олиши мүмкін?**

## **Ҳамжамиятнинг кўчли жиҳатларини мустаҳкамлаш:**

## Ҳамжамиятнинг заиф жиҳатларини енгил ўтиш:

Ҳамжамиятни ривожлантириш мақсадида ташқи имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш:

**Ҳамжамият ривожланиши учун ташқи таҳдидларни камайтириш:**

## Ёшлар:

Құбнинг асосий натижалари ва хүлесалари юзасидан шарҳлар

Мавжуд ресурс базаси (инсон ресурслари, молиявий, табиий, ижтимоий, институционал ва бошқа ресурслар) доирасида ёшлар аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун қандай ҳаракатларни амалга ошира олиши мүмкін?

## Ҳамжамиятнинг кучли жиҳатларини мустаҳкамлаш:

## Ҳамжамиятнинг заиф жиҳатларини енгил ўтиш:

## 5-СЕССИЯ: ҚУБНИНГ 9-ВОСИТАСИ: ҲАМЖАМИЯТДА СЕМИНАР

Ҳамжамиятни ривожлантириш мақсадида ташқи имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш:

Ҳамжамият ривожланиши учун ташқи таҳдидларни камайтириш:

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш (*қишлоқ раиси, қишлоқ ҳукумати, қишлоқ кенгаси*) ҚУБнинг асосий натижалари ва хуносалари юзасидан шарҳлар:

Мавжуд ресурс базаси (инсон ресурслари, молиявий, табиий, ижтимоий, институционал ва бошқа ресурслар) доирасида эрлар аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун қандай ҳаракатларни амалга ошира олиши мумкин?

Ҳамжамиятнинг кучли жиҳатларини мустаҳкамлаш

Ҳамжамиятнинг заиф жиҳатларини енгиб ўтиш:

Ҳамжамиятни ривожлантириш мақсадида ташқи имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш:

Ҳамжамият ривожланиши учун ташқи таҳдидларни камайтириш:

Сиз яна нималарни таъкидлашни истар эдингиз?

Сиз вазиятни қандай баҳолайсиз ва сизнинг хуносаларингиз қандай:



## Ижтимоий ўзгаришлар театри

04

Кириш ва оёқ-қўл чигилини ёзиш  
Образлар яратиш  
Спектаклни саҳналаштириш  
Спектаклни саҳналаштириш  
ва мукаммаллаштириш  
Спектаклни намойиш этиш

111

116

119

122

124

# КИРИШ

## КИРИШ

Мазкур бўлимда “Менинг хавфсиз ва осойишта мактабим” лойиҳаси иштирокчиларининг артистлик қобилияtlарини аниқлаш ва уни ўрганиш методлари келтирилган. Бўлимда саҳана образлари яратиш орқали форум ташкил қилиш ҳақида айтилади. Ҳар бир иштирокчи саҳана нада ўзининг бирон воқеа-ҳодисага муносабатини билдирибгина қолмай, у ёки бу воқеани ўйин шаклида кўрсатиб, реал ҳаётдаги ўзлигининг акси бўлган ролни ўйнаши мумкин. Шундай қилиб, форум иштирокчилари ўз артистлик қобилияtlарини намойиш этади, кимнингдир вазиятига “киришни”, бошқа одам қиёфасини яратишни, аввал ўзига номаълум бўлган ҳислатни ва кечинмаларни бошидан кечиришни ўрганади. Бу каби тажриба иштирокчиларнинг дунёқарашини ўзгартиради, стереотипларни бузади ҳамда балки ўзларида аввал мажуд бўлган айрим ўзини тутиш моделлари тўғрисида ўйланиб кўришга ундаиди. Шундай қилиб, мазкур бўлимнинг мақсади артистлик кўникмаларини ривожлантириш билан бир қаторда, конфликт ва конфликт олди вазияtlарини бартараф этишга кўмаклашувчи кўникмаларни беришдир. Бошқача айтганда, мазкур бўлимдан мақсад – ижтимоий ўзгаришларга чақиришдир. Ижтимоий эффектив бўлиши лозим бўлган театр методологияси тўғрисидаги ўйлар ортидан “Ижтимоий ўзгаришлар театр” ғояси пайдо бўлди. Мазкур ғоя бразилиялик Августо Боал томонидан 1971 йилда ишлаб чиқилган “Мазлумлар театр” моделига асосланган. Боал мазкур моделни мукаммаллаштириб, икки йилда бутун дунёда қўлланила бошланган “Форум театр”ни яратди. Мазкур форманинг “Кўринмастеатр”, “Образлар театр” ва “Қонунчилик театр” каби кўринишлари ҳам мавжуд. Боал ғоялари билан узвий боғлиқ бўлган “Ижтимоий ўзгаришлар театр”ни “диалоглар ўйини”, деб аташ мумкин.

Айни пайтда мазкур ўйин қаттиқ тартиб-интизомни талаб қиласи ҳамда иштирокчилар мувайян қоидаларга амал қилиши шарт, бироқ улар ўз ижодий ғояларини амалга оширишда эркин бўладилар. Ижтимоий ўзгаришлар театрида тартиб-интизом ва эркинликнинг ўртасида шундай ўйғунлик борки, у бутун умр ижобий таъсирга эга бўлиши мумкин. “Ижтимоий ўзгаришлар театр” фақат тартиб-интизомни талаб қилиб қолмай, ҳаётга ижтимоий муносабатни шакллантиради, иштирокчилар муҳитида таъсир қиласи ва уларнинг мактабини хавфсиз ҳамда осойишта мактабга айлантиради. Августо Боал айтганидай “...тартиб-интизомсиз ижтимоий ҳаёт бўлмайди, эркинликсиз эса ҳаёт бўлмайди”.

Мазкур боб Y-PEER ёшлар тармоғи қўллаб-қувватловида ёзилди.

### Бўлим режаси:

Пре-тест

1-сессия: Кирish ва оёқ-қўл чигилини ёзиш

2-сессия : Образлар яратиш

3-сессия: Спектаклни саҳналаштириш

4-сессия: Спектаклни саҳналаштириш ва мукаммаллаштириш

5-сессия: Спектаклни намойиш этиш

Пост-тест

Глоссарий

**Пре-тест:**

1. Сиз аввал театр постановкаларида иштирок этганимисиз?

Ха

Йүқ

2. Агар «ха» бўлса, постановкадан мақсад нима эди?

3. Агар «ҳа» бўлса, постановкага ким сифатида жалб қилингансиз?

4. Сиз аввал «Ижтимоий ўзгаришлар театри» ҳақида эшитганимисиз?

Ха

Йүқ

5. Нима деб ўйлайсиз, театр ижтимоий ўзгаришларга эришилишига кўмак кўрсата оладими?

Ха

Йүқ

# 1-СЕССИЯ: КИРИШ ВА ҚҮЛ-ОЁҚ ЧИГИЛИНИ ЁЗИШ

01

## КИРИШ ВА ҚҮЛ-ОЁҚ ЧИГИЛИНИ ЁЗИШ

**Мақсад:** иштирокчиларни бир –бирлари билан танишириш, ularни түрли роллар билан танишириш, иштирокчиларга “Маорифдаги театр”ни тақдим этиш, гурӯҳда ишлаш учун асосий қоидаларни ишлаб чиқып ҳамда иштирокчиларга таълим беришга қаратилған машғулоттарни бошлаш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Тадбир	Вақт, мин.
1	Исмларни текті билан айтиш ўйини	20
2	«Маорифдаги театр» ва үнинг асосий қоидалари обзори	20
3	“Марш-стоп” машғулоти	20
4	“Ха, аммо...” машғулоти	20
5	“Құл үшлашиб саломлашишнинг ақамияти” машғулоти	20
6	“Айланани ёпиш” машғулоти	20

**Мазкур семинардаги роллар:**

1. Фасилитатор
2. Күзатувчи
3. Иштирокчилар
4. Жокер

**Эслатма:** Қуйидаги машғулотни бажаришга киришишдан олдин фасилитатор үзни танишириши ва тенгдошларини назорат қилип бориши лозим. Фасилитатор тенгдошларига раҳбарлық қилади, ularни сессиядан сессияга йўналтиради. Фасилитатор – лидерлик ва коммуникатив кўнималарга, шунингдек, сессияларни муайян даражада модерация қилиш учун зарур билимга эга бўлган одам.

Сессиялар пайтида тенгдошлардан бири бўлиб ўтаётган воқеаларни кузатиб ва ёзиб бориши лозим. Бу ишни яхшилаш ва бошқа ўқувчиларга ҳамда катталарга сессияларни таҳлил қилиш учун зарур бўлади, бунинг ортидан эса семинарлар сифати яхшиланади. Мазкур вазифани бажарувчи ҳамкор “күзатувчи”, деб аталади.

## 1-СЕССИЯ: КИРИШ ВА ҚҮЛ-ОЁҚ ЧИГИЛИНИ ЁЗИШ

**1-машғұлот:** Исларни текті билан айтиш.

**Мақсад:** иштирокчиларни бир-бирләрі билан танишириш.

**Давомийлиги:** 20 дақықа.

### Жараён:

Иштирокчилардан айланна шаклида туришни ва қарсак билан 1-2, 1-2-3 тактини чалишни илтимос қилинг. Ҳар бир иштирокчи ритмга түшиб олғаныдан сүңг, фасалитатор қарсак ўрнига ҳар бир одам айланадан бир қадам олдинга чиқиб үз исмини (бир марта) овоз чиқариб айтishi ва уни ҳаракат билан түлдириши кераклигини тушунтиради. “1” дейилганды ҳаракат содир этилади ва исм айтиласы, “2” дейилганды уни гурұх тақрорлайды. Шундан сүңг барча исмни ва үз исмини айтган одамнинг ҳаракатини уч баробар, 1-2-3 ҳисобида тақрорлайды. Барча иштирокчилар үз исмини айттың бүлмагұнлары, үйин шу тарзда давом этады.

### Фасалитатор үчүн инструкция:

Фасалитатор ҳар доим иштирокчилар билан ҳамкорлық қилиши, машғұлотлар тугаганда қарсак чалиб, уларни құллаб-құвватлаши керак. Бундан ташқары фасалитатор машғұлотларни диққат билан күзатып, конфликтли вазиятлар билан боғылған бўлиши мумкин бўлган нозик вазиятларни илғаб олиши лозим. Агар бундай вазиятлар мавжуд бўлса, фасалитатор кузтаувчидан буни ёзиб олишни илтимос қилади.

### Машғұлот үчүн саволлар:

- Машғұлот пайтида **нимани** ҳис қилдингиз ва **німа** ҳақида үйландингиз?
- Үйиндаги иштирокингиздан **қандай** хулюслар чиқардингиз?
- Бу үйинни мактабингиздаги, университетингиз ёки ҳамжамиятингиздаги ҳаётга **қандай** қиёслаш мумкин?

**Тушунтириш:** иштирокчилар айланна шаклида туриб қарсак чалади. Улардан бири айланна марказига чиқиб, қандайдыр ҳаракатни күрсатади ва исмини айтади.

**2-машғұлот:** “Маорифдаги театр” ва унинг асосий қоидалари обзори.

**Мақсад:** “Маорифдаги театр”нинг тенг принципи асосидаги таълимнинг воситаси эканига қисқа обзор бериш, шунингдек, гурӯхда ишлешнинг бир қатор қоидаларини келишиб олиш.

**Давомийлиги:** 20 дақықа.

### Жараён:

Фасалитатор “Ижтимоий үзгаришлар театри”ни тақдим этишидан олдин, иштирокчиларга 3-Х-У харфлари ёзилған қоғоз тарқатади (Театр ҳақидаги саволларга жавоблар: “3” “Билалман”; “Х” –“Билишни истайман”, деган маңноларни билдиради. Бу саволларга улар семинардан німа кутаётгандардың ва нималарни билишни исташларини ёзишлари керак. “У” эса “Мен семинардан нималарни билиб олдым”, деган маңноларни билдиради). “Ижтимоий үзгаришлар театри” якуннан иштирокчиларга яна 3-Х-У харфлари ёзилған қоғоз тарқатылады ва улар сүнгги сессияда бу саволларга жавоб беради.

Иштирокчиларни мазкур машғұлот билан танишириш учун фасалитатор семинарда театр асосида үқув материаллари яратып мақсадида воситалар тақдим этилишини тушунтириши керак. Бу юқорида айттың үтилған конфликтлар таҳлили пайтида аниқланған мұаммоларни ҳал этишдеги воситалардан бириди.

Фасалитатор келажақда үтиладиган сессиялар доирасыда олинған билимлар үқувчиларнинг үзини тутишини үзгартыриши ҳамда мактаблардаги вазиятни яхшилаши, хавфсиз ва осой-

## **1-СЕССИЯ: КИРИШ ВА ҚҮЛ-ОЁҚ ЧИГИЛИНИ ЁЗИШ**

Форум – театр иштирокчилариға “Маорифдаги театр” тарихига оид қуидаги фактларни айт-тиб бериш лозим:

- Театр – бутун дүнёда кенг оммалашган түйғуларни ифодалаш ва ҳикоя қилиш ҳамда турли маданиятларни бирлаштирувчи самарали восита.
  - Театр, шунингдек, маърифат ва янги ғояларни тарқатиш воситасидир.
  - Ёшлар билимни лекция эшлишидан кўра кўпроқ театр орқали яхшироқ ўзлаштиради.
  - Театр муаммога аудиторияни фаол жалб этади ва иштирокчиларга мавжуд муаммони хал этишга ёрдам беради.

Фасилитатор асосий қоидаларни билиш ҳам мұхим ақамиятга эга эканини тушунтириши лозим, чунки қоидалар үз фикрини әркін айтған ҳар бир одам үзини хавфсиз ҳис қилишига йұналтирилған бўлиши шарт. Иштирокчилар икки ёки учта қоиддани таклиф қиласы да үлар флипчартта ёзилади. Бу қоидалар икки ёки бир нечта иштирокчи бир пайтнинг үзида бир-бirlарига ҳұрматсизлик кўрсатыб, тенг гапириши тақиқланишига, шунингдек, конфиденциаллікни сақлашшга (хонада гапирилған гап мана шу хонадан ташқарига чиқмайды) қаратилған бўлиши мумкин. Иштирокчилар шерилларининг билим савияси ва тажрибаси турлича эканини тушуниши, бунга ва маданий үзгачаликларга ҳұрмат билан ёндошуви керак. Бажарилаётган ишни сабитлик билан бажаришга қаратилған асосий қоидалар ҳақида ҳам келишиб олиш, бу қоидалар бузилған тақдирда қандай оқибатлар пайдо бўлишини ўйлаб кўриш ҳам зарур. Сессия давомида барча мобил телефонлар ўчирилған бўлиши шарт, бу қоидага амал қилмаслик ҳұрматсизлик сифатида баҳоланади.

**Эслатма:** Барча ўйин ва машғулотлар “Ижтимоий ўзгаришлар театри” мақсадлари билан ўйғунлаштирилган. Иштирокчилар актёр ёки актёrlик салоҳиятiga эга бўлмаган оддий одамлардан иборат бўлиши мумкин. Тавсия қилинаётган машғулотлардан асосий мақсад - ҳар бир одам шахсини ривожлантириш, ўз нуқтаи назарини билдиришнинг янги усувларини топиш имкониятини яратиш.

Шундан келиб чиқиб айтиш мүмкінки, форум театрнинг мақсади форум иштирокчиларига ўзлари ва ҳамкорларини янгича шаклда тақдим этиш, бошқаларни эшитишга ўргатиш. Буни билиб олганларидан сұнг, иштирокчилар үз билимларини ижтимоий үзгаришлар йұналишида құллашлари мүмкін. Барча үйинлар кучли рамзларга әга. Булар реал ҳаётнинг метафораларидир ва уларни ҳар бир одам үз ҳаёттің тажрибасидан келиб чиқиб, турлича қабул қиласы.

Иш олиб бориладиган жойни тайёрлаш бўйича инструкциялар

## **Хона қүйидагиңа бўлиши шарт:**

- түсікласыз, очиқ, тоза ва илиқ;
  - ишонч билан таваккал қилиш мүмкін бўлган даражада ишончли жой;
  - ҳеч нарсадан уялмай хато қилиш мүмкін бўлган қулай жой;
  - диққатни бўлмайдиган ва бирон бир янги нарса ҳақида ўйлашга имкон берадиган жой;
  - турли эмоцияларни ҳис қила олиш имкониятини берадиган жой;
  - бирон нарсага нисбатан эътиrozни тортинмай айта оладиган жой.

### **3-машғұлғы: Марш – стоп.**

**Мақсад:** Гурухдаги ноқулайликни бартараф этиш ва гурухнинг яқдиллигини мустаҳкамлаш эфектига эришиш.

**Давомийлиги: 20 дақика.**

# 1-СЕССИЯ: КИРИШ ВА ҚҮЛ-ОЁҚ ЧИГИЛИНИ ЁЗИШ

## Жараён:

Фасилитатор иштирокчилардан хонада у ёқдан бу ёқقا юришни илтимос қиласы. Кейин “марш” ва “стоп” деган командаларни беради. Иккى дақиқадан сүнг командаларнинг маъноси ўзгаради, яъни “марш” “стоп”, “стоп” эса “марш” деган маънода қўлланилади. Ранг бараглик учун фасилитатор “исм/сакра” (исмингизни айтинг ва юқорига сакранг), “қўл/тизза” (қўлингизни кўтаринг ва кейин тиззангизга қўйинг), “бурун/сон” (қўлингизни бурнингизга, кейин сонингизга теккизинг) каби командаларни ҳам бериши мумкин.

## Фасилитатор учун инструкциялар:

Иштирокчиларни қўллаб-қувватланг. Барча ўзини эркин ҳис қилиши учун муҳит самимий бўлишига ҳаракат қилинг.

## 4-машғулот: “Ҳа, аммо...”

**Мақсад:** “жабр –зулм қилиш” тушунчасини тушунтириш.

**Давомийлиги:** 20 дақиқа.

## Жараён:

Иштирокчилар жуфтликларга бўлинади. Жуфтликдаги бир одам “А”, иккинчи одам “Б” деб аталади. “А” жабр-зулм қилувчи одам, “Б” эса мазлум. Жуфтликдагиларнинг ўzlари ким “А”, ким “Б” ролни ўйнашини ҳал этиши лозим (бир неча дақиқадан сүнг улар роллари билан алмашади). Улар, шунингдек, импровизация бошланишидан олдин конфликт сценарийсини ўзаро келишиб оладилар.

## Кофиликтли вазият намунаси:

Харидор (мазлум) зоомагазинда икки ҳафта аввал балиқчалар сотиб олди. Бироқ балиқча ўлиб қолгани учун у дўконга келиб, ўз пулини қайтариб олмоқчи. Сотувчи (жабр-зулм қилувчи): “Ҳа, аммо балиқлар узоқ яшамайди”, деб жавоб бериши керак. Харидор баҳслашишда давом этади, бироқ сотувчи ўз сўзидан қайтмай, харидорнинг талабига қарши ўз аргументларини келтиради (Ҳа, аммо...).

Шу пайтда фасалитатор: “Ҳаракатни тўхтатинг”, деб команда беради. Саҳна новебрал мулоқот билан якунланади, яъни томонлар ўз ҳис-ҳаяжонлари ва фикрларини сўзсиз ҳаракатлар билан ифодалайди.

Намуна: Мазлум ва жабр-зулм қилувчи ўз позицияларини акс эттирувчи позаларга туриши лозим, яъни мазлум-заифона, жабр-зулм қилувчи эса ғолиб позасида.

## Фасалитатор учун инструкция:

Фасилитатор барча тенг иштирок этаётганига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар бир жуфтлик ишини ва топшириқ ўз вақтида бажарилишини кузатиб бради. Иштирокчилар конфликтли вазиятни топшига ёки “ҳаракатни тугатишга” қийналлаётган бўлса, ёрдам кўрсатади. Фасалитатор ҳар бир жуфтликни қўллаб-қувватлаб, уларга импоровизациянинг исталган услуби тўғри келишини, муҳими улар аввал кўрсатилган вазиятларни такрорламаслиги кераклигини тушунтиради. Фасилитатор, шунингдек, зўравонлик муаммога ечим эмаслигини, зўравонлик мутлақо қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат эканини таъкидлайди.

## Машқдан сўнг гурӯҳда муҳокама қилиш учун саволлар:

- Машғулот пайтида **нималарни** ҳис қилдингиз ва **нима ҳақида** ўйландингиз?
- Ўйиндаги иштирокингиздан **қандай** хуносалар чиқардингиз?
- Бу ўйин мактабингиздан, университетингиздан ёки ҳамжамиятингиздаги ҳаёт билан **қандай** ўйғунлашган? Оддий ҳаётда мазлум ролида бўлиб қолиши мумкин бўлган гурӯҳлар номларини айта оласизми?

## 1-СЕССИЯ: КИРИШ ВА ҚҮЛ-ОЁҚ ЧИГИЛИНИ ЁЗИШ

**5-машғұлот:** Қүл ушлашиб саломлашишнинг аҳамияти.

**Мақсад:** муносабатлар құдрати ва динамикасини тәдқиқ этиш, бадан тилини үрганиш.

**Давомийлиги:** 20 дақықа.

### Жараён:

Бу машғұлотни бажариш учун иштирокчилардан бир жуфтлик ихтиёрий равишда саңнага қиқади. Улар бир-бирларининг құлларини ушлаб саломлашиш жараённи күрсатганича қотиб туришади. Шундан сүнг фасалитатор иштирокчилардан бу жуфтлик үртасидаги муносабатлар ҳақида ким қандай фикрда эканини, кимнинг позицияси күчлироқ эканини сүрайди. Бир неча дақықадан сүнг фасалитатор яна бир күнгилли жуфтликни саңнага таклиф қилиб, саломлашиш позициясида қотиб туришларини илтимос қиласы.

### Фасалитатор учун инструкциялар:

Иштирокчилар билан позитив тарзда ҳамкорлық қилинг. Уларга турлы позалар элементларини таҳлил қылышда құмаклашынг.

**6-машғұлот:** Айланани ёпиш.

**Мақсад:** ҳар бир семинардан ёки тақрорлашдан сүнг фойдаланыладиган анъянага үргатиш.

**Давомийлиги:** 20 дақықа.

### Жараён:

Сессия давомида олинган янги билимлар ва ҳиссиётлар билан ҳар бир иштирокчи үроқлашадиган вақт ҳам етиб келди. Бириңчи сессия якунида фасалитатор, шунингдек, иштирокчилардан жабр-зұлм қилиш нималагини, иштирокчилар бундай вазиятта тушган тушмаганини, қандай одамлар ёки гурухлар күпроқ зулмга учраши мүмкінлегини ҳам сүрайди; фасалитатор иштирокчиларга оддий ҳаётда дүч келиш мүмкін бўлган вазиятлар ҳақида ҳам ўйланиб кўришни таклиф қиласы.

### Фасалитатор учун инструкциялар:

Семинар якунида фасалитатор барчага миннатдорчиллик билдиради ва кейинги семинарни эълон қиласы.

### Иштирокчилар учун инструкциялар:

Иштирокчилар ҳар бир сессия ҳақида ўйланиб кўришлари ва қўйидаги икки саволга жавоб ёзишлари лозим:

1. Мазкур семинарда менга ижобий таъсир қилган нарса нима?
2. Бу ижобий тажриба менга қандай ёрдам бериши мүмкін ёки менинг бу ижобий тажрибага қўшаётган ҳиссам қандай?

02

**ОБРАЗЛАР ЯРАТИШ**

**Мақсад:** иштирокчиларнинг шахсий фикрлари ва тажрибасидан келиб чиқиб таклиф қилинган муайян муаммога бағишиланган сценарийлар қандай яратилишини күрсатиш.

**Давомийлиги:** 2 соат.

**Сессия режаси:**

№	Тадбир	Вақт, мин.
1	Айланани очиш (саломлашув, аввалги сессияга оид саволлар)	20
2	“Мен ҳис қилаяпман...” машғулоти	20
3	“Чиқиши-кириш”	20
4	“Тўртлар гурӯҳи”	40
5	“Айланани ёпиш”	20

**1-машғулот:** Айланани очиш.

**Давомийлиги:** 15 дақиқа.

**Жараён:**

“Ижтимоий ўзгаришлар театр” сессиясини айланани очиш билан бошлаш анъанага айланган. Фасилитатор барча билан саломлашади ва иштирокчиларнинг эмоционал кайфияти билан қизиқади. Шунингдек, айни пайтда иштирокчилар нима ҳақда ўйланаётганини ҳам сўраш мумкин. Шундан сўнг аввалги сессияларни эсга олиш, иштирокчилар қайси маълумотларни эсда сақлаб қолгани билан қизиқиб кўриш керак (айниқса маорифдаги театр ва унинг асосий қоидалари ҳақида).

Янги сессияни бошлар экан, фасилитатор аввалги сессияда “жабр-зулм қилиш” тушунчалиси билан танишганларини эслаб, бундан кейин “Ижтимоий ўзгаришлар театр”да яхшироқ ишлаш учун кўпроқ инсон танасининг ҳаракатларига эътибор қаратилишини айтади. Шундай қилиб, улар “Мазлумлар театр”нинг яна бир элементи – “образлар театр”га ўрганишади.

Тушунтириш: Иштирокчилар стулларда айлана шаклида ўтиришади. Тренер интерактив театр тарихи ҳақида гапириб беради.

## 2-СЕССИЯ: ОБРАЗЛАР ЯРАТИШ

**2-машғұлот:** “Мен ҳис қилаяпман...”

**Мақсад:** Образларни яратиши күнінің маңыздылығын анықтауды.

**Давомийлиги:** 10 дақықа.

### Жараён:

Фасилитатор иштирокчилардан айлана шаклида туришни, кейин эса навбатма-навбат айланна марказига чиқып, үzlари қачондир ҳис қылған исталған түйғуни (масалан, бағыт, соғынч) овоз чиқариб айтишини илтимос қиласы. Иштирокчилардан бири түйғуни айтганида, қолған иштирокчилар уни акс эттиришләри лозим.

### Фасилитатор учун инструкция:

Фасилитатор иштирокчиларга бу машғұлот пайтида түйғуларни турлича акс эттириш мүмкінлегини эслатади.

**3-машғұлот:** Чиқиши-кириш.

**Мақсад:** Актёрлик ва импровизация маҳоратини ошириш күнінің маңыздылығын анықтауды.

**Давомийлиги:** 15 дақықа.

### Жараён:

Фасилитатор иштирокчилардан жұфтликларға бўлинишни илтимос қиласы, жұфтлиқда уларнинг бири “А”, иккинчиси “Б” бўлади. Бу машғұлот иккиси саҳнага бўлинади.

Биринчи саҳна:

“Б”иштирокчи қандайдир бир жойни тасаввур қиласы. Масалан, тасаввурдаги нарса уй, оффис, самолёт бўлшиши мумкин. “А”иштирокчи дастлаб бу саҳнада пассив тарзда қатнашади. “Б”иштирокчи бирдан бу ерни тарк этмоқчи бўлганида, “А” сўз ва ҳаракатлар билан уни бу ердан кетмасликка кўндириши лозим.

Иккинчи саҳна:

“Б”иштирокчи қандайдир жойга тушиб қолишини тасаввур қиласы (масалан, касалхона, мактаб ва шу кабилар). “А”иштирокчининг вазифаси эса сўз ва ҳаракатлар воситасида “Б”ни бинога кирмасликка кўндириши.

Жұфтликлар ўз саҳналарини репетиция қилиб бўлгач, фасилитатор барчани яна айланага туришга чақиради ва кўнгиллардан ўз саҳналарини намойиш этиб беришни илтимос қиласы.

**4-машғұлот:** Тўртлар гуруҳи.

**Мақсад:** Иштирокчиларни “Образлар театри” билан таништириш ҳамда тана ҳаракатлари ифодалилигини ошириш.

**Давомийлиги:** 40 дақықа.

### Жараён:

Фасилитатор машғұлотни бошлаб, иштирокчилардан тўрт кишидан иборат гуруҳларни ташкил этишини илтимос қиласы (альтернатив тарзда беш кишилик гуруҳ ҳам ташкил қилиниши мумкин). Лидер қаторида танлаб олинган тенгдошлардан бири ўз гурухини ташкил этишга ҳа-

ракат қиласы. Бу иш сүзсиз тарзда, тенгдошларнинг инструкцияларига асосланган ҳолда амал-га оширилиши шарт.

Улар тенгдошларининг имо-ишора ва мимимкасига тақлид қилған ҳолда тана ва юз ҳаралтлари билан (аввалги сессияда таъкидланғани каби) зулм күрсатиш сақнасини намойиш этади ва муайян бир позада қотиб қолади. Бу жараёнда гурұх аъзоларига гапириш тақиқланади, фақат сақна намойиш этиб бўлинганидан кейингина фасалитатор лидерлар билан бу жараённи муҳокама қиласы. Фасалитатор лидерлар билан грухга қандай ҳолат (картина) күрсатилиши кераклигини ва бу картина қандай маъноларни англатиши мумкинлиги ҳақида суҳбатлашади. Шундай қилиб, аввал иштирокчилардан бир картинани танлаб олиш, улар нимани кўраётгандарини ва уни қандай интрепетация қилиш мумкинлигини айтиб бериш талаб қилинади (масалан, шарҳ қўйидагича бўлиши мумкин: кимдир кимнингдир устидан куляяпти).

Фасалитатор шундан сўнг иштирокчиларга картинани «кучайтириш»ни таклиф қиласы. Бу саҳнани ижро этган иштирокчилар уни “кучайтириб”, конфликтнинг ҳал этилишини намойиш этади. Фасалитатор яна муҳокамани бошлайди, шундан сўнг гурӯх лидери ўрталиқ образни топиш учун яна бир картинани кўрсатади (бу конфликт ва идеал тасвир ўртасидаги компромиссдир).

Шундан сўнг фасалитатор саҳнани намойиш этишда давом этажтан гурӯхга яқинлашиб, иштирокчилардан бирининг елкасига қўл теккизади. Фасалитатор елкасига қўлини теккизган одам, ўзи ўйнаётган рол ҳақида бир-икки оғиз сўз айтиши лозим. Шундан сўнг гурӯх йиғилиб, намойиш этилган бир нечта интерпретацияларни муҳокама қиласы.

Машғулот давом этади, машғулот пайтида фасалитатор уч марта қарсак уради ва иштирокчилар ҳар сафар қарсакни эштигандарида ўз ғояларини намойиш этган ҳолда ҳаракат қилишлари лоизм.

**5-машғулот:** Айланани ёпиш.

**Мақсад:** Айланани ёпиш анъанасини давом эттириш ва очиқ қолаётган саволларга жавоб топиш.

**Давомийлиги:** 15 дақиқа.

**Жараён:**

Сессия давомида олинган янги билимлар ва ҳиссиётлар билан ҳар бир иштирокчи ўроқлашадиган вақт ҳам етиб келди.

**Иштирокчилар учун инструкциялар:**

Иштирокчилар ҳар бир сессия ҳақида ўйланиб кўришлари ва қўйидаги икки саволга жавоб ёзишлари лозим:

1. Мазкур семинарда менга ижобий таъсир қилған нарса нима?
2. Бу ижобий тажриба менга қандай ёрдам бериши мумкин ёки менинг бу ижобий тажрибага қўшаётган ҳиссам қандай?

## 3-СЕССИЯ: СПЕКТАКЛ ПОСТАНОВКАСИ

03

### СПЕКТАКЛЬ ПОСТАНОВКАСИ

**Мақсад:** Спектаклни сақналаштириш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Тадбирлар	Вақт, мин.
1	Айланани очиш	20
2	Унча катта бўлмаган спектаклни сақналаштириш	25
3	Спектакль ғояси: персонажлар тарихини яратиш	25
4	Спектаклни намойиш этиш	30
5	Айланани ёпиш	20

**1-машғулот:** Айланани очиш.

**Мақсад:** Иштирокчилар билан саломлашиш, аввалги тренинг материалларини тақоролаш ва гурӯҳни бугун ўтиладиган сессия билан таништириш.

**Давомийлиги:** 20 дақиқа.

**Жараён:**

Аввалги сессиялардаги анъналарга содик қолиб, “Ижтимоий ўзгаришлар театри”нинг барча семинарларини айланани очиш билан бошлаш зарур.

Фасилитатор барча билан саломлашади ва иштирокчиларнинг эмоционал кайфияти билан қизиқади. Шунингдек, айни пайтда иштирокчилар нима ҳақда ўйланаётганини ҳам сўраш мумкин. Аввалги сессияларни эсга олиш, иштирокчилар қайси маълумотларни эсда сақлаб қолгани билан қизиқиб кўриш керак. Шундан сўнг фасилитатор янги сессияни бошлайди ва у спектаклни сақналаштириш билан боғлиқ эканини тушунтиради.

**2-машғулот:** Унча катта бўлмаган спектаклни сақналаштириш.

**Мақсад:** Сақна яратиш кўниумасига ўргатиш.

**Давомийлиги:** 25 дақиқа.

**Жараён:**

Иштирокчилар спектакль ғоясини ўйлаб топиш учун беш кишидан иборат гурӯҳларга бўлинади.

Спектакль учун ғоя танлашда иштирокчилар мазкур құлланманинг бириңчи бобида берилған «конфликтлар таҳлили» материалларидан фойдаланишлари мүмкін. Шунингдек, иштирокчилар үз ҳаёт тажрибаларыда дүйнен конфликтли вазиятлар билан үртоқлашиши мүмкін (масалан, гендер нотенглиги, зўравонлик, гомофобия, ижтимоий нотенглик ва шу кабилар), айни пайтда улар мактабдаги камчиликлар ва уларни имкони борича бартараф этиш масаласини ҳам үйлаб кўришлари лозим.

Гурӯҳ ягона фикрга келганидан сўнг айлана шаклида ўтириб, пайдо бўлган саволларни муҳокама қиласди.

#### **Фасалитатор учун инструкциялар:**

Фасалитатор муҳокама жараёнини ва юзага келган саволларни ёзиб боради. Зарурат туғилса, у иштирокчиларни муайян мавзуларга йўналтиради.

Эсда туting! Бу машғулот бўлажак спектаклнинг асосини ташкил қилгани учун ҳам жуда муҳимдир. Машғулотда ҳамма фаол иштирок этиши, ҳар бир одамга муайян мавзудаги ўзгартиришлар ҳақида үз фикрини билдириши таклиф этилиши керак.

Муросага эришилганидан сўнг гурӯҳ сценарий ғоялари ҳақида үйланиб кўриши керак. Сценарийда қўйидаги босқичлар акс этиши лозим:

1. Гурӯҳ аудиторияга кўрсатишни истаган муаммони ифодаловчи асосий фикр.
2. Зулм қилувчи ва мазлум ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви (конфликт).
3. Мазлумнинг жисмоний ҳаракатлари ва сўзларидаги мантиқий кетма-кетлик. Мазлум дастлаб позитив руҳда бўлади, аммо кейин руҳи тушади ва зулм қилгувчига ютқазади.

**3-машғулот:** Спектакль ғоясини аниқ ифода этиш: персонажлар тарихини яратиш.

**Мақсад:** Иштирокчиларни персонажлар тарихини яратишга ўргатиш.

**Давомийлиги:** 25 дақиқа.

#### **Жараён:**

Аввалги сессияда иштирокчиларга спектакл ғоясини үйлаб топиш топширилган эди, бу сессияда эса улар бу ғояни ёзиб оладилар.

Вазифа аввалги ғоялардан фойдаланиш ва сюжетни ёзишдан иборат.

Бириңчи навбатда персонажлар батағсил тавсифланиши лозим. Фасалитатор иштирокчиларга ҳар бир персонаж тарихини яратиш ҳақида топшириқ беради. Бу тарих исм, ёш, бошқа персонажларга исбатан муносабати, этник мансублик, маданияти, маълумоти, жисмоний, руҳий ва эмоционал суйистеъмол тарихидан иборат бўлиши лозим.

Таҳминан 10 дақиқадан сўнг иштирокчилар сюжетни ёзишга киришмоғи ва уни 10 дақиқа ичida ёзиб тутгатишлари шарт.

**5-машғулот:** Спектаклни намойиш этиш.

**Мақсад:** Иштирокчилар мазкур сессияда персонажлар образларини яратиш воситаларидан фойдаланган ҳолда оригинал томошо кўрсатиш тажрибасига га бўлади.

**Давомийлиги:** 30 дақиқа.

#### **Жараён:**

Иштирокчилардан үз спектаклларини гурӯҳ олдида намойиш этишни илтимос қиладиган вақт ҳам етиб келди. Ҳар бир намойишдан сўнг, албатта, муҳокама ўтказилиши лозим. Иштирокчилар қўйидаги саволларга жавоб беришлари керак: улар актёрлик кўнилмалари яхшиланганини сездиларми, тарих у ёки бу персонажни ўйнашга ёрдам бердими, улар спектакллар персонажлари нималарни ҳис қилганини ҳис эта олдиларми? Фасалитаторга иштирокчилар билан доимий мулоқот қилиш, уларга ёрдам кўрсатиш қатъий тавсия этилади.

## 3-СЕССИЯ: СПЕКТАКЛ ПОСТАНОВКАСИ

**6-машғұлот:** Айлананы ёпиш.

**Мақсад:** Мазкур сессияда олинган билимларни хуросалаш.

**Давомийлиги:** 20 дақиқа.

### Жараён:

Яна фикрлар билан үртоқлашиши вақти етиб келди. Бу гал иштирокчилар аввалғи машғұлоттар натижаларини мұхокама қыладылар, үз фикрлари, эмоциялари ва үйлари билан үртоқлашадылар.

### Иштирокчилар учун инструкциялар:

Иштирокчи ҳар бир сессия ҳақида үйланиб күриши ва иккита саволга жавоб ёзиши керак:

1. Мазкур семинарда менга ижобий таъсир қылған нарса нима?
2. Бу ижобий тажриба менға қандай ёрдам бериши мүмкін ёки менинг бу ижобий тажрибага құшаётган ҳиссам қандай?

04

СПЕКТАКЛНИ САҲНАЛАШТИРИШ  
ВА МУКАММАЛЛАШТИРИШ

**Мақсад:** Киштирокчилар томонидан тайёрланган спектаклни ишлаб чиқиш ва мукаммаллаштириш, уларни спектаклни мукаммалаштириш учун репетиция қилишнинг айрим методларига ўргатиш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Тадбирлар	Вақт, мин.
1	Айланани очиш	15
2	Репетиция методлари	90
3	Айланани ёпиш	15

**1-машғулот:** Айланани очиш.

**Мақсад:** Иштирокчилар билан саломлашиш, аввалги тренинг материалларини такрорлаш ва гуруҳни бугун ўтиладиган сессия билан таништириш.

**Давомийлиги:** 15 дақиқа.

**Жараён:**

Аввалги сессиялардаги анъналарга содик қолиб, “Ижтимоий ўзгаришлар театри”нинг барча семинарларини айланани очиш билан бошлаш зарур.

Фасилитатор барча билан саломлашади ва иштирокчиларнинг эмоционал кайфияти билан қизиқади. Шунингдек, айни пайтда иштирокчилар нима ҳақда ўйланаётганини ҳам сўраш мумкин. Аввалги сессияларни эсга олиш, иштирокчилар қайси маълумотларни эсда сақлаб қолгани билан қизиқиб кўриш керак. Шундан сўнг фасилитатор янги сессияни бошлайди.

**2-машғулот:** Репетиция методлари.

**Мақсад:** Ҳамжамиятдаги ҳаётга асосланган реалистик спектакллар.

**Давомийлиги:** 90 дақиқа.

**Жараён:**

Фасилитатор репетициянинг мақсадларидан келиб чиқиб, репетициянинг турли методларини қўллаши мумкин. Бу методлар қўйида келтирилади. Уларни анча бўрттирилган ҳолатда қўллаш кераклигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бошқа иштирокчилар репетицияни кузатиб бориши ва бу репетициялар спектаклни мукаммалаштира олишга қандай кўмак кўрсата олишини

## 4-СЕССИЯ: СПЕКТАКЛНИ САҲНАЛАШТИРИШ ВА МУКАММАЛЛАШТИРИШ

муҳокама қилишлари зарур. Муҳокамадан сўнг репетиция яна давом этади. Муҳокама хulosасини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### “Сўзсиз спектакль”

**Репетиция давомийлиги:** 20 дақиқа.

Бу услуб актёrlарга ўз театр кўнималарини яхшилашга кўмак беради. Иштирокчиларга саҳна кўринишини намойиш этиш таклиф қилинади. Лекин бу гал саҳна сўзсиз намойиш этилади, актёrlар фақат лабини қимирлатиб туради. Қолган иштирокчилар саҳна кўринишини томоша қиласидилар, шундан сўнг улар ўzlари саҳна кўринишини қандай тушунгандарини айтиб берадилар. Мазкур методнинг мақсади –саҳна кўринишини тушунишга ҳалақит берадиган камчиликларни аниқлаш.

### “Жонзотлардан илҳомланиб”.

**Репетиция давомийлиги:** 20 дақиқа.

Кўпинча одамларнинг ҳаракати бошқа жонзотларнинг ҳаракатларига ўхашшиб кетади. Бу методдан фойдаланиш учун иштирокчилардан ўzlари ўйнамоқчи бўлган персонажларнинг характеристига ўхшаб кетадиган ҳайвонларни тасаввур қилиш талаб қилинади.

**Тушунтириш:** тўрт актёр саҳнада роль ўйнамоқда, улар ҳайвонлар ролини ўйнамоқда, масалан, биринчи актёр маймун ролини (маймунча ҳаракатлар), қолганлар арслон, илон ёки қуён ролини ўйнайди.

### “Бошқача стиль”

**Репетиция давомийлиги:** 20 дақиқа.

«Ижтимоий ўзгаришлар театри»нинг муайян саҳна кўриниши турли стилларда, масалан, опера, комедия ва шу каби услубларда ўйналиши керак. Бу актёrlарни ролларни ижро этишда янгича йўлларни ва шаклларни излашга илҳомлантиради.

### “Эмоция”

**Репетиция давомийлиги:** 20 дақиқа.

Инсон табиатида бир неча ҳис-туйғуни бирданига пайдо қила оладиган қандайдир бир куч бор. Бу техника актёрга бир ҳис-туйғуни иккинчисидан ажратиб олишга ва фақат битта эмоцияга диққат қаритшга имконият беради.

Масалан, актёrlар сўзларни ва ишқ-муҳаббатни англатувчи ҳаракатларни қўллаш орқали зўравонлик саҳнасини кўрсатиши керак. Бу машғулот актёрлик маҳоратининг ўсишига кўмак кўрсатади.

### Фасалитатор учун инструкция:

Ҳар бир метод қўллаб бўлинганидан сўнг фасалитатор бу метод актёрлик кўнимасининг яхшиланишига кўмак кўрсатгани ёки кўрсатмаганини гуруҳ билан муҳокама қилиши лозим. Фасалитатор иштирокчилар билан тифиз алоқда бўлиши лозим.

**З-машғулот:** Айланани ёпиш.

**Мақсад:** Мазкур сессияда олинган билимларни хulosалаш

**Давомийлиги:** 15 дақиқа.

### Жараён:

Иштирокчилар машғулотлар натижаларини муҳокама қиласидилар, ўз фикрлари, эмоциялари ва ўйлари билан ўртоқлашадилар.

### Иштирокчилар учун инструкциялар:

Иштирокчи ҳар бир сессия ҳақида ўйланиб кўриши ва иккита саволга жавоб ёзиши керак:

1. Мазкур семинарда менга ижобий таъсир қилган нарса нима?
2. Бу ижобий тажриба менга қандай ёрдам бериши мумкин ёки менинг бу ижобий тажрибага қўшаётган ҳиссам қандай?

05

**СПЕКТАКЛ НАМОЙШ ЭТИШ**

**Мақсад:** Спектакльни намойиш этиш.

**Давомийлиги:** 2 соат

**Сессия режаси:**

№	Тадбир	Вақт,мин.
1	Айланани очиш	15
2	Ижтимоий ўзгаришлар театри спектаклини намойиш этиш	90
3	Айланани ёпиш	15

**1-машғұлот:** Мерчимди ачуу.

**Мақсад:** Иштирокчилар билан саломлашиш, аввалги тренинг материалларини тақрорлаш ва гүрухни бүгүн үтиладиган сессия билан таништириш.

**Давомийлиги:** 15 дақықа.

**Жараён:**

Фасилитатор барча билан саломлашади ва иштирокчиларнинг эмоционал кайфияти билан қизиқади. Шүнгіндег, айни пайтда иштирокчилар нима ҳақда ўйланаётганини ҳам сүраш мүмкін. Аввалги сессияларни эсга олиш, иштирокчилар қайси маълумотларни эсда сақлаб қолгани билан қизиқиб күриш керак. Шундан сүнг фасилитатор янги сессияни бошлайди.

**2-машғұлот:** “Ижтимоий ўзгаришлар театри” спектаклини намойиш тиш.

**Мақсад:** Аввалги сессиялар давомида олинган билимларни қўллаш ва спектаклни намойиш этиш.

**Давомийлиги:** 90 дақықа.

**Жараён:**

Фасилитатор томошабинларни құтлайди, актёрларни ва ўзини таништиради ҳмда бугунғи сессия жараёнида у жокер ролини бажаришини тушунтиради. Жокер театрнинг бирламчи табиати ҳақида айтиб беради, иштирок театри ва иштироксиз театр ўртасидаги фарқларни тушунтиради. Мазкур сессияда иштирок театрининг аудитория томонидан бошқариладиган интерактив формасидан фойдаланилади.

## 5-СЕССИЯ: СПЕКТАКЛ НАМОЙШ ЭТИШ



Актерлар аввалдан тайёрланган жабр-зулм күрсатиш саҳнасини ўйнайди

Спектаклни кўриш жараёнида, агар кетма-кетликни “ўзгартира” олишини ҳис қилса, томошабин томошани исталган пайтда тўхтата олиши мумкин ва бунинг ортидан натижа



Жокер актёрларга сўз берган ҳолда ўйинни бошлайди / давом эттиради



Томошабин намойшга аралашар экан қуйидагилардан бирини амалга ошириши мумкин: ечимни таклиф қилади ёки саҳнага чиқиб, актёр билан алмашади ва ролни бошқачароқ қилиб ўйнайди



Аралашув натижаси тушунарли бўлгач, жокер ўзгаришни баҳолаш ва муҳокама қилиш учун томошани тўхтатади. Самарали муҳокамадан сўнг ўйин давом этади



Спектакль ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган “Форум-театр” эгидаси остида намойиш этилади. Бу форма бразилиялик театр директори Августо Боал томонидан ўйлаб топилган.

Бу ўзгача театрнинг табиати шундан иборатки, унинг муҳим элементлардан бири томошабинлар орасидаги персонажлар бўлиб ҳисобланади. Аввал айтилганидай, театр томошабинларга таъсир этиши, уларда ҳамдардлик туйғуларини ўйғутоши лозим. Яъни, агар томошабин саҳна кўринишини бошқачароқ ижро этиш орқали натижага таъсир кўрсата олишига ишонса, унда бу ишни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Шундай қилиб, ўзаро муроқотнинг икки услуби қўлланилади. Биринчи услубда аудиториянинг аралашуви ва бунинг натижаси ўлароқ фаол иштирок ва демонстрация назарда тутилади. Бунинг учун томошабин қўлини кўтариши ёки “Тўхтанглар!” деб, саҳна кўринишини ўзгартиримоқчи бўлаётганини айтиши кифоя қиласди. Яъни биринчи қадам:

- Оғзаки аралашув (актёрлар томошабин таклифини эътиборга олиб, саҳна кўринишини бошқачароқ ижро этади);
- Жисмоний аралашув

Кейинги сафар иштирок принципи ўзгартирилади ва томошабиндан саҳнага чиқиш илтимос қилинади. У актёрларга ўз таклифини тушунтириб ўтиrmай, тўғридан-тўғри саҳна кўринишини ўзи хоҳлаганидай ижро этади; аммо аудитория бу ҳолатда ҳам оғзаки аралашув принципи асосида спектаклга аралashiш ҳуқуқига эга бўлади.

**Эслатма!** Жокер аралашувни модерация қилиб боради. Ҳар бир одам зўравонлик ҳаракатлари ёки шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар жокер томонидан қўллаб-қувватланмаслигини аниқ билиши шарт. Айни пайтда таклифлар реалликка яқин бўлиши ва жокер томонидан баҳоланиши керак.

Ҳар бир намойишдан сўнг жокер саҳнага чиқиб, уни муҳокама қилишни таклиф этади. У аудиториядан спектаклнинг муаммоли мавзуни тушунган ёки тушунмаганини; уларнинг ҳамжамиятида ҳам бу каби муаммолар бор ёки йўқлигини; улар саҳна кўриниши томоша қилиш пайтида кимга ҳамдард бўлганларини сўраши мумкин. Жокернинг мақсади фикрлаш жараёни бошланиши учун муҳокамага имкони борича кўпроқ одамни жалб қилишдир. Муҳокамадан сўнг актёрлар яна мана шу саҳнани намойиш этади, томошабинлардан эса уни дикқат билан кузатиш илтимос қилинади. Намойиш пайтида аудитория яна аралashiши мумкин. Бу қўйида-гича содир этилади:

Кимдир саҳанининг ижро этилишидан қониқмаса ёки бу саҳнани ғоя тушунарлироқ бўлиши учун бошқачароқ ижро этиш мумкин, деб ўйласа, “тўхтанг”, деб қичқиради. Намойишни тўхтатган одам саҳнани қандай ўйнаш кераклиги ҳақидаги тасаввурларини айтади, актёрлар эса саҳнани яна қайтадан бошқачароқ тарзда ижро этади (оғзаки аралашув). Томошабин ўзи саҳнага чиқиб, рольни ўзи тасаввур қилгани каби ўйнаб бериши ҳам мумкин (жисмоний аралашув).

### Спектакль пайтида жокер учун инструкциялар

Актёрлар ўйнаётган пайтда жокер ҳам саҳнада бўлиши лозим (бироқ у томошага ҳалақит бермай, ўйинга аралashiши истаганларни кўриб туриш учун аудиторияга юзланиб бир четда туриши лозим). Томошабин “тўхтант”, деган сўзни айтиши билан у томошабиннинг исмини ва актёрлар ўйнаши керак бўлган ғояни сўрайди.

Шундан сўнг жокер актёрлардан саҳнани қайтадан ижро этишни ва томошабин айтган ғояни амалга оширишни илтимос қиласди. Саҳна ўйналиб бўлингач, томошани яна тўхтатиб, уни томошабинлар билан, айниқса, томошани тўхтатган томошабин билан муҳокама қилиш, актёрлар таклиф қилинган ғояни нақадар акс эттира олганларини сўраш лозим. Ғояни томошабиннинг ўзи намойиш этган пайтда ҳам худди шундай қилинади.

Ниҳоят, жокер бошқа томошабинлардан ҳам уларда муаммони ҳал этишнинг бошқа йўллари ҳақида таклифлари бор ёки йўқлигини сўрайди. Агар бошқа таклифлар бўлмаса, спектакль навбатдаги томошабин “тўхта” демагуница давом этади.

### Кузатувчи учун инструкциялар:

Бешинчи сессия жараёнида кузатувчи, деган янги роль пайдо бўлади. Унинг вазифаси сессия жараёнини ҳужжатлаштириб боришидир. Кузатувчи спектакл пайтида юз бераётган нарсаларни, масалан, аудиториянинг жалб қилинганлик даражасини (юоқри ёки паст даражада, спектаклни ўзгартириш ҳақида бирон нарсалар айтилдими, томошабин ва актёрлар томонидан қандай асосий муаммолар кўтаришгани ва шу кабиларни) қайд этиб боради. Бунинг учун кузатувчи ҳужжатлаштиришнинг исталган формасидан –аудио-видео ёзувдан, фотосуратга олишдан, ёзма ҳужжатлаштиришдан- фойдаланиши мумкин.

## 5-СЕССИЯ: СПЕКТАКЛ НАМОЙШ ЭТИШ

### Форумдан сұнг

Жокер актёrlарга ва томошибинларға иштирок учун миннатдорчылық билдириб, “Ижтимоиј үзгаришлар театри”ни яқунлайди. Спектакль тугади, аммо форум давомида иштирокчилар олган билимлар қолишиға үмид бор ва улар бу билимларни реал ҳаётда қўллашлари мумкин.

**З-машғулот:** Айланани ёпиш.

**Мақсад:** Мазкур сессияда олинган билимларни хulosалаш.

**Давомийлиги:** 15 дақиқа.

### Жараён:

Иштирокчилар машғулотлар натижаларини мұхокама қиладилар, үз фикрлари, эмоциялари ва ўйлари билан ўртоқлашадилар.

### Иштирокчилар учун инструкциялар:

Иштирокчи ҳар бир сессия ҳақида ўйланиб кўриши ва иккита саволга жавоб ёзиши керак:

1. Мазкур семинарда менга ижобий таъсир қилган нарса нима?
2. Бу ижобий тажриба менга қандай ёрдам бериши мумкин ёки менинг бу ижобий тажрибага қўшаётган ҳиссам қандай?

**Пост-тест:**

1. Сиз “Ижтимоий ўзгаришлар театрі”дан қандай мұхим нарсани үргандингиз?

2. Сизнің командаңыз олинган билимдан мактабингизни хавфсиз ва осойишта мактабга айлантиришда қандай фойдалана олади?

3. Олинган билимингиздан күндалик ҳаётингизда қай тарзда фойдаланмоқчысиз?

4. Августо Боални форум-театрни ташкил этишга нима илхомлантирди?

5. «Ижтимоий ўзгаришлар театрі»нинг асосий мақсади нима?

6. «Ижтимоий ўзгаришлар театрі» жамиятнинг яхшиланишига ёрдам күрсата олади, деб ҳисоблайсизми?



Ха, ҳисоблайман/



Йүк, ҳисобламайман/

7. Бу каби театрда яна иштирок этишга рози бўлармидингиз ва нима учун?

Ха, рози бўлман.

**Йўқ, рози бўлмайман.**

## Глоссарий

**Актёр/тренер-тengdoш** – импровизацияли сценарийлар ёзишда иштирок этувчи, тенгдошлар аудиторияси учун мүлжалланган спектаклларда роль ижро этувчи, шунингдек, фасилитатор вазифасини бажарувчи одам. Актёр/тренер-тengdoш театр ва импровизация методлари соҳаси бўйича интенсив тайёргарликдан ўтадилар.

**Анtagонист** – спектаклнинг бош қаҳрамони, унга протагонистга нисбатан бир ҳил муносабат билдирилмайди.

**Аудитория, томошабинлар** – театр томошасини кўраётган одамлар.

**Аралашув** – томошабин саҳнага чиқиб, томоша якунини ижобий томонга ўзгартириш мақсадида protagonistning ўрнига роль ўйнайдиган пайт.

**Демеханизация** – актёрларга яна қайта образга киришга ёрдам берувчи ва турли тана ҳаракатлари ҳилма-ҳиллигига етишиш имкониятини берувчи ўйинлар ва машғулотлар.

**Жокер** – бешинчи сессияни модерация қилиш ваколатига эга одам. У жараён учун масъул, томошабинларнинг томошага аралашувини назорат қилади ва муҳокамаларни бошлаб беради.

**Импровизация** – тайёр сценарийга асосланмаган ҳаракат. Актёрлар импровизация кўникмасини ривожлантирувчи воситаларни ўрганадилар, гуруҳлар эса кўпинча спектаклни яхшилаш учун ишлаб чиқилган режага амал қиладилар. Бироқ импровизация ёдлаб олинган матнга асосланмайди.

**Конфликт** – “Ижтимоий ўзгаришлар театри” доирасида намойиш этилган томошаларнинг асосий элементи. Конфликтни кўпинча бош қаҳрамон ва анtagонист ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви сифатида талқин қилиш мумкин. Бу турли манфаатлар ўртасида муросага келинишин талаб қилувчи вазият.

**Кузатувчи** – кузатувчи ўйинга бешинчи сессия пайтида қўшилади. У ҳисбот ва баҳолаш учун жараённи ҳужжатлаштиришга масъулдир.

**Тарих** – актёр/тренер-тengdoш томонидан яратилган персонажларнинг таржимаи ҳоли. Тарих персонажнинг сценарийда акс этган барча жиҳатларини ва сценарийга киритилмаган бошқа жиҳатларини қамраб олади. Тарихда персонажнинг оиласи, унинг яшаш шароити, нимани яхши ва нимани ёмон кўриши, кундалик фаолияти ва шу кабилар ҳақида маълумотлар қамраб олиниши лозим.

**Протагонист** – “Ижтимоий ўзгаришлар театри”нинг бош қаҳрамони.

**Образлар театри** – тана ҳаракатлари ёрдамида персонажларнинг ҳис-туйғулари ва кечинмаларини акс эттирувчи қотиб қолган тасвирларни яратишга кўмак берувчи машқлардан фойдаланиш.

**Фасилитатор** – семинар ва спектакль намойиши раҳбари. “Ижтимоий ўзгаришлар театри”да фасилитатор аудитория учун қоидаларни ишлаб чиқади, protagonistning томошабин билан алмашинувини бошқаради, аудиториядан кимдир таклиф қилган ечимни муҳокама қилишни таклиф этади.

**Форум-театр** – энг муаммоли томошаларни намойиш тувчи театрнинг интерактив формаси, бу театрда томошабинлар муаммони ижобий ҳал тиш мақсадида намойиш пайтида ўз ўзгартишларини киритиши мумкин.

## **Ўрта мактаб ўқувчилари, айниқса қызлар, ўз ҳамжамиятларида ўзларини кўпинча таҳдид остида ҳис қиласди**

“Менинг хавфсиз ва осойишта мактаби” лоийҳасида иштирок этадиган 17 ёшдан 17 ёшгача бўлган ёшлар “шахсий хавфсизлик” тушунчасини ҳамжамиятдаги юқори синф ўқувчилари, мактаблари ва оиласида қандай тушунишларини аниқлаш мақсадида ООН-женшини тузилмаси стажёрлари Шукрия Назридод ва Гульзира Камитжанова Қирғизистон бўйлаб 90 нафар тенгдош устозлар орасида сўров ўтказди.

Одатда, болаларнинг шахсий хавфсизлиги ва зўравонликни улар қай тарзда қабул қилиши масаласига жуда оз эътибор қаратилади, ҳолбуки, бу нафақат индивидуаль, балки ҳар бир инсоннинг ижтимоий муаммосидир. Негаки бу масала эрларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам ўзини тутишига катта таъсир кўрсатади.

Талабаларнинг шахсий хавфсизлик масаласидаги нуқтаи назари замонавий жамиятда қандай воқеалар содир этилаётганига боғлиқдир. Масалан, этник қирғизлар орасидаги ҳар уч аёлдан бири ўз хоҳишига қарши ўғирланганидан сўнг турмушга чиқади. Бу эса ўсмир қызлар ва ҳали турмушга чиқмаган қызларнинг кундалик ҳаётида акс этамай қўймайди. Улар учун кўчага чиқиш катта муммо. Қызлар зўравонлик билан ўғирланиш қурбонлари бўлишдан қўрқиб, ўзларини доимо ҳатар остида ҳис қиласдилар: «Кечқурунлари жуда хавфли бўлиб қолди, чунки ҳеч кимга ишонч йўқ. Соат олтидан кейин биз ким биландир кўчага чиқамиз, масалан, дўконга бориш керак бўлиб қолса. Кеч тушиши биланоқ ота-оналарим менга кўчага чиқишга ижозат бермайди», - деб жавоб берди сўралган қызлардан бири. Бошқа қыз бунга қўшимча қилди: «Бир куни уйимиз олдида жойлашган дўкон олдида бир неча бола қизни машинага мажбуран ўтқазиб олиб кетди. Биз шок ҳолатига тушиб қолдик. Бу каби воқеалар кундуз куни юз бераётган бир пайтда, мен кўчада ўзимни хавфсиз ҳис қила олмайман. Кеч соат олтидан кейин са кўчага чиқишдан қўрқаман, бдан кейин мен мутлақо кўчага чиқмайман. Йигитлар сени ёқимсиз сўзлар билан ҳақорат қилиши, тегишиши, тош отиши ва осонгина ўғирлаб кетиши мумкин. Бу жуда даҳшатли...»

Бундай ҳолатлар ортидан қызлар ўз уйининг асирасига айланиб қолмоқда. Улар кундуз куни ҳам кўчага ёлғиз чиқишдан қўрқади. Бошқа бир ўқувчи қыз эса ўғирлаб кетилган ва зўрланган қўшни қиз ҳақида айтиб берди. Шундан сўнг маънавий ва жисмоний жиҳатдан катта шикаст еган қиз ўзини ўзи ўлдирди. Хуқуқ-тартибот тузилмалари эса бу ишни етарли даражада тергов қила олмади, - деб билдириди ўқувчи қиз.

Ўқувчи қызлардан бу каби жиноятлар содир этилганида милиция мурожаат қилиш ёки қилмасликлари сўралганида, улар милицияга ишонмасликлари, чунки милиция ўта коррупциялашгани ортидан терговни тўхтатиб қўйиши ёки мутлақо тергов олиб бормаслиги мумкинлиги айтдилар. Ёшларнинг Қирғиз Республикасида хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга масъул бўлган ҳуқуқ-тартибот тузилмалари тўғрисидаги фикрлари мана шундан иборат.

Анкеталаштириш натижаларига кўра, сўралган ҳар беш кишидан тўрт нафари ўзларини ўз мактабларида хавфсиз ҳис қиласдилар, бироқ фокус-группалардаги муҳокамалар ва юзмай юз суҳбатлар чоғида қызлар мактаб ичкарисида, мактабга бориб-келиш пайтида таъқиблар, шилқимликлар, шахсий мулкка зиён етказиш ёки ўғирлаш каби ҳолатларга дуч келишларини айтдилар. Қызлардан бири: “Мактабда ўғил болалар қызларга тош отади, кўпинча менга ҳам отишади. Улар бизга тегишиб, устимиздан сув сепиб юборишлари ҳам мумкин, шунинг учун кўп ҳолатларда мен мактабга боришни истамайман”, деб таъқидлади. «Бизнинг сумкаларимиздан қимматбаҳо нарсаларни ўғирлашади. Синфдошларимдан бири ўзига уяли телефон сотиб олган эди, эртаси куни эса бу телефонни ўғирлаб қўйиши”, - деди қызлардан яна бири.

Ўғирликлар туфайли кўпчилик ўзларини хавфсиз сезишлари учун мактабга қўриқчилар олишни ва кузатув камералари ўрнатишни таклиф қилмоқда: «Агар биз мактабларда камераларга эга бўлсақ, ўғирликлар, муштлашувлар ва таъқиблар юз бермайди ёки бундай

ҳолатларни биз ўзимизни хавфсиз сезишимиз, танафусслар пайтида буюмларимизни синфда қолдиришимиз учун кузатиб туриш имконияти пайдо бўлади”.

Фокус-группалардаги мұхомамалар пайтида ўқувчилар айрим пайтларда ўқитувчилар ҳам уларга нисбатан зўравонлик қилишларини қайд этдилар: «Бизда айрим ўқитувчилар ўқувчиларни калтаклайдилар. Бир ўқитувчи бир неча ўқувчини синфга қулфлаб қўйган пайти ҳам бўлган. Ўқувчилар уйга кетиш учун ойнадан сакрашган ва уларнинг айримларининг оёклари лат еган”. Яна бир ўқувчи қўйидагиларни айтди: «Менинг синфдошларимдан бири бир куни мактабга пардоз қилиб келди. Ўқитувчимиз уни юзига тарсаки тушириб, сочидан тортиб, юзини раковинага солди. Биз ҳамамиз шокка тушдик”. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб таҳмин қилишимиз мүмкінки, ўқувчилар ўзларини хавфсиз ҳис қилишлари учун ўқитувчилар ҳам терс таъсир ўтказмоқда. Бу эса мактаб давоматини туширмоқда, охир оқибат дарсга келмаган ўқувчи мактабдан ҳайдалишига сабаб бўлаётir.

Анкеталаштириш натижаларига таянган ҳолда, кўпчилик ўқувчилар ўзларини уйларида хавфсиз ҳис қилишлари ва уларни оиласда ҳамма яхши кўришини айтиб ўтдилар. Интервью натижалари эса уй шароити тўғрисида бошқача манзарани пайдо қилди. Респондентлардан бири қўйидагиларни айтди: “Мен кўп маротаба ота-онам жанжаллашаётганининг гувоҳи бўлганман. Мен отам онамни урганини кўрганман, мен жуда қўрқиб кетганман ва ўз турмуш ўртоғим ҳеч қачон мен билан бундай муносабтда бўлишига йўл қўймайман, деб ваъда берганман. Бошқа респондент: “Мен отам онамни калтаклаётганига гувоҳ бўлганман. Мен жуда ғамгин бўлиб қолганман. Ота-оналар ҳеч қачон фарзандлари олдида жанжаллашмасликлари керак, чунки бу болага салбий таъсир қиласди. Ота-онам мени тарбиялаш кенг тарқалган ҳолат ҳисобланади ва болалар бу ҳолатга шунчалик кўнишиб қолишганки, буни нормал кўриниш сифатида қабул қиласидилар”, - деди бошқа респондент.

Агар бола отаси онасини калтаклаётганини кўрса, буни одатий ҳолат деб қабул қила бошлайди ва зўравонлик занжири давом этаверади. Сўралганларнинг деярли уч қисми мактаб машғулотларига уйларидаги муаммолар туфайли кела олмаганларини, ярмига яқини эса уй мажбуриятлари туфайли дарсларни қолдирганларини айтишди.

### Ҳулосалар ва тавсиялар

Ўқувчиларнинг шахсий хавфсизликни талқин қилиши генлер-дифференциалдир. Қизлар ўғил болаларга қараганда кўпроқ қўрқувни ҳис қиласди. Индивидуаль интервьюлар ва фокус-группалардаги мұхомамалар натижаларига таянган ҳолда айтиш мүмкінки, респондент қизлар жиноятчилар учун енгил ўлжа бўлиб қолишдан қўрқиб, кўчага ёлғиз чиқишдан қўрқадилар.

Ҳукумат, мактаб маъмуриятлари, ота-оналар бу вазиятни ўзгартириш учун барча имкониятларни ишга солишлари лозим. Ёшлар зўравонлик ва унинг оқибатлари тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиши керак, милиция эса зўравонлар тегирмонига сув қўймай, жиноятчиликка барҳам бериши лозим. Улар одамлар ишончини қозониши ва ўз вазифаларини, яъни инсонларни ҳимоя қилиш вазифасини бажаришлари шарт.

Ўтказилган тадқиқот унча кўп бўлмаган одамлар сўралгани учун ҳам чеклангандир. Иштирокчилар сонининг чегараланган бўлиши фақат муаммонинг моҳиятини аниқлашга имконият беради, лекин конкрет ечимлар топишга дастак бўла олмайди. ООН-женщины тузилмаси учун маблағ ажратилган “Билим, Ўзини тутиш ва Тажриба (КАР)” деб номланган мамлакат бўйлаб ўтказилувчи кенг миқёсли сўровни ўтказиш жуда мухим ҳисобланади. Бу сўров асосида БМТ ва давлат гендер муносабатлари ҳамда гендертенглигини ривожлантиришга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиши мүмкин.

## Эрта ҳомиладорлик

Сабаб	Эрте кош бойлуулуктун терс кесепеттери
Катта мұхаббат	Тирикчилик ташвишлари никохгача бўлган муносабатлар романтизмини йўққа чиқаради, ёш оила барча қийинчиликларга эга реал оиласви ҳаётни: қундалик ташвишлар, моддий таъминот ва етишмовчиликни, ўзига ва ўқишга вақт етишмаслигини ҳис қилгач, пушти кўзойнакларини ечадилар. СИЗ- кечаги болалар бундай қурбонликларга тайёрмисиз? Сиз ўз партнёргизга қанчалик ишонасиз? Ахир бир одам билан уч-тўрт ой мулоқот қилиш орқали уни яхши билиб ололмайсизку.
Молиявий мустақилликка эришиш	Статистика тез-тез камбағаллик ўсмири қизларни турмушга чиқишига мажбур қилишини кўрсатиб турибди. Улар никоҳ қуриб молиявий мустақиллика эришини истаётган бўлсалар хато қиласидилар. Амалиёт эса қўпинча ўз шахсий даромадига эга бўлмай турмуш қурган қизлар эрларига молиявий жиҳатдан қарам бўлиб қолишини исботламоқда. Агар эр ўқувчи ёки талаба бўлса, ёшлар мактабни ёки олийгоҳни ташлаб, тирикчилик ўтказиш учун пул ишлашга мажбур бўлади.
Ота-оналарнинг қистови билан	Диндор оиласларда эрта турмушга чиқиш маънавий тарбия муаммоси ҳисобланади. Ота-оналар маънавиятни сақлаб қолган ҳолда қизларни эртароқ турмушга бериш шарт, деб ҳисобладилар. Бироқ бу никоҳ одатда ҳукумат тузилмалари томонидан рўйхатга олинмайди. Никоҳ ўқилгани тўғрисидаги гувоҳнома билан бирга ёш оиласи илова ҳам тақдим этилади. Иловада мусулмон одатлари бўйича турмуш қурган оиласада эр ва хотининг мажбуриятлари ҳамда бурчлари ёзилган бўлади. Енгиллатилган тарзда бундай гувоҳномани олиш кўпчиликни ўзига жалб қиласи, бироқ ёш келин бу иловадаги барча шартлар бажарилган тақдирда ҳам, у адолатни таъминлай олмаслигини, давлат рўйхатидан ўтмагунига қадар у эри билан биргаликда топилган мол-мулқдаги ўз улушига эгалик қила олмаслигини билмайди. Агар келинчак ҳомиладор бўлиб қолса ва унда никоҳи давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисида ҳужжат бўлмаса, боланинг туғилганик гувоҳномасида бола отасининг исми ёзилмайди. Ажрашиб кетилган тақдирда эса, келин боланинг отаси томонидан болага кўмак берилишига эриша олмайди.
Жинсий томондан эрта ба-лоғатга етиш ва бунинг оқибати ортидан эрта ҳомиладорлик	<p>Балоғатга етмаган келинлар учун турмушга чиқиш рта ҳомиладорликни англатади ва бу ҳолат 19 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги ўлимнинг асосий сабабидир. Балоғатга етмай турмушга чиқиш ўсмири қизлар учун эмоционал ва жисмоний томондан жуда зарарлидир. 15-16 ёшда турмушга чиқсан қиз ҳали жинсий ҳаётга, оналикка тайёр эмас, чунки қиз балоғатга етганга ўҳшагани билан унинг руҳий ҳолати, характеристи шаклланиб ултурмаган. Шунинг учун оиласви ҳаёт унинг учун стрессга айланади, бунинг оқибатида эса у имконияти чекланган фарзандни дунёга келтириш ёки ўлик бола туғиши мумкин. Қиз боланинг организми 20 ёшгача шаклланиши ҳеч кимга сир мас. Бола туғиши органларининг ривожланиб ултурмагани рта фарзанд кўришнинг асосий салбий жиҳатидир. Бунинг оқибатида ҳомиланинг тушшиб кетиши хавфи икки маротаба кўпаяди. Ҳомиладорнинг ўзига бу ёшда кўп миқдорда витаминалар кераклигини ҳисобга олганда, у бўлажак фарзандини ҳам бу витамин моддалари билан таъминлай олмайди. Бунинг оқибатида эса болалар туғма камчиликлар билан туғилади. Бундан ташқари, статистиканинг билдиришича, ёш оиласларнинг ўнтасидан саккизтасида келин ри томонидан зўравонликка учрамоқда. Янги ойлагана келган қиз ўз ҳуқуқлари, ўз фикрини ҳимоя қила олмайди.</p> <p>Эрта никоҳ қизларни асосий ҳуқуқидан, яъни таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиши билан ҳам кўрқинчлидир.</p>

## Муаммони ҳал қилиш йўллари

1. Мактаб ҳамжамиятида ҳамма ҳам эрта турмушга чиқишнинг салбий томонларини билмайди. Бизнинг биринчи вазифамиз мактаб ҳамжамияти мазкур муаммонинг сабаблари, фактлари ҳамда мактаб доирасида бу муаммо қандай оқибатларга олиб келгани ҳақида нақадар маълумотга эга эканлигини аниқлашдир. Мазкур муаммо тенденциялари ҳақида мактаб маъмурияти хабардор бўлиши лозим, демак, муайян маълумотларни мактаб директори ёки ижтимоий педагогдан олиш мумкин. Эрта турмушга чиқишнинг сабаблари ва салбий оқибатлари ҳақидаги маълумотларни эса 7 ва 8 синф ўқувчилари ўртасида анкеталаштиришни ўtkазиш орқали олиш мумкин. Сабаблар аниқланганидан кейин мактаб директори, ижтимоий педагог, психолог, балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор, ўқувчиларнинг ота-оналари иштироқида тадбирлар режасини ишлаб чиқиши мумкин. Бундай тадбирлар ўқувчиларга эрта турмушга чиқиш ва эрта ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари ҳақида маълумот беришга қаратилган бўлиши лозим. Тенгдош устозлар турмушга чиқишни эмас, ўқишини давом эттиришни танлаш орқали қизлар ўзларига молиявий мустақилликка эга бўлган келажакни таъминлай олишини кўрсатиши шарт.

2. Тадбирлар дастури мақсадли аудитория ва мазкур муаммонинг аниқланган сабаблари асосида ишлаб чиқиласди. Масалан:

Ўқувчиларнинг ота-оналари учун уюштирилган дастурда ўз фарзандлари баҳти учун ота-оналар масъул экани тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олиши лозим (фарзандлари балоғат ёшига тўлгунича). Ота оналарга, шунингдек, эрта турмушга беришнинг салбиқ оқибатлари ҳақида ҳам маълумот брилиши керак. Бундан ташқари, Оила кодексига мувофиқ ота-оалар ҳуқуқи фарзанд манфаатларига зид равишда амалга оширилмаслиги лозимлигиги ҳам эслатиб ўтиш зарур (яхни ота-оналар ўзи хоҳламаса, қизларини турмушга чиқишга мажбурлай олмайдилар).

3. Юқори синф ўқувчилари учун эса ижтимоий педагоглар, тиббиёт ходимлари, балоғатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспекторлар иштироқида видеороликлар тақдимоти ўтказиш орқали синф соатларини уюштириш ёки муҳокамалар ўтказиш тавсия этилади. Барча тадбирлар мактаб маъмуриятининг, биринчи навбатда мактаб директорининг қўллаб-қувватлаши билан ўтказилиши лозим.

4. Қатор тадбирлар ўтказиб бўлинганидан сўнг бу тадбирлар эрта турмушга чиқиш муаммоси юзасидан ўқувчиларнинг дунёқарашига қай тарзда таъсир қилганини аниқлаш мақсадида қайта анкеталаштириш ўтказиш талаб қилинади.

5. Мазкур компания доирасидаги якуний қадам мактаб деворига осиб қўйиладиган катта постерни ишлаб чиқиш бўлади. Постерда эрта турмушга чиқишга қарши фикр билдирганлар ва бошқаларни шунга даъват этувчилар ўз имзоларини қолдиришлари мумкин.

## МУНДАРИЖА

<b>БМТ куни ва Халқаро тинчлик куни</b>	<b>4</b>
<b>1-бўлим. Бизнинг мактабимиздаги конфликтлар таҳлили</b>	<b>6</b>
1-сессия: Конфликт асослари	10
2-сессия: Конфликт таҳлили	14
3-сессия: “Конфликт дараҳти” воситаси	19
4-сессия: “Конфликт картографияси” воситаси	23
5-сессия: Конфликтлар билан ишлашда маълумот тўплаш услублари	28
<b>2-бўлим. Медиация</b>	<b>38</b>
1-сессия: Конфликтологияда медиация асослари	41
2-сессия: Медиация жараёни. Медиациянинг беш босқичи	45
<b>3-бўлим. Қишлоқни умумий баҳолаш (ҚУБ)</b>	<b>53</b>
1-сессия: Обзор ва умумий принциплар; ҚУБга тайёргарлик: Кундалик баҳолаш ва ташкилий йиғилишлар	56
2-сессия: Воситалар ва услублар: ресурс харитаси; ресурс карточкалари; Венн диаграммаси	65
3-сессия: Ижтимоий харита; даромадлар ва ҳаражатлар матрицаси; Фаровонлик бўйича баҳолаш; кун тартиби	79
4-сессия: Дала машғулотлари	87
5-сессия: Ҳамжамиятдаги якуний учрашув, пмазкур учрашувдан сўнг гурӯҳ тажрибаси намойиш этилади	102
<b>4-бўлим. Ижтимоий ўзгаришлар театри</b>	<b>108</b>
1-сессия: Кириш ва оёқ-қўл чигилини ёзиш	111
2-сессия: Образлар яратиш	116
3-сессия: Спектаклни саҳналаштириш	119
4-сессия: Спектаклни саҳналаштириш ва мукаммаллаштириш	122
5-сессия: Спектаклни намойиш этиш	124

**Қайдлар үчүн**

**Қайдлар учун**